



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*2026 йил – “Маҳаллани
ривожлантириш ва жамиятни
юксалтириш йили”*



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси**Ҳамкорлар**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси**ТАҲРИР КЕНГАШИ**Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.01.2026 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 13/8,8 босма табоқ.
Буюртма № 87. Адади 1925.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй
Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****4****МУРОЖААТНОМА – ИНСОНПАРВАР
ФОЯ ВА ТАШАБУСЛАР ИФОДАСИ****12****ОТ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРИНЦИПОВ
К НАЦИОНАЛЬНОЙ МОДЕЛИ:
РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО
ИНТЕЛЛЕКТА В КОНТЕКСТЕ ПОСЛАНИЯ
ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКИСТАНА****ЯНГИ БОСҚИЧ****14****ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ
ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ****16****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ИЖРО ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҲАМКОРЛИК:
МДҲ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА****МУЛОҲАЗА****18****ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ****20****ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧЛАРИ****ТАҲЛИЛ****22****ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ****24****ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ****ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ****ТАЛҚИН****25****АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ**

НУҚТАИ НАЗАР

28

АЁЛНИ ЭРГА ТЕГИШГА МАЖБУРЛАШ
ЁКИ ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ
ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

30

МУШОҲАДА

МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШ
ИНСТИТУТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
ЭВОЛЮЦИЯСИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

32

ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТ
МИГРАЦИЯСИНINГ
ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

33

МУҲИМ МАВЗУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
КОМИССИЯВИЙ ВА КОМПЛЕКС
ЭКСПЕРТИЗАСИНINГ ТАНҚИДИЙ
ТАҲЛИЛИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

36

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

38

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА
ТРАНСФОРМАЦИЯ

40

ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ
КЎРИБ ЧИҚИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

42

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШДА
ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

РАҚАМЛИ ДУНЁ

44

РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРДА
МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ
ҲУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

46

ТАДҚИҚОТ

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

48

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН
Фойдаланиш: амалий
имкониятлар ва хавфлар

50

Қўриқлаш шартномаси бўйича
тарафларнинг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари

52

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШДА ПРОЦЕССУАЛ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ
ҚАРОРЛАРИГА ТАЪСИРИ

54

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРИ

56

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК: КУРОРТ –
ТАБИЙ ҲУДУДЛАРИ МИСОЛИДА

57

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

НЕСПРАВЕДЛИВЫЕ УСЛОВИЯ И
КАБАЛЬНАЯ СДЕЛКА В
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ
ДОГОВОРАХ: СТРУКТУРНО-
ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД

ТЕМА ДНЯ

60

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ
РЕГУЛИРОВАНИЕ ВОЗВРАТА
АКТИВОВ И БОРЬБЫ С
ЛЕГАЛИЗАЦИЕЙ ПРЕСТУПНЫХ
ДОХОДОВ В ЦИФРОВУЮ ЭПОХУ И
РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

62

ANALYSES

ISSUES OF IMPROVING MECHANISMS
FOR PROTECTING EMPLOYEES'
LABOR RIGHTS IN THE CONTEXT OF
DIGITALIZATION

МУРОЖААТНОМА – ИНСОНПАРВАР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ИФОДАСИ




Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Парламентга ва у орқали халқимизга йўлаган навбатдаги МУРОЖААТНОМА-си ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНни энг ривожланган демократик давлатлар қаторига киритиш, эркин ва фаровон, замонавий жамиятни барпо этишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу Мурожаатнома ва унда илгари сурилган гоё ҳамда ташаббуслар айна пайтгача мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, шунингдек жуда кўплаб нуфузли халқаро экспертларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари энг муҳим устувор йўналишлар қаторида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларимизни чуқурлаштириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида Мурожаатномада суд тизими фаолиятини янада такомиллаштириш борасида белгиланган янги вазифалар хусусида батафсил фикр-мулоҳазалар билдирилади.



Холмўмин ЁДГОРОВ,

Судьялар олий кенгаши раиси

– Мурожаатномада адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, бу борада белгиланган янги вазифалар соҳа ходимларига алоҳида масъулият юклайди.

Замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, уларда қонунийлик, одиллик, шаффофлик ҳамда самарадорликни таъминлаш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди.

Асосий ёндашув суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, хусусан суд тизими амалиётида биринчи марта – “халқ вакиллари ҳайъати” деган янги институтнинг жорий этилиши лозимлиги тўғрисида ғоя илгари сурилди.

Ушбу янги институтнинг вужудга келиши, биринчидан қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти шароитида суд органлари фаолиятида жамоатчилик вакиллари қонуний иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади;

иккинчидан, инсон, жамият ва давлат манфаатларини суд органлари орқали самарали ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришишга олиб келади;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг ижро этилишини қатъий таъминлаш борасида таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилишининг қонуний механизмларини такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади;

тўртинчидан, судьялар фаолиятида ва умуман суд тизимида манфаатлар тўқнашуви (коррупция) ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уни таҳлил қилиш, бу иллатга қарши самарали курашиш ва унинг олдини олишда ижобий натижаларга эришилади.

Мурожаатномада “одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этишни янада такомиллаштириш лозим”лиги алоҳида қайд этилди.

Эндиликдаги вазифа тергов жараёнларини ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш,



айниқса жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишга бўлган босқичларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали инсон омили қисқартирилиши лозимлиги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, трансформациялашув ва одил судлов уйғунлигини таъминлаш бугунги ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти даврининг энг муҳим заруриятига айланди.

“Рақамли суд” концепцияси ўзига хос мураккабликларга эга бўлган глобаллашув шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида тизимли татбиқ этиб борилаётган сунъий интеллект технологияларини одил судлов фаолиятига оқилона ва самарали жорий этиш жараёнларини жадаллаштиришга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари томонидан адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни қатъий давом эттириш, уларнинг фаолиятини бугунги кун талабларига тўла мослаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида белгиланди.

Албатта, бу муҳим вазифанинг ижроси моҳиятида аввало инсон ҳаётини яхшилаш, унинг барча қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари эзгу ғоялар ётади.



Убайдулла МИНГБОЕВ,

*Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Холмўмин Буврабоевич тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳақиқатдан ҳам Президентимизнинг мазкур Мурожаатномаси бугунги куннинг ҳар бир судьяси, қолаверса суд тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим ўзининг вазифа ва ваколатларига масъулият билан ёндашишини талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада яна бир бор жаҳонда рўй бераётган мураккаб геосиёсий вазият, кутилмаган кулфат ва талафотлар, ўта оғир синов ва қийинчиликлар даврида яшаётганлигимизга алоҳида урғу берди.

Дарҳақиқат, содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасидаги иқтисодий қарама-қаршиликлар ҳамда хавфсизликка таҳдидларнинг ортиб бориши замонавий дунёни таҳликага солмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Дунёда озик-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш ишларининг ҳолати тўғрисида”ги ҳисоботида келтирилишича, ҳозирги кунда жаҳонда тўйиб овқатланмаслик муаммосидан жабр чекаётган аҳоли сони 815 миллион нафарни ташкил этмоқда. Шунингдек, қашшоқлик,

дискриминация ва қуролли можаролар оқибатида 262 миллион нафардан ортиқ бола таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда, 617 миллионга яқин болалар эса ўқиш ва ёзиш бўйича энг оддий кўникмаларга ҳам эга эмас.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, ана шундай ўта мураккаб трансформация ва интеграция жараёнлари кечаётган, глобал савдо тизимида “ўйин қоидалари” қайта кўриб чиқиляётган шароитда, “бу йил экспортимизни 23 фоизга ошириб, 33,4 миллиард долларга етказамиз. Энг муҳими, ислохотларимиз учун мустаҳкам молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 миллиард доллардан ошди. 2025 йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Бу ишларни бошлаганимизда аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизimini йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди. Натижада уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш бўйича олган марраимизни шу йилнинг ўзида уддаладик”.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар инсонпарвар жамият ва халқпарвар давлатни барпо этиш стратегик мақсад этиб белгиланганини, шунингдек, мазкур мақсадни ҳаётга татбиқ этиш йўлида олиб бориляётган изчил ва тизимли саъй-ҳаракатлар самарасини яққол ифодалайди.

Биргина одил судлов фаолиятини тўлақонли таъминлаш мақсадида сўнгги тўққиз йил давомида 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини самарали ташкил этиш борасида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Энг аввало, сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар миллий суд тизимининг қиёфасини тубдан янгилашга хизмат қилди. Натижада Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими тарихида илк бор халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган қатор замонавий тузилма ҳамда институтлар фаолияти йўлга қўйилди.



Акмал САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича

*Ўзбекистон Республикаси миллий маркази
директори, академик*

Ушбу Мурожаатнома Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг энг муҳим 6 та концептуал йўналишларини белгилаб берди:

биринчи устувор йўналиш – маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат. Йўналиш доирасида ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туманни танлаб, улардаги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратилади. Бу янги тажриба Ургут туманидан бошланди. Туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Келгуси йил 544 миллиард сўм ажратилиб, 72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, каналлар бетон билан қопланади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади;

иккинчи устувор йўналишимиз – иқтисодий ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдан иборат. Таъкидланганидек, 2026 йилнинг ўзида 14 миллиард долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади. Масалан, Навоийдаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича 320 миллион долларлик лойиҳа (3-навбати) ишга туширилиб, қўшимча 2 миллион тонна маъдан қайта ишланади. Шунингдек, “Мурунгов” конини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи ҳамда қумуш конлари бўйича 2 миллиард 300 миллион долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилади. Натижада йилига 18 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қуввати барпо этилиб, 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш ҳажми 175 тоннага етказилади;

учинчи устувор йўналиш – ички бозорда талабни рағбатлантириш доирасида эса аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодийта энг кат-

та талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратилади. Уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредити миқдори 15 фоизга оширилади;

давлатимиз раҳбари касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш – тўртинчи устувор йўналиш бўйича қуйидаги фикрларини билдирди: “Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Бунинг учун, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борамиз. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сонини 100 тага етказамиз”;

экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бешинчи устувор йўналиш бўйича йирик корхоналарга филтёр, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станцияси ўрнатиш учун биринчи босқичда 100 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Чанг-тўзонларнинг олдини олиш учун Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон” ва Сирдарёда 84 километрли “яшил девор” барпо этилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийда жами 250 минг гектар, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дарахт ва буталар экилади.

Олтинчи устувор йўналиш бўлган замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотлар доирасида қуйидагилар амалга оширилади. 2026 йилдан тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатлари берилади. Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва роли ошириб борилади.

Мурожаатноманинг асосий олти йўналишининг инсонга муносиб турмуш шароити яратишни, мамлакатни демократлаштириш ва давлат органлари фаолиятини замонавий ривожланган тенденциялар ҳамда талаблар даражасида юксалтиришни кўзда тутди. Бу орқали Ўзбекистон аҳолиси дунёдаги энг ривожланган демократик мамлакатлардаги инсон турмуши стандартларига мос шароитларга эга бўлади.



Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ректори

– Бир қатор нуфузли халқаро экспертларнинг эътироф этишича, давлат раҳбарининг Парламент аъзолари ва у орқали ўз халқига Мурожаатнома йўллаши давлат ҳамда жамият бошқарувидаги ўзига хос демократияни ифодалайдиган ниҳоятда муҳим ижтимоий-сиёсий воқелиқдир.

Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаганидек, “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид.

Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз.”

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари бутун жамиятни коррупциянинг жуда жиддий таҳдиди ҳақида огоҳлантирди ва унга қарши мурасасиз бўлишни ниҳоятда муҳим вазифа сифатида белгилади. Бу вазифа, айниқса, давлат органларида фаолият юритаётган мансабдор шахслар ва давлат органлари раҳбарлари учун жуда катта масъулият юклайди. Мамлакатимиз етакчисининг коррупцияга қарши мурасасиз бўлишга қаратилган изчил сиёсатини, ҳар бир давлат органи, айниқса, суд органлари ҳам тўлиқ амалга ошириши лозим.

Ушбу Мурожаатнома Одил судлов академияси зиммасига ҳам катта вазифа ва

масъулият юклайди. Чунки, Академия бўлажак судьяларни тайёрлайдиган, амалдаги судьялар ва судлар аппаратлари ходимларининг малакасини оширишга ихтисослаштирилган мамлакатимиздаги ягона таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Судьяларнинг коррупцияга нисбатан мурасасиз бўлиши учун Академияда олган сабоқлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, бутун Академия жамоаси, профессор-ўқитувчилари коррупцияга қарши мурасасиз бўлишни қўллаб-қувватлайди ва бу туйғуни тингловчилар, яъни бўлажак судьялар онгида мустаҳкам шакллантириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Ҳар томонлама муносиб судьялар корпусини шакллантириш – жамоатчиликнинг судга нисбатан ишончини ошириш ва адолатни таъминлаш йўлидаги дастлабки ва муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Коррупцияга қарши самарали курашишда Одил судлов академиясида бўлажак судьяларнинг дунёқараши, маънавияти ва ахлоқий қиёфасини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, маънавий баркамол, виждони уйғоқ судья ёки суд ходими коррупцияга нисбатан ҳар доим мурасасиз бўлади. Бўлажак судьяларнинг маънавий ва маърифий салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар Академия таълим ва тарбия фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, маънавият ва маърифатни юксалтиришга қаратилган ишлар тизимли ҳамда узлуксиз характерга эга бўлиши керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “маърифат соатлари” доирасида тингловчилар, яъни бўлажак судьялар билан мамлакатимиздаги машҳур зиёлилар, шоир ҳамда адиблар, ёзувчилар, диний уламолар, шунингдек, суд тизимида ҳалол ва пок меҳнати билан халқ орасида катта обрў-эътибор қозонган фахрий судьялар иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда. Айнан шундай маърифий учрашувлар орқали тингловчиларнинг маънавияти ва маърифати юксалади, ҳаётий тажриба ва ибратли мисоллар асосида уларнинг дунёқараши бойийди. Натижада, маънавий жиҳатдан етук, юксак маърифатга эга бўлган бўлажак судьяларда коррупцияга қарши кучли ички иммунитет шаклланади. Бу эса келажақда уларнинг адолатли, ҳалол ва виждонан мустақил қарор қабул қилишларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Ботир САМАРХОДЖАЕВ,

Одил судлов академияси Маъмурий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор

Мурожаатнома мамлакатни барқарор ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга қаратилган стратегик дастур сифатида намоён бўлмоқда.

Унда илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг марказида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлиги тамойиллари туради.

Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан таъкидланганидек, Мурожаатноманинг олтинчи йўналишида, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий кафолати сифатида қаралади. Мурожаатномада ушбу соҳада қуйидаги вазифалар белгиланган:

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- суд қарорларининг адолатли ва шаффоф бўлишини таъминлаш;
- фуқароларнинг судга бўлган ишончини ошириш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш.

Бу ислохотлар суд-ҳуқуқ тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган.

Адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришда қуйидаги механизмлар муҳим аҳамият касб этади:

- судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш;
- судьяларнинг моддий ва ижтимоий кафолатларини кучайтириш;
- суд ишларини рақамлаштириш ва очиқ электрон платформалар жорий этиш.

Асосий эътибор суд жараёнларининг шаффофлиги, самарадорлиги ва адолатлилигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этишга қаратилган. Ўзбекистонда суд жараёнларини рақамлаштириш бўйича дастур амалга оширилади, бу дастур иш натижаларини башорат қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланилади.

Келгуси йилларда суд ишларини кўриб чиқиш, мунтазам тартибларни автоматлаштириш ва прецедентларни таҳлил қилиш учун интеллектуал платформа яратишни режалаштирмоқда. Судьяларга кўпроқ асосли қарорлар қабул қилиш имконини берадиган катта ҳажмдаги маълумотлар базаси яратилади. Жараённинг очиқлиги таъминланади — фуқаролар ишнинг боришини онлайн кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Бироқ, сунъий интеллектдан фойдаланиш инсон омилини алмаштирмайди. Судьялар асосий ролини сақлаб қоладилар, алгоритмлар эса материалларни таҳлил қилиш, номувофиқликларни аниқлаш ва ечимларни таклиф қилиш каби ёрдамчи функцияларни бажаради. Ушбу қадам коррупция хавфини камайтириш, ишларни кўриб чиқишни тезлаштириш, суд иштирокини фуқаролар учун янада қулай қилиш имконини беради.

Бу концепция қоғозбозликни бартараф этиш, даъво аризаларини онлайн тарзда топшириш, томонларга суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имконини беришни ўз ичига олади.

Ушбу чора-тадбирлар замон талаблари ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий, шаффоф ва қулай одил судлов тизимини яратишга ҳизмат қилади.



Шавкат ХАҚНАЗАРОВ,

Одил судлов академияси Касбий кўникмалар кафедраси мудири, ю.ф.ф.д., доцент

Суд-ҳуқуқ тизимидаги муҳим таркибий ислохотлардан бири тергов судьялари институтининг жорий этилиши ҳисобланади. Ушбу институт халқаро ҳуқуқ нормаларида эътироф этилган “Хабеас корпус” тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, шахс эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Тергов судьялари томонидан ҳибсга олиш, тинтув, мажбурлов чораларини қўллаш устидан мустақил суд назоратининг ўрнатилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувозанатлаштиради. 2026 йилдан бошлаб тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатларининг берилиши эса инсон ҳуқуқларининг суд орқали реал ҳимоясини таъминлашда муҳим қадам бўлади. Натижада ноқонуний ҳибсга олиш ва процессуал қонунбузарликлар сезиларли даражада камаяди.

Президентимиз Мурожаатномасида одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу мақсадда жиноят процессига “халқ вакиллари ҳайъати” институтини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу институт асосан ўта оғир ва жамоатчиликда кенг резонанс уйғотган жиноятларни кўриб чиқишда татбиқ этилади. Халқ вакиллариининг суд жараёнида иштирок этиши суд қарорларининг ҳолислиги ва адолатлигини оширади, шунингдек, жамиятда суд тизими

бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бу жараён фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириб, уларнинг адолатни таъминлашдаги масъулиятини ҳам кучайтиради.

Суд қарорлари ижросини таъминлаш масаласи ҳам Мурожаатномада муҳим ўрин эгаллайди. Улар сўзсиз ва ўз вақтида ижро этилмас экан, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг тўлиқ тикланишига эришиб бўлмайди. Шу сабабли мажбурий ижро тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унга муқобил ва самарали механизмларни жорий этиш белгиланди. Мажбурий ижро жараёнига сунъий интеллект технологияларининг татбиқ этилиши, келгуси икки йил ичида ижро ҳаракатларининг камида 30 фоизини инсон омилисиз амалга ошириш имконини беради. Бу эса ижро жараёнларининг тезкорлиги, аниқлиги ва адолатлигини таъминлаб, иқтисодий муносабатларда ишонч муҳитини кучайтиради.

Тизимдаги ислохотлар жиноятчиликка, хусусан, наркожиноятлар, уюшган ва молиявий жиноятларга қарши кураш билан узвий боғлиқдир. Замонавий жиноятлар трансчегаравий ва виртуал тус олаётган бир пайтда суд ва тергов органларининг фаолияти ҳам янги усул ва технологиялар асосида такомиллаштирилмоқда. Миллий дастурлар ва янги тизимлар орқали наркожиноятларга қарши кураш умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилиб, суд-ҳуқуқ тизими бу жараёнда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айниқса, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ҳимоялаш суд тизими олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Мурожаатномада коррупцияга қарши кураш суд-ҳуқуқ тизими самарадорлигининг асосий шarti сифатида эътироф этилди. Коррупция давлат тараққиётига тўсиқ бўлиб, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган энг хавfli иллат экани қайд этилди. 2026 йилда коррупцияга қарши кураш бўйича “фавқулодда ҳолат” эълон қилиниши, барча давлат идораларида комплаенс ва ички назорат тизимининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимининг тозалиги ва ҳисобдорлигини таъминлайди. Қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили қатъий таъминланиб, мансаб ва мавқега қарамай, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун муқаррар жавобгарлик механизми ишлайди.



Дилшод ИСРАИЛОВ,

Одил судлов академияси Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, ю.ф.ф.д., доцент

Мурожаатномада “инсон омили” тамойилига таянган ҳолда қонунчиликка халқаро стандартларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг амалий ифодаларидан бири сифатида жиноят процессига инглиз ҳуқуқи анъаналарига мансуб давлатларда ўзининг ижобий натижасини берган “халқ вакиллари ҳайъати” институтини босқичма-босқич жорий этиш таклифи илгари сурилди.

“Халқ вакиллари ҳайъати” институти — бу жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқишда профессионал судьялар билан бир қаторда оддий фуқаролардан иборат ҳайъат иштирок этишини назарда тутувчи институтдир. Қоида тариқасида, “халқ вакиллари ҳайъати” айбдорлик ёки айбсизлик масаласини ҳал қилади, судья эса ҳуқуқий баҳо бериш ва жазо тайинлаш билан шуғулланади.

Ўзбекистон шароитида бу институтни босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, дастлаб ўта оғир жиноятлар, жамиятда катта резонанс уйғотаётган ишлар доирасида қўллаш таклиф этилади. Бу эса ислохотларнинг изчиллиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Халқ вакиллари ҳайъати судининг афзалликлари - судга жамоатчилик ишончини ошириш, айблов органлари устидан жамият назоратини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда масъулиятини юксалтириш ва адолат тамойилини кучайтиришда намоён бўлади.

Лекин, бу масалада ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, халқ вакиллари ҳайъати иштирокидаги суд жараёни қиммат ва узоқ давомийликка эга. Шунингдек, халқ вакилларининг ҳуқуқий билимлари етарли бўлмаслиги, уларнинг оммавий ахборот воситалари таъсирига мойиллиги ва мураккаб иқтисодий ёки техник ишлар бўйича қийинчиликлар шулар жумласидандир.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, халқ вакиллари ҳайъати суди демократик давлатларда одил судловнинг муҳим институти ҳисобланади. У турли моделларда (классик, аралаш, жамоат судьялари иштирокида) амал қилса-да, асосий мақсад — суд қарорларини халқ иродаси ва жамоатчилик адолат ҳисси билан уйғунлаштиришдир.

Ўзбекистон учун мазкур тажриба жиноят ишларида очиқлик, шаффофлик ва судга ишончлиги ошириш нуқтаи назаридан илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, уни миллий ҳуқуқий тизимга босқичма-босқич жорий этиш мумкин.

Мамлакатимизда халқ вакиллари институтини жорий этишда “халқ вакиллари”ни танлашнинг шаффоф ва адолатли механизмларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун даражасида аниқ белгилаш, улар учун қисқа муддатли, лекин самарали ўқув дастурларини жорий этиш каби жиҳатларга эътибор бериш лозим. Шунингдек, суд жараёнида профессионал судья ва “халқ вакиллари/присяжный”лар ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, ахборот хавфсизлиги ва процессуал мустақилликни ва “халқ вакиллари”нинг хафсизлигини таъминлаш каби томонларга алоҳида эътибор қаратиш ҳам фойдадан холи эмас.

Дастлабки босқичда халқ вакиллари ҳайъати қасддан содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳамда жамоатчиликда катта резонанс уйғотувчи ишлар бўйича қўлланилиши таклиф этилади. Таклиф қилинаётган модель биринчи босқичда пилот сифатида Тошкент шаҳри ва 2–3 та вилоятда чекланган тоифадаги жиноят ишлари бўйича қўлланилиши мумкин.

Халқ вакиллари ҳайъати институтини амалиётга жорий этиш учун Жиноят-процессуал кодексига ҳамда айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритилиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига “Халқ вакиллари ҳайъати иштирокида жиноят ишларини кўриб чиқиш” деб номланган янги боб киритиш ва унда мазкур институт самарали фаолиятининг барча жиҳатлари қамраб олинishi мақсадга мувофиқ бўлади.

ОТ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРИНЦИПОВ К НАЦИОНАЛЬНОЙ МОДЕЛИ: РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В КОНТЕКСТЕ ПОСЛАНИЯ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКИСТАНА

Введение

Современные системы машинного обучения действуют таким образом, что логика принятия итогового решения остается скрытой даже для разработчиков. Это создает правовую угрозу реализации фундаментальных прав, закрепленных в Международном пакте о гражданских и политических правах.

В последние годы вопросы регулирования искусственного интеллекта (ИИ) приобрели глобальное значение. Международное сообщество активно разрабатывает принципы, стандарты и рекомендации, направленные на безопасное и этическое использование ИИ. В то же время каждое государство должно адаптировать эти нормы под собственную правовую и социально-экономическую среду. В этом контексте особое внимание привлекают Послания Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, в которых глава государства обозначает стратегические приоритеты развития цифровых технологий и инновационной экономики.

26 декабря 2025 года состоялось Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к Олий Мажлису и народу страны. В своем выступлении глава государства отметил стратегические задачи, связанные с развитием экономики, цифровизации и подготовки кадров, способных обеспечить устойчивый рост стран.

Международный консенсус в области ИИ Международные организации, такие как ООН, ЮНЕСКО, а также ведущие экономические блоки, включая ЕС, активно вырабатывают глобальные принципы регулирования ИИ, направленные на:

- *обеспечение безопасности и прозрачности алгоритмов;*
- *защиту прав человека в цифровой среде;*
- *формирование этических стандартов при внедрении автоматизированных систем.*

Эти принципы включают необходимость этического применения технологий, обеспечение персональной ответственности разработчиков и пользователей, а также интеграцию ИИ в экономику с минимальными рисками для общества.

В Послании было особо отмечено, что конкурентоспособность страны в глобальной экономике напрямую зависит от профессионально подготовленных кадров и внедрения современных технологий. Президент подчеркнул необходимость развития отраслей промышленности с высокой добавленной стоимостью, включая электронику, электротехнику, биохимию и производство полимеров, фармацевтику и машиностроение. Он также обратил внимание на рост сектора высокодоходных услуг, таких как ИТ, искусственный интеллект, финтех, консалтинг, транспорт и логистика.

Национальная модель регулирования ИИ в Узбекистане

Как отметил глава нашего государства в одном из Посланий, «для конкурентоспособности в современной глобальной экономике решающее значение имеют квалифицированные кадры и внедрение современных технологий, включая искусственный интеллект». В этом контексте Узбекистан ставит перед собой задачу не просто следовать международным стандартам, а создавать национальную модель регулирования ИИ, учитывающую особенности экономики, образовательной системы и социальной среды страны.

В Послании Президента подчеркивается необходимость:

- *развития отраслей с высокой добавленной стоимостью, таких как ИТ, финтех и искусственный интеллект;*
- *создания инновационной экосистемы, где стартапы получают поддержку «от идеи до экспорта»;*
- *подготовки специалистов по современным профессиям, основанным на науке и цифровых технологиях;*
- *использования ИИ в образовании, здравоохранении, сельском хозяйстве и промышленности с целью повышения эффективности и безопасности.*

От международных принципов к практическому внедрению. Внедрение ИИ в национальную экономику страны опирается на международные подходы, адаптированные к локальной модели. Так, как отмечал Президент, «в ближайшие пять лет 30 процентов профессий будут полностью автоматизированы, по 50 процентам – потребуются новые квалификации». Это требует от государства создания гибкой системы регулирования, которая сочетает:

- *правовые нормы, обеспечивающие ответственность пользователей и разработчиков;*
- *этические стандарты, основанные на международных рекомендациях;*
- *технологические инструменты, позволяющие контролировать работу ИИ-систем в реальном времени;*
- *социальную поддержку, включая обучение кадров и развитие стартапов.*

Таким образом, национальная модель ИИ в Узбекистане строится на сочетании международного консенсуса, законодательной базы и практических мер государственной поддержки, обеспечивая при этом безопасность, прозрачность и эффективность применения технологий.

Принятие Стратегии развития технологий ИИ до 2030 года

Важным этапом стала октябрь 2024 года, когда было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии развития технологий искусственного интеллекта до 2030 года». Документ за-

крепляет долгосрочные цели государства по внедрению ИИ в экономику, промышленность, сельское хозяйство, образование, здравоохранение и сферу услуг.

Стратегия учитывает международные рекомендации и стандарты этичного применения ИИ, выработанные ООН, ЮНЕСКО и ЕС. Вместе с тем национальная модель ориентирована на адаптацию этих принципов с учетом экономических, социальных и культурных особенностей Узбекистана.

Как отметил Президент в своем Послании: «В ближайшие пять лет 30 процентов профессий будут полностью автоматизированы, по 50 процентам — потребуются новые квалификации». Данное утверждение подчеркивает необходимость создания гибкой и эффективной системы регулирования ИИ, в которой закон, инновации и подготовка кадров функционируют как единый механизм, обеспечивая устойчивое развитие цифровой экономики и общества в целом.

Более того, в Послании Президента 26 декабря 2025 года было отмечено, что «для конкурентоспособности в современной глобальной экономике решающее значение имеют квалифицированные кадры и внедрение современных технологий, включая искусственный интеллект». Стратегия до 2030 года конкретизирует эти приоритеты, создавая национальную дорожную карту развития ИИ.

Сложно отрицать, что развитие технологии искусственного интеллекта (ИИ) является одной из важных особенностей современной эпохи. Из года в год расширяется область общественной жизнедеятельности, где активно внедряется и используется ИИ, что постепенно выходит за рамки элементарной компьютерной автоматизации различных процессов. Стоит отметить, что в ряде случаев алгоритмы уже способны принимать решения правового значения, что ставит под вопрос традиционные правовые системы, в основе которых всегда находилась воля и ответственность не компьютерных технологий, а человека.

Более того, из последних новшеств в законодательстве можем отметить, что 21 января 2026 года в Узбекистане был принят Закон «О внесении дополнений и изменений в отдельные законодательные акты Республики Узбекистан в связи с регулированием отношений, возникающих при применении искусственного интеллекта» (О'РҚ-1115). Это знаменательное событие открывает новый этап в развитии правового регулирования цифровых технологий и является важным шагом в обеспечении баланса между инновациями и защитой прав человека.

Почему это важно?

Впервые в национальном законодательстве был дан четкий юридический термин «искусственный интеллект». Это не только отражает технологический прогресс, но и устанавливает правовые гарантии защиты прав и свобод человека при применении ИИ.

Основные нововведения закона:

- Правовые основы применения ИИ: закон закрепляет условия и рамки использования технологий искусственного интеллекта в различных сферах.

- Административная ответственность за незаконную обработку персональных данных: введена ответственность за использование ИИ в целях нарушения закона в отношении информации о гражданах.

- Запрет на принятие юридически значимых решений исключительно ИИ: любое решение, затрагивающее права и свободы человека, не может приниматься только автоматизированными системами.

- Защита личности и безопасности: ИИ-системы не должны причинять вред жизни, здоровью, чести и достоинству человека.

Международный опыт

Узбекистан присоединяется к глобальным тенденциям регулирования ИИ, таким как:

- Европейский закон об ИИ;
- законодательные инициативы США;
- стратегии ИИ ряда других государств.

В целом, формирование системы правового регулирования искусственного интеллекта в Узбекистане свидетельствует о переходе страны к новому этапу цифрового и правового развития. Принятие Стратегии развития технологий искусственного интеллекта до 2030 года, а также специального закона, регулирующего отношения, возникающие при применении ИИ, заложило прочную нормативную основу для внедрения передовых технологий при одновременном обеспечении защиты прав и свобод человека.

Таким образом, правовое регулирование искусственного интеллекта в Узбекистане формирует устойчивую основу для долгосрочного развития цифровой экономики и укрепления верховенства закона, создавая условия для того, чтобы технологии служили обществу, а не подменяли собой человеческую ответственность.

Шохрухбек ТИЛЛАБОЕВ,

*доктор философии по юридическим наукам,
старший научный сотрудник Исследовательского
центра факультета международного и
сравнительного правоведения ТГЮУ.*

Использованная литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. 26 декабря 2025 года. URL: <https://president.uz/ru/lists/view/8834> (дата обращения: 30.01.2026).
2. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 <https://lex.uz/ru/docs/5841077>
3. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 14.10.2024 г. № ПП-358 <https://lex.uz/ru/docs/7158606>
4. Zuiderveen Borgesius, F (2018). Discrimination, artificial intelligence, and algorithmic decision-making. <https://rm.coe.int/discrimination-artificial-intelligence-and-algorithmic-decision-making/1680925d73>
5. Договоры и принципы Организации Объединенных Наций, касающиеся космического пространства, соответствующие резолюции Генеральной Ассамблеи и другие документы https://www.unoosa.org/pdf/publications/ST_SPACE_061Rev01R.pdf
6. The Role of Humans in AI-Generated Inventions: Lessons from the DABUS Patent Case <https://www.rkdewan.com/articles/the-role-of-humans-in-ai-generated-inventions-lessons-from-the-dabus-patent-case/>
7. Artificial Intelligence Cases in China: Feilin v. Baidu and Tencent Shenzhen v. Shanghai Yingxin, China & WTO Rev. 2021:1; 211-222 <https://pdfs.semanticscholar.org/b61c/cb98fd748b7ee654895ee133d5363e4d8556.pdf>.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ҳар бир демократик давлатнинг асосий вазифаси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришдан иборат. Замонавий ҳуқуқшуносликда “ижтимоий давлат” тушунчаси давлат ҳокимиятининг фаолияти фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тизим сифатида талқин этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат”¹ деган тамойилни мустаҳкамлаш гоёсини илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу гоё янада мустаҳкамланиб, ижтимоий давлатни барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Давлат раҳбари бу хусусда тўхталиб, “Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қилаямиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак”, дея таъкидлади.

Янгиланган Конституциямизнинг биринчи моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”² деб қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда муҳрланган бу принциплар — мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажagini белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Зеро, бу тамойиллар фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишни, тенгсиз ва буюк неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни кўзлайди.

Ижтимоий давлат концепцияси нафақат ҳуқуқий қоида сифатида, балки амалий сиёсат йўналиши сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда охириги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кафолатларни кенгайтириш, “Инсон қадрини учун” тамойилини давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилаш — ижтимоий давлат гоёсининг амалдаги ифодасидир.

Конституциянинг янги таҳрири туфайли давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ортди. Бош қомусимизда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили конституциявий норма сифатида мустаҳкамланди, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори белгиланиши, фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги каби қўшимчалар киритилди. Натижада фуқароларнинг конституцион меъёрлар орқали кафолатланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари давлатнинг тегишли мажбурияти билан мустаҳкамланди. Бу эса, ўз навбатида, сўнгги йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида эришилган натижалар ва Тараққиёт стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам конституцион ҳимояни таъминлашга хизмат қилади.

Хусусан, амалдаги Конституциямизнинг 42-моддасига қўшимчалар киритилиб, “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга” лиги белгиланди.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадрини” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоёнинг туб негизига, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад муҳим. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандликни таъминлаш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад муҳим.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига кўтаришдан иборат, деб ҳисоблаган.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганимизда ҳам “ижтимоий давлат” тушунчаси шунга ўхшаш номларда қўллаб учрашига гувоҳ бўламиз. Масалан, IX-X асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарига фозил шаҳар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Шунга ўхшаш фикрларни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Президентимиз ушбу тушунчага, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”, дея таъриф берган эди. Назаримизда, буюк боболаримиз орзу қилган ва ўз асарларида келтирган “фозил шаҳар” ҳам айнан шу “ижтимоий давлат”нинг бир кўринишидир.

Глобаллашув жараёни ва бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган даврда олимлар ижтимоий давлатнинг ўзига хос белгилари мавжуд эканини таъкидлайди ва Лоренс фон Штейндан фарқли равишда ушбу жиҳатларга қуйидагиларни киритади:

— аҳолининг даромадлари ва бойликларини йирик мулкдорларга дахл қилмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси;

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти;
- кўп тармоқли ва аралаш иқтисодиёт;
- фуқаролик жамиятини шакллантириш;
- давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш;
- давлатнинг ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахс сифатида ўзини ўзи англаш йўлида тенг бошланғич шароитларни таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш;

- фуқаролар олдидаги ижтимоий жавобгарлик;
- суғурта каби ижтимоий тўловларнинг ривожланган тизими ва бюджетни ташкил этувчи солиқларнинг юқори даражаси, ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори;
- аҳолининг барча гуруҳлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланган тизими;

- бюджет ижтимоий тўловларининг мавжудлиги;
- ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги;

- жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими мавжудлиги;

- фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун жавобгарликни давлат ўз зиммасига олиши.

Ҳозирги замон тажрибасига кўра, Европа мамлакатларида ижтимоий давлат ғояси турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, Германиянинг ижтимоий давлат эканлиги Конституция даражасида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг Скандинавия ва континентал моделлари ҳам мавжуд бўлиб, бунда давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади.

Дунёда “ижтимоий давлат” тушунчаси асосан Европа, Латин Америкаси ва Осиё давлатларининг Конституцияларида қайд этилган.

Ушбу концепциянинг конституция даражасида мустаҳкамланиши фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган замонавий давлатчиликнинг муҳим тенденцияси ҳисобланади. Куйида келтирилган мисоллар турли минтақа ва ҳуқуқий тизимлардаги бу тамойилнинг конституциявий акс этиш даражаси ва ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

Скандинавия мамлакатлари ва Германия конституциявий ҳуқуқи ижтимоий давлат (Welfare State) концепциясининг энг ёрқин намуналаридан бўлиб, уларнинг Асосий қонунларида давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари тўғридан-тўғри белгиланган.

Норвегия — дунёда энг ривожланган ижтимоий давлатлардан бири сифатида тан олинган. Унинг ижтимоий сиёсат модели “Скандинав модели” ёки “Норвегияча ижтимоий давлат” деб ҳам аталади. Бу модел давлат, бозор ва фуқаролик жамиятининг мувозанатли ҳамкорлигига асосланади. Норвегия Конституциясининг 110-моддаси давлатни фуқароларнинг фаровонлиги учун масъул этиб белгилайди. Унда шундай дейилади: “Давлат барча фуқаролар учун иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш чораларини кўриши шарт”³. Бу норма Норвегияда ижтимоий давлат ғоясининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Норвегия нефть ресурсларидан олинган даромадларни тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий эҳтиёж-

ларга йўналтиради. “Government Pension Fund Global” номли давлат фонди орқали нафақалар, тиббий хизмат ва таълим тизимини молиялаштириш таъминланади. Бу дунёдаги энг йирик давлат инвестиция фонди бўлиб, аҳолининг келажак фаровонлиги учун хизмат қилади.

Сингапур — дунёда иқтисодий ривожланиши юқори ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда самарали моделга эга давлат ҳисобланади. Унда анъанавий “скандинавияча ижтимоий давлат” моделидан фарқли равишда, ижтимоий ҳимоя асосан амалий сиёсат ва иқтисодий ривожланиш орқали таъминланади⁴.

Сингапурда ижтимоий давлат тамойили Конституцияда алоҳида қайд этилмаган. Шу билан бирга, давлат аҳолининг фаровонлиги учун масъул ҳисобланади ва бу масъулият амалий институтлар ва давлат дастурлари орқали амалга оширилади. Масалан, Central Provident Fund (CPF) тизими орқали пенсия ва ижтимоий нафақалар таъминланади; Housing & Development Board (HDB) аҳоли учун арзон ва қулай уй-жойлар қуриш ва тақсимлаш билан шуғулланади; Economic Development Board (EDB) эса иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва иш ўринлари яратишда асосий роль ўйнайди. Ушбу институтлар орқали Сингапур давлатининг ижтимоий ҳимоя ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатини амалий жиҳатдан кузатиш мумкин.

Швеция, Дания, Финляндия каби мамлакатлар конституцияларида ижтимоий давлат тамойили устувор ўрин эгаллайди. Уларда давлатнинг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тенгликни мустаҳкамлаш сифатида белгиланган. Бу давлатлар таълим, тиббий хизмат, нафақа ва бошқа ижтимоий кафолатлар орқали фуқароларнинг фаровонлигини оширишни конституциявий даражада давлат мажбурияти сифатида белгилаганлар.

Осиё ва Африка давлатлари — Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси ва Жанубий Африка Республикаси конституцияларида ҳам ижтимоий адолат, фаровонлик ва барқарорликни таъминлаш асосий мақсад сифатида белгиланган. Уларда давлат иқтисодий ривожланишни аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга интилган. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар — таълим, тиббий ёрдам, уй-жой ва озиқ-овқат каби ҳуқуқлар конституциявий кафолатлар сифатида мустаҳкамланган бўлиб, бу мамлакатларнинг ижтимоий давлат сифатидаги моҳиятини намоён этади.

Келтирилган мисоллар ижтимоий давлат принципнинг глобал миқёсда универсал тенденция эканлигини тасдиқлайди. Ушбу принципнинг конституцияда акс этиши, бир томондан, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, давлатга ижтимоий адолат, фаровонлик ва тенгликни таъминлаш бўйича аниқ мажбуриятлар юклайди. Бу эса замонавий конституциявий ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилади.

Фарруха МУХИТДИНОВА,

Одил судлов академияси Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, ю.ф.д., доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/5272>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 01.05.2023//<https://lex.uz/docs/6445145>
3. <https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/17707>
4. <https://knowledge.csc.gov.sg/ethos-issue-15/15uniquely-singapore>

СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҲАМКОРЛИК: МДҲ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари ўртасида суд ҳужжатлари ва бошқа ваколатли органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва истиқболлари таҳлил қилинади. Халқаро ҳуқуқий ёрдам механизмларининг самарадорлиги, мавжуд шартномавий-ҳуқуқий база, шунингдек, амалиётда учраётган муаммолар ўрганилади. Мақолада ижро жараёнларини мувофиқлаштириш, ҳужжатларни ўзаро тан олиш ва ижрога қабул қилиш тартибларини соддалаштириш, рақамлаштириш ва ахборот алмашинувини кучайтиришнинг аҳамияти ёритилади.

Калит сўзлар: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), суд ҳужжатлари ижроси, бошқа органлар ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқий ёрдам, давлатлар ўртасида ҳамкорлик, ҳужжатларни ўзаро тан олиш ва ижро этиш, ижро органлари, шартномавий-ҳуқуқий база, миллий қонунчиликларни уйғунлаштириш.

Глобаллашув, миграция жараёнлари ва трансчегаравий иқтисодий муносабатлар кучайиши шароитида суд ҳужжатлари бир давлат ҳудудида қабул қилиниб, бошқа давлат ҳудудида ижро этилиши масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда халқаро шартномаларида суд ҳужжатларини чет давлатларда ижро этиш механизмлари аниқ ва тизимли тарзда тартибга солинган.

МДҲ доирасида ушбу йўналишда ҳуқуқий асослар мавжуд бўлсада, амалиётда қатор муаммо ва чекловлар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллар сифатида куйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, қонунчиликдаги фарқлар. Суд тизимлари, ижро иши тартиблари ва ваколатли органлар ўртасидаги тафовутлар.

Иккинчидан, ҳужжатларни тан олишдаги бюрократик тўсиқлар. Апостиль, таржима, легализация билан боғлиқ ортиқча талаблар.

Учинчидан, ахборот алмашинувининг етарли эмаслиги. Ижро органлари ўртасида ягона электрон платформа йўқлиги.

Тўртинчидан, ижро самарадорлигининг пастлиги. Қарздорнинг мол-мулкни аниқлаш ва ундиришда қийинчиликлар ва бошқалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида Суд ҳужжатлари, бошқа ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этишда ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битимни тасдиқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Чунки бунинг асосий сабаблари сифатида МДҲ давлатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари миграцияси оқимининг интенсивлиги ушбу муаммонинг долзарблигини янада ошираётганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси миграция идораларининг расмий маълумотларига кўра, фақатгина Россия Федерациясига бир йилда ўртача 3-4 миллион нафар Ўзбекистон фуқаролари кириб келадилар (2023 йилда – 3,1 млн. нафар), уларнинг қарийб 60 фоизи (2023 йилда – 1,6 млн. нафар) Россияда вақтинча яшовчи меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Худди шу каби Қозоғистон Республикасида вақтинча яшайдиган меҳнат мигрантлари сони ўртача 400-500 минг фуқарони ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан МДҲга аъзо давлат ўртасидаги тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар алоқалар, визасиз режим ва эркин савдо зонаси ушбу давлатларнинг фуқаролари ҳамда юридик шахслари ўртасида ўзаро яқин муносабатларни, катта ҳажмдаги фуқаровий ва иқтисодий алмашинувларни тақозо қилади.

Натижада, МДҲ давлатлари билан иқтисодий, ижтимоий, оилавий, жиноий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар, шу

жумладан ўзаро низолар ва суд қарорларининг сони ортиши муносабати билан суд қарорларини трансчегаравий ижро этишда жиддий муаммолар, ҳал этилмаган бўшлиқлар ва ўзаро ҳамкорликка объектив зарурият юзага келган.

Амалдаги тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 26 августдаги ЎРҚ-554-сонли қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Кишинев Конвенциясига қўшилганлиги ҳамда 2019 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-593-сонли қонун билан Минск Конвенциясига доир Баённомани (Москва, 1997 йил 28 март) ратификация қилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4895-сонли “1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида юристиладиган тезкор маълумотларга кўра ҳар йили суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаб юрганлиги сабабли қидирувга берилган 1,5 мингга яқин жисмоний шахс МДҲ давлатлари ҳудудига чиқиб кетган (2024 йил 1 июль ҳолатига биноан – 1384 нафар). Улардан, деярли 1 минг нафарга яқини Россия Федерациясида (2024 йил 1 июль ҳолатига асосан – 920 нафар), 500 нафарга яқини Қозоғистон Республикасида (2024 йил 1 июль ҳолатига кўра – 420 нафар) яшириниб юрган.

Ушбу шахсларнинг МДҲ давлатлари ҳудудида жойлашган жойи, даромад манбалари ва миқдори тўғрисидаги маълумотларни олиш миллий судлар қарорларини, айниқса ижтимоий аҳамиятга эга суд қарорларини (масалан, алимент ундирувлари) сўзсиз ижро этиш учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

Таклиф этилаётган мазкур Битимнинг асосий мақсади – МДҲ давлатларида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар (мансабдор шахслар) қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлаш учун давлатлар ўртасида ўзаро ахборот алмашишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ва механизмларини ўрнатиш ҳисобланади. Ушбу Битим ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича тартиб-таомилларни амалга оширишда Битимда иштирок этувчи давлатлар мажбурий ижро органларининг ахборот алмашинуви юзасидан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, Битимда куйидагилар ўз аксини топган. Жумладан:

а) фойдаланиладиган атамалар ва уларнинг таърифлариغا, шунингдек Битимнинг предмети;

б) мазкур Битимга асосан ўзаро алмашиладиган ахборот ҳажми белгиланади. Бунда, Битимга иштирокчи – давлатларнинг мажбурий ижро органлари қуйидаги йўналишларда ахборот алмашадилар, деб белгиланган:

– томонлар ижросидаги ижро иши юритувлари (ижро ҳужжатлари, уларни ижро этиш босқичлари ва натижалари кабилар) юзасидан;

– қарздорларнинг томонлар ҳудудида мавжуд пул маблағлари ва мол-мулклари юзасидан;

– қарздорларнинг томонлар ҳудудидаги иш (фаолият) жойи ҳамда расмий даромадларининг манбалари ва миқдори юзасидан;

– қарздорларнинг томонлар ҳудудидаги яшаш ёки жойлашган манзиллари, шунингдек мол-мулкларининг турган жойи юзасидан;

– томонлар ҳудудидаги тарафлардан (қарздор ва ундирувчидан), бошқа шахслар ва давлат органларидан маълумотлар, маълумотномалар ва ҳужжатларни олиш юзасидан;

в) ҳар бир йўналиш бўйича ўзаро алмашиладиган ахборот таркиби ва хусусиятлари белгиланади;

г) алмашилаётган ахборотларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш шартларига, шунингдек ушбу ахборотни узатиш (юбориш ва қабул қилиш) шакллари бағишланади;

д) ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровномага талаблар (мазмуни, расмийлаштириш тартиби ва ҳоказо), уларни бажариш муддатлари, бажаришни рад этиш асослари, муайян шартлар асосида бажариш тартиби ҳамда сўровноманинг махфийлигини таъминлаш масалалари акс этади;

е) Битим бўйича харажатларни тақсимлаш, бевосита ўзаро алоқа қиладиган ваколатли органларни тайинлаш (марказий идоралар, зарурат бўлса – қўшимча равишда ҳудудий идоралар) ва қайси тилда ахборот алмашиш (рус тилида) масалаларига бағишланади;

ж) халқаро шартномалар тузиш ва расмийлаштириш амалиётига мувофиқ, якуний қондалар (Битимга ўзгартиришлар киритиш, низоларни ҳал этиш, унинг кучга кириши, унга қўшилиш тартиби, амал қилиш муддати ва ундан чиқиш шартлари, қўшимча шартлар) тартибга солинади.

Мазкур битим орқали халқаро шартномада келишилган халқаро-ҳуқуқий механизмлар бўйича қуйидаги асосий масалалар ҳал этилиб, натижаларга эришиш мумкин бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси судлари қарорларини МДХ давлатлари ҳудудида тан олиш ва мажбурий ижрога қаратиш механизмлари самардорлигини ошириш.

Бундай ҳолатларда, суд қарорлари халқаро шартномаларга мувофиқ хорижий давлатлар ҳудудида суд томонидан тан олиниши ва ижрога қаратиш орқали мажбурий ижро этилиши мумкин. МДХ давлатлари доирасида бундай халқаро шартнома функциясини Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Кишинев, 07.10.2002 й.) бажаради.

Бироқ, ушбу Конвенцияга асосан суд қарорини тегишли МДХ давлати ҳудудида тан олиш ва мажбурий ижрога қаратишда судга мурожаат этиш учун қарздор ушбу давлат ҳудудида жойлашганлиги ёхуд мол-мулкка ёки даромадларга эга эканлиги аниқланилиши лозим.

Мазкур Битимга мувофиқ мажбурий ижро органларининг ўзаро ахборот алмашинуви орқали иштирокчи давлатлар ҳудудида қарздор ва унинг мол-мулки жойлашган жой ёки даромадлари аниқланади. Тегишли маълумотларнинг олиниши ундирувчиларга фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича суд қарорларини, мажбурий ижро органларига эса – жиноят ишлари бўйича мулквий ундирувларни назарда тутувчи суд ҳукмларини тан олиш ва ижрога қаратиш жараёнларини ишга тушириш имконини беради.

Иккинчидан, алимент ва бошқа даврий ундирувларни МДХ давлатлари ҳудудидаги манбалардан олинган даромадларга қаратиш.

Миллий судларимизнинг бир қатор қарорлари бир тарафнинг даромадларидан иккинчи тарафга муайян маблағларни даврий равишда

тўлашни назарда тутуди, бундай даврий тўловларга алимент тўловлари ҳам тааллуқлидир.

Мазкур Битим қарздорларнинг Битимда иштирокчи давлатлар ҳудудида олган бир марталик ёки доимий даромадларини аниқлаш, шунингдек ушбу даромадлардан келиб чиқиб қарздорликни ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш имконини беради.

Учинчидан, бир неча давлатлар ҳудудида тан олинган суд қарорларини мажбурий ижро этишда иккиёқлама ундирув амалга оширилишининг олдини олиш мақсадида, ушбу давлатларнинг мажбурий ижро органлари келишилган ҳолда ижро иши юритади.

Айрим ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси мажбурий ижро органларининг иш юритувидаги суд қарори бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа давлатларнинг мажбурий ижро органлари томонидан ҳам мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилади (суд қарори ўзаро тан олинган тақдирда). Бундай ҳолатларда, мазкур Битим ижро иши юритувлар юзасидан ўзаро ахборот алмашиш орқали мажбурий ижро органлари келишилган ҳолда биргаликда ҳаракат қилиш имконини беради.

Тўртинчидан, Мажбурий ижро органлари иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни бошқа давлатларнинг расмий идораларидан талаб қилиб олиш.

Айрим ҳолларда Мажбурий ижро бюроси ижросидаги иш бўйича тарафлар хорижий давлатлар фуқароси ёки юридик шахси ҳисобланади. Мазкур Битим ижро ишини юритиш билан боғлиқ муҳим маълумотларни (тарафлар ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки улардан тушунтиришларни олиш ва ҳоказолар) расмий равишда олиш имконини беради.

Юқоридагиларга асосан, МДХ давлатлари ўртасида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда ахборот алмашинуви бўйича алоҳида халқаро шартнома (Битим)ни қабул қилиш ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ўзини тўлиқ оқлайди. Бундай Битим ижро жараёнида давлатлар ўртасида тўғридан-тўғри, тизимли ва ҳимояланган ахборот алмашинувини таъминлаш орқали мавжуд бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Умуман олганда, суд ҳужжатлари ижроси соҳасида ахборот алмашинувини тартибга солувчи махсус Битим МДХ доирасида ҳуқуқий ҳамкорликни чуқурлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини уйғунлаштириш ва суд ҳимоясининг реал самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ҳамда давлатлар ўртасида ўзаро ишончни янада ошириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фарход ТАИРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Халқаро-ҳуқуқий бошқармаси прокурори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2025 й., 03/25/1022/0083-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 258-ИЛ-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 0.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 17.11.2020 йилдаги ПҚ-4895-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3016-сонли қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.01.2024 й., 06/24/1/0001-сон.
6. Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2018. – Б. 70. Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси 2015.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида миллий маънавият ва ахлоқий қадриятларнинг тутган ўрни комплекс тарзда таҳлил қилинади. Муаллиф томонидан ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик бирдамлигига эришишда анъанавий қадриятлар, диний-маданий мерос ҳамда ахлоқий тамойилларнинг самарали интеграцияси муҳим омил сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, замонавий хавф-хатарларга қарши курашишда маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ахлоқий-меъёрий тизимнинг ижтимоий онгга таъсири илмий асосда асосланади. Тадқиқотда тарихий-маданий тажриба, амалий ижтимоий механизмлар ҳамда ҳуқуқий базаларнинг ўзаро уйвунлиги асосида концептуал ёндашувлар таклиф қилинади.*

Калит сўзлар: *жамоат хавфсизлиги, маънавий қадриятлар, ахлоқий тамойиллар, ижтимоий барқарорлик, фуқаролик бирдамлиги, ижтимоий онг.*

Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақат ҳуқуқий механизмлар, институционал назорат ва жинойятга қарши курашиш инструментлари орқали эмас, балки кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимига таянган ҳолда амалга оширилиши зарур. Буни нафақат амалиётда кузатиш мумкин, балки назарий жиҳатдан ҳам инсоннинг маънавий камолоти ва ахлоқий қиёфаси жамият барқарорлиги ва хавфсизлиги учун фундаментал омил эканлиги билан асослаш мумкин. Ахлоқшунослик ва фалсафа фанлари нуқтаи назаридан қаралганда, жамоат хавфсизлиги жисмоний таъсир воситаларидан кўра кўпроқ маънавий тафаккур ва ички ахлоқий тартиб мезонларига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Форобий таълимотида кўра, фуқаролик жамиятидаги тинчлик ва тартибот фақат ҳуқуқий тизим эмас, балки “фазилатли шахслар” орқали таъминланади, бу эса маънавий тарбия ва ахлоқий масъулият туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир¹. Ушбу қараш “камолотли шахс” концепцияси билан уйғундир. Форобийнинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимотида келтирилишича, жамиятда тинчликни таъминлаш учун ҳар бир шахс маънавий жиҳатдан тарбияланган, ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлиши керак². Шу билан бирга, Навоийнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги биринчи навбатда “инсон қалбидаги нур ва зиё орқали” таъминланади. У инсоннинг маънавий юксалиши ҳамда қалб тозаллиги орқали нафақат шахсий, балки ижтимоий ҳаётдаги тартиб ва осойишталикка эришиш мумкинлигини таъкидлайди³. Шу нуқтаи назардан қаралганда, маънавий тарбия фақат эстетик қадриятлар эмас, балки жамият хавфсизлигини таъминлашдаги стратегик компонентдир.

Қадимий манбаларда, хусусан “Авесто”да зикр этилган “эзгу фикр – эзгу сўз – эзгу амал” учлигига инсоний фаолиятни тубдан шакллантирадиган универсал ахлоқий формула сифатида қаралади⁴. Бу формула юксак маънавий онга эга шахсни тарбиялашда муҳим пойдевор вазифасини бажаради. Маънавий онг эса ўз навбатида жамоат манфаатини шахсий манфаатдан устун кўядиган шахсларни вояга етказишга хизмат қилади. Бунинг натижасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан иммунитет шаклланади, жамоат хавфсизлиги эса ўз-ўзидан кучаяди. Абдулла Авлоний “ахлоқ – инсонларни ёмонликдан қайтариб, яхшиликка чорловчи илм” эканлигини таъкидлайди ва унинг инсон тафаккурида ижобий ўзгариш

яратиш хусусиятини авлодлар онгига сингдириш зарурлигини қайд этади⁵. Унингча, жамиятда ахлоқий тартиб бўлмаса, хавфсизликка эришиш мумкин эмас. Бу эса ахлоқнинг фақат шахсий тарбия воситаси эмас, балки ижтимоий регулятор эканлигини кўрсатади. Конфуций таълимоти ҳам давлат ва жамият бошқарувида ахлоқнинг асосий функциялардан бири сифатида қаралиши кераклигини илгари суради. Унинг таъкидлашича: “Агар одамлар қонун билан эмас, балки маърифат ва ахлоқ билан бошқарилса, у ҳолда улар ор-номусни ҳис қиладилар”⁶. Ушбу фикрни замонавий Ўзбекистон шароитида қўлласак, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички назорат механизмлари – виждон, ор-номус, ҳалоллик каби маънавий қадриятлар орқали эришиш йўлини кўраимиз.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими нафақат фуқаролик фазилатларини шакллантиради, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат институтлари ва аҳоли ўртасидаги ишончли мустаҳкамлайди. Айниқса, глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар шароитида миллий ўзликни англаш, ўзлигини қадрлаш ва жамият олдидидаги масъулиятни ҳис этиш – миллий хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-идеологик таянчи сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, Беруний, Ибн Сино, Форобий каби алломаларнинг ахлоқшуносликка оид қарашларида инсоннинг шахсий тартиби ва хулқ-атворини жамият хавфсизлигини таъминловчи асосий манба сифатида тушуниш тенденцияси кузатилади. Хусусан, Ибн Синонинг таъкидлашича, “одам адолат ва камтарлик каби фазилатлар орқали ҳаётда барқарорликни таъминлайди”⁷. Шу тариқа, жамоат хавфсизлигини таъминлашда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ролини кенг қамровда баҳолаш, давлатнинг фуқаролар онгига кириб боришга қаратилган маърифат сиёсати билан уйғунлаштириш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда таълим муассасалари, оила, оммавий ахборот воситалари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўлга қўйилиши талаб этилади. Зеро, жамиятда тинчлик, тартибот ва хавфсизлик фақат ҳуқуқий механизмлар билан эмас, маънавий онг ва ахлоқий тарбия билан таъминланади.

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш нафақат ҳуқуқий ва институционал механизмлар, балки маънавий-ахлоқий асослар билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, давлат ва жамият муносабатларининг мувозанатини, ижтимоий ҳамжиҳатликни, фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашда

ҳал қилувчи ўрин тутати. Хавфсизлик тушунчаси нафақат ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга, балки ички барқарорлик ва ижтимоий интизомни таъминлашга ҳам дахлдор бўлиб, бу жараёнда маънавий қадриятларнинг ижтимоий фаолиятга татбиқи муҳимдир⁸. Тарихий меросимизда, айниқса, тасаввуф таълимоти, Шарқ мутафаккирлари – Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Имом ал-Ғаззолий, Алишер Навоий, Баҳовуддин Нақшбандий каби зотлар таълимотларида ахлоқ ва маънавиятга инсон фаолиятининг асосий мезони сифатида қаралган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадуғ билиг" асаридида "адл", "ақл", "қаноат" ва "давлат" тушунчаларини давлат бошқарувида ва жамият барқарорлигида муҳим омил сифатида белгилайди⁹.

Маънавий-ахлоқий қадриятларнинг жамоат хавфсизлигидаги аҳамиятини ислом таълимоти билан узвий боғланган ҳолда кўриш мумкин. Қуръони Каримда "тинчлик, адолат, шафқат, ҳалоллик ва барқарорлик" каби тушунчалар фақат илоҳий буйруқ сифатида эмас, балки ижтимоий мувоzanатни таъминловчи универсал қоидалар сифатида келтирилган. Абдурахмон Қоянинг "Ислом ахлоқи" асаридида қайд этилишича, ислом ахлоқи нафақат диний, балки умуминсоний ҳукмларга асосланган ҳаёт қонуниятидир. Бу ахлоқий мезонлар бир неча асрлар давомида инсонлар онгида шаклланиб, уларнинг шахсий ва жамоавий ҳаётида муайян тартиб-интизом асоси бўлиб келган¹¹.

Соҳибқирон Амир Темурнинг фаолиятида адолат ва одоб-ахлоқ асосий мезон бўлиб, у қудратли давлат барпо этишда халқ билан инсоний муносабатларга, шафқат ва юксак одобга таянганини таъкидлайди: "Очк юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим..."¹². Шунингдек, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрига кўра, жамиятда адолат ва ахлоқ – ҳукмдор ва халқ муносабатининг, ҳуқуқий-ижтимоий барқарорликнинг асосий шarti бўлиб хизмат қилади. Унинг "Ихё улуми-д-дин" асаридида келтирилишича, "одил подшоҳ халқнинг омонатиға хиёнат қилмаслиги ва халқ ҳам шоҳнинг адолатидан баҳраманд бўлиши лозим"¹³.

Мирзо Бедил ахлоқ, илм ва маънавиятни яхлит ҳолда кўриб, жамият ривожини учун унинг барчаси уйғун ҳолда амал қилиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг қуйидаги сатрлари жуда таъсири:

"Киши табиати фoш этса идрок,

Фақат яхшиликка этар иштирок..."¹⁴

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, аввало, тарбия ва муҳит билан боғлиқдир"¹⁵. Бу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маънавий-ахлоқий муҳит барқарор бўлган жамиятда ҳуқуқбузарликлар ва жамоат хавфсизлигига таҳдидлар ҳам камроқ кузатилади. Жамият ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал этишда инсон маънавий жиҳатдан ривожланган, ижтимоий масъулият ҳиссига эга, ахлоқий қоидаларга амал қилувчи фуқаро сифатида шаклланиши зарур. Ахлоқсизлик, манманлик, ёлғончилик, камситиш, ёмон гумон қилиш, очкўзлик каби салбий фазилатлар жамият хавфсизлигига бевосита таҳдид солади. Демак, ахлоқий тарбия нафақат шахсий камолотга, балки умумжамят хавфсизлигига ҳам хизмат қилади.

Маънавий тарбия ва диний қадриятларнинг ҳаётга жорий этилиши айниқса ёшлар тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Алишер Навоий таълимоти, жадидлар мероси, Имом Бухорий ҳадислари, тасаввуф илмидаги поклик, вафо, сабр, руҳий камолот каби ғоялар – бугунги жамият ахлоқий жиҳатдан етук авлодни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавий тарбиянинг самарадорлигини ошириш учун уни давлат сиёсати даражасида олиб бориш, таълим тизимига тўлиқ интеграция қилиш, оила

ва маҳалла институтлари билан уйғунлаштириш лозим. Бу борада, "Маънавият ва маърифат" марказлари, дин арбоблари, педагог ва фаол зиёиларнинг жамиятдаги роли каттадир. Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашда маънавий-ахлоқий қадриятлар нафақат кўшимча омил, балки тарбиявий ва ташкилий-ижтимоий механизм сифатида фаол аҳамиятга эга. Жамиятда ахлоқ мезонларига амал қилиш, уларни ёш авлод онгига синдириш нафақат маънавий камолотга, балки барқарор, хавфсиз фуқаролик жамияти куришга замин яратади.

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи нафақат ҳуқуқий-ташкилий чоралар, балки маънавий-ахлоқий мезонлар асосида баҳоланиши ва бошқарилиши лозим бўлган долзарб ижтимоий-миллий масалалар қаторида турибди. Чунки инсон шахс сифатида фақат ҳуқуқ нормалари асосида эмас, балки маънавий-ахлоқий тарбия негизда камол топиши, жамият аъзоси сифатида зиммасига юклаган масъулиятни англаши, виждон, ор-номус, бурч адолат ва эзгулик каби универсал қадриятларга таянилган ҳолда фаолият юритиши орқали жамиятда барқарорлик ва хавфсизлик таъминланади. Ахлоқий қадриятлар инсоннинг ички оламида шаклланидиган, унинг онги ва руҳиятига сингиб кетадиган метёерлар мажмуаси бўлиб, ҳар қандай жамиятда фуқароларнинг ўзаро муносабатини, давлат ва жамият, шахс ҳамда жамоа ўртасидаги алоқаларни самарали тарзда тартибга солувчи қудратли омил сифатида ўзини намоён этади.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақатгина жазо муассасалари фаолияти, ҳуқуқбузарликка қарши курашиш билан чекланмаслиги лозим. Аксинча, унинг пойдевори сифатида инсон қалбида ички назорат, ўзини ҳис этиш, ўз бурчини англаш, бошқаларга зарар етказишдан сақланиш туйғусини шакллантириб туриши керак. Бу эса ўз навбатида жамиятдаги маънавий муҳит, оиладаги тарбия, таълим муассасаларидаги маърифат, диний маърузалар, оммавий ахборот воситаларининг таъсири, маҳалла ва жамоатчиликнинг фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда айнан шу йўналишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, жамоат хавфсизлигини таъминлашда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрни жуда катта бўлиб, бу масала фақатгина диний, фалсафий ёки маданий тушунча эмас, балки жамиятнинг стратегик барқарорлиги, маънавий иммунитетини шакллантириш, инсонийлик мезонлари асосида яшашга чорловчи ва барча фуқароларни бирлаштирувчи куч сифатида қаралиши даркор.

Икромжон УСАРОВ,

*Тошкент шаҳар Миллий гвардияси
бўлим бошлиғи ўринбосари.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Форобий. Рисолалар. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.101–102.
2. Форобий. Рисолалар. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.101–102.
3. Навоий А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.41.
4. Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.112.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.5.
6. Конфуций. Панд-ўғитлар. – "Соғлом авлод учун" журнали, 1997, №5–6. – Б.45.
7. Ибн Сино. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.83.
8. Шермухамедов, С. (2020). Маънавият ва мафкура назарияси. Тошкент: Маънавият, 33-бет.
9. Юсуф Хос Ҳожиб. (2001). Қутадуғ билиг. Тошкент: "Ғафур Ғулум" нашриёти, 75-бет.
10. Қуръони Карим. (ан-Нахл сураси, 90-оят).
11. Қоя, А. (2013). Ислом ахлоқи. Тошкент: Маънавият нашриёти, 58-бет.
12. Темур, А. (1992). Темур тузуқлари. Тошкент: Фан, 17-бет.
13. Ғаззолий, Абу Ҳомид. (1998). Ихё улуми-д-дин. Қоҳира нашри, 134-бет.
14. Бедил, М.А. (1979). Девони Абдулқодир Бедил. Душанбе: Адиб, 52-бет.
15. Мирзиёев, Ш.М. (2022). Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Президент нашриёти, 19-бет.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг тарихи, уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари таҳлил қилинган. Акциядорлик шаклидаги ташкилотлар илк бор Фарбий Европада, XVII асрдаги иқтисодий ва геосиёсий ўзгаришлар таъсирида вужудга келгани таъкидланган. Шунингдек, муаллиф акциядорлик жамиятларининг ривожланиш жараёнидаги ҳуқуқий асослар ва корпоратив бошқарув тизимининг тарихи ҳамда Ўзбекистонда унинг шаклланишида амалга оширилган ислохотларни таҳлил қилган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамиятлари, акция ва капитал, улуш, корпоратив бошқарув, компаниялар.

Акциядорлик жамияти – бу жамғарилган капитали акцияларга бўлинган, акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, мустакил юридик шахс мақомига эга тижорат ташкилоти ҳисобланади. Ушбу тузилманинг вужудга келиши ва ривожланиши жаҳон иқтисодий тарихидаги муҳим босқичлардан бири бўлиб, унда мулкдорлар ва бошқарув органлари ўртасидаги муносабатлар, инвестицияларни жалб этиш механизмлари ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари ўз ифодасини топган.

Акциядорлик жамиятлари тарихан илк бор XVI–XVII асрларда Фарбий Европада савдо-денгиз компаниялари кўринишида шаклланган. Уларнинг пайдо бўлиши замонавий бизнес муносабатларининг, хусусан, корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий ва иқтисодий пойдеворини яратди. Айни пайтда, акциядорлик жамиятлари нафақат иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш воситаси сифатида, балки кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганишда уларнинг қандай омиллар таъсирида ва кимлар томонидан таъсис этилганлиги, пайдо бўлиш вақтидаги асосий функция ва вазифалари нималардан иборат бўлганлиги, уларнинг давлатлар иқтисодиётининг ривожланишидаги ўрнига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Зеро, мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига иқтисодий-сиёсий омиллар сабаб бўлиб, уларнинг етакчи ва йирик иқтисодий тармоқлар бўйича кенг тарқалиши мамлакатда йирик бизнес ривожланиб бораётгани, фуқароларда корпоратив билим ва кўникмалар ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Ҳозирги акциядорлик жамиятларининг илк шакллари қадимги Римда пайдо бўлган. Г.Л. Рубенко¹га кўра қадимги Рим республикасида ҳозирги юридик шахсларга хос бўлган белгиларга эга ташкилотлар мавжуд бўлишига қарамасдан “рим ҳуқуқи”да юридик шахс тушунчаси мавҳум бўлган. Уша пайтлардаги мавжуд шу турдаги ташкилотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири, уларда ташкилот ва унинг иштирокчиларининг жавобгарлиги бир-биридан ажратилганлигидир.

В.В. Долинская мазкур фикрни қўллаб-қувватлаб компанияларнинг пайдо бўлишидаги дастлабки ҳаракатлар қадимги Рим республикаси даврида амалга оширилганлигини ва компанияларнинг илк кўринишлари – “Collegia aragogum” ва “Collegia publicanorum”лар (юридик шахслар дастлабки шакллариининг номланиши) пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Мазкур турдаги компаниялар республикадаги ҳокимиятга тегишли бир қанча функциялар (солиқлар ва бошқа йиғимларни йиғиш, йўл қурилиши ва бошқ.)ни бажариб келишган².

М.Саидов мазкур фикрга қўшилган ҳолда Қадимги Рим давлатида илк пайдо бўлган хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакли ҳозирги “корпорация” тушунчасига бироз мос келмаса-да, аммо рим ҳуқуқида “юридик шахс” атамаси ишлатилмаганлиги учун бундай уюшма таъкидланганидек, фуқароларнинг оддий бирлашмасидан (юридик шахс сифатида эмас) иборат бўлганлигини, Римда бундай уюшмалар

хусусий корпорациялар, диний жамоалар, касаначиларнинг профессионал уюшмалари сифатида фаолият олиб борганлиги ҳақида ёзади³.

Ҳозирги пайтдаги мавжуд акциядорлик жамиятларига хос бўлган белгиларга эга компаниялар ўрта асрларда Европада кемаларни қуриш ва фойдаланиш учун денгиз ширкатлари шаклларида пайдо бўладилар. Мазкур турдаги сув кемаларига бир неча шахслар пай (улуш)лар – яъни акциялар асосида эгалик қилишган. Кейинчалик акциядорлик жамиятлари Италияда – банклар, Голландия ва Англияда саноат революцияси юз бериши муносабати билан – Ост-Индия компанияси⁴ ҳамда унинг негизида алоҳида савдо флотлари⁵нинг вужудга келиши билан, Францияда бошқа давлатларда бўлгани сингари асосан забот этилган колониялар мулкларини ўзлаштириш мақсадида⁶ ташкил этилган.

Баъзи тадқиқотчи олимлар акциядорлик жамиятларига хос бўлган юридик шахслар анча олдин XI-XII асрларда пайдо бўлганликларини ва уларнинг орасида ҳозирга қадар фаолият юритиб келаётган компаниялар ҳам борлигини таъкидлайдилар⁷.

Олимлар Европа давлатларида дастлабки йирик компанияларнинг пайдо бўлиши баъзи ҳокимият функцияларининг улар томонидан бажарилиши билан боғлиқ бўлганлиги ҳақида ёзишади. Масалан рус олими А.Сапунцовга кўра, Буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилиши билан йирик давлатлар ўзлари учун денгизорти колонияларини ўзлаштиришни бошлашади. Франция денгиз флоти бундай катта ҳажмдаги денгиз эксплуатациясини амалга ошира олмаслиги натижасида 1664 йилда Франция Ост-Индия компанияси вужудга келади.

Янги колонияларни ўзлаштиришга мўлжалланган компаниялар XVII аср биринчи ярмида дастлабки трансмиллий корпорациялар шаклида Дания, Австрия ва Швецияда ҳам пайдо бўлади⁸.

Европа давлатлари ичида Германияда акциядорлик жамиятлари шаклидаги юридик шахслар нисбатан кечроқ пайдо бўла бошлаган. Бу Германия (Пруссия)нинг ўз қўшниларига нисбатан иқтисодий жиҳатдан қолақ бўлганлиги билан асосланади⁹.

Рус олими В.Лаптев ҳозирги акциядорлик жамиятлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларида мос бўлган юридик шахслар ўрта асрларда дастлаб Европа давлатлари ҳудудида ташкил этилганлиги ҳақида ёзади. Бу турдаги бирлашмаларни ташкил этишдан асосий мақсад йирик бизнесни шакллантиришдаги таваккалчиликларнинг миқдорини камайтириш ҳисобланган. Акциядорлик жамиятлари келгусида кўриши мумкин бўлган зарарлар, улардаги акциялар (пайлар)нинг улушдорлар орасида тенг бўлиниши эвазига тақсимланган. Бу даврда акциядорлик жамиятлари (компаниялар) асосан пайчилик ширкатлари шаклида вужудга келган¹⁰.

Бизнингча, акциядорлик жамиятларига хос бўлган акция (пай)лар, улушларга бўлинган ҳолда компанияларни ташкил этиш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек бир нечта шахслар томонидан йирик лойиҳалар устида бирлашиш ва бу борадаги амалга оширилаётган фаолиятларида вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар даражасини қисқар-

тиш мақсадида ташкил этилган. Акциядорлик жамиятларидаги ҳиссдорлар (акциядорлар)нинг ўз улушларига (пайларига) эга бўлиши ва жамият ҳамда таъсисчилар жавобгарлигининг бир-бирдан ажратилганлиги акциядорлик жамиятларига мос бўлган белгилардандир.

Профессор С.С. Гулямов акциядорлик жамиятлари ташкилий-ҳуқуқий шаклига мос келувчи компаниялар тахминан XIX аср ўрталарида юзага келганлигини, уларнинг дастлабки шакллари XVI-XVII асрларда халқаро денгиз савдоси ҳамда Буюк географик – кашфиётлар даврида мустамлака компаниялар бўлганлигини таъкидлайди¹¹. Профессорнинг мазкур тўхтама келишига дунё сиёсий-иқтисодий тарихида XVI-XVII асрларда рўй берган Буюк географик кашфиётлар сабаб бўлган бўлиши мумкин.

О.С.Тошев Ўзбекистон ҳудудида дастлабки "акциядорлик жамияти" тушунчасини "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонун билан боғлайди¹².

Лекин, Ж.Юлдашев¹³ О.С.Тошев ўз тадқиқотларида ўтган асрнинг бошларида вужудга келган ширкатларнинг айримларида, яъни асосан темир йўл ва пахта тозалаш саноатида, шунингдек банкларда (масалан, Осие-рус банки) акциядорлик жамиятларига хос бўлган белгилар мавжуд бўлганлигига¹⁴ эътибор қаратмаганлигини таъкидлайди.

Корпорацияларнинг Ўзбекистон ҳудудида вужудга келишини ўрганган Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва С.С.Гулямовлар мамлакатимиз ҳудудида улар қадимий даврларда вужудга келганлиги, мазкур корпорацияларнинг Европа давлатлари ҳудудларида ташкил топган корпорациялардан фарқли жиҳати, улар низомилар асосида эмас, балки шариат ва одат қоидалари асосида фаолият олиб борганликлари, ҳозирги давр белгиларига анча яқин бўлган замонавий корпорациялар XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин пайдо бўлганлиги ва улардаги корпоратив муносабатлар подшо томонидан тасдиқланадиган ва тадбиркорлар ҳуқуқларини чеклашга йўналтирилган низомилар асосида фаолият кўрсатиб келганлиги ҳақида ёзадилар¹⁵.

Олимиларнинг мазкур фикрига қўшилган ҳолда, корпорацияларнинг фақат замонавий шакллари Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг, мустамлака ҳудудларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этила бошланганлигини, бироқ илк компаниялар мамлакатимиз ҳудудида савдо-сотик алоқаларини ривожлантириш мақсадида қадимги даврлардан мавжуд бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ж.И. Юлдашев чор Россияси Марказий Осиё ҳудудида саноат корхоналарини қуриш ва уларни капиталлаштиришдан манфаатдор бўлмай, бу ҳудудни фақат хом-ашё базасига айлантиришни мақсад қилганлиги ҳақида ёзади¹⁶.

М.И. Вексельман Марказий Осиё ҳудудини чет давлатлар компаниялари томонидан иқтисодий жиҳатдан экспансия қилиш ҳудуд чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланганлигини таъкидлаган¹⁷.

XIX асрнинг 60-70-йилларида чет эллик ишбилармонлар Туркистон ҳудудининг иқтисодий потенциалини чуқур ўрганиб, унда йирик ишлаб чиқариш компаниялари барпо эта бошлаганлар. Хусусан немис тадбиркори Г.Ф. Шота 1868 йилда Тошкентда қолбаса ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кейинчалик тоғ-қончилик билан ҳам шуғулланади, италиялик ипак ишлаб чиқарувчи тадбиркор Бартиер 1869 йилда ўз бизнесини ташкил қилади, француз тадбиркори П.В. Гурдэ механика корхонасини, немис бизнесмени Г.В. Дюршмидт Тошкент ва Самарқандда ўз корхоналарини ташкил этиб тез орада катта фойда билан ишлаб бошлайди¹⁸.

Ушбу даврларда акциядорлик жамиятларидаги юридик шахслар турли номлар билан аталган. Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва С.С.Гулямовларнинг таъкидлашича Туркистонда 1916 йилларда фаолият юритган акциядорлик жамиятлари капиталлар ширкати номи билан аталган¹⁹.

Мазкур турдаги юридик шахслар ташкил этила бошлагач давлатлар қонунчилиги ҳам ривожлана бориб, XVIII асрдан бошлаб акциядорлик капиталини ташкил этишнинг афзалликлари ва чегараланган жавобгарликни муҳокама қилиш бошланган. Яъни, акциядорлар акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари қиритган улуш (эгаллик қилган акция) доирасида жавобгар бўлишлари лозимлиги давлатлар қонун ҳужжатларида ўз аксини топишни бошлаган.

Шундай қилиб, акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши иқтисодиёт ва корпоратив ҳуқуқнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Дунёда дастлабки акциядорлик жамиятлари ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахслар – ҳўжалик юритувчи субъектлар (компаниялар) пайдо бўлишига тарихдаги муҳим сиёсий-иқтисодий воқеа – буюк географик кашфиётлар сабаб бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциядорлик жамиятлари совет тузуми даврида йирик пахта ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари, шунингдек, саноат корхоналари ташкил этилиши билан вужудга келганлигини кўришимиз мумкин.

У ёки бу давлатда акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши, мазкур давлат иқтисодиётининг яна бир юқори – янги босқичга кўтарилганлигидан, ташкил этилаётган компанияларда корпоратив бошқарув сингари ривожланган давлатларга хос бўлган тушунчалар кириб, инсон ва капитал бирлаштирилиб жамиятлар ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолияти билан кенг шуғулланиш имконияти ва кўникмалари пайдо бўлаётганлигидан далолатдир.

Шўхрат МИРЖАМОЛОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
тажна докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.Л. Рубенко. Акционерное право. Учебное пособие. – М.: Статут, 2012. – с8.
2. Долгинская В.В. Акционерное право. - М.:Юридическая литература, 1997. -27.
3. М.Саидов. Корпоратив низомилар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари: судьялар ва аҳоли учун амалий қўлланма / М.Саидов. – Тошкент, 2019. – 96.
4. Голландия Ост-Индия компаниясининг капитали 6,4 млн. флорин (Голландия (Нидерландия) пул бирлиги)ни, Англияда ташкил этилган Ост-Индия компаниясининг капитали 1 млн. фунт (Буюк Британия (Англия) пул бирлиги)ни ташкил этган. "Акция" тушунчасининг пайдо бўлиши Англия ва Голландияда айнан Ост-Индия компанияларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ, Голландия Ост-Индия компаниясининг ҳар бир акцияси қиймати 500 флорин, Англия Ост-Индия компаниясининг акциялари 50-100 фунтга баҳоланган. Мазкур компанияларнинг пайдо бўлиши билан, акциядорлик жамиятларидаги акцияларнинг эгалари томонидан уларни (акциялар) эркин тасарруф этиш таъйинли ҳам вужудга келган. Акциядорлик жамиятларининг дастлабки бошқарув органлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Г.Л. Рубенко. Акционерное право. Учебное пособие. – М.: Статут, 2012. – стр. 9-10.
5. Crouzet F. The Second Hundred Years War Some Reflections // French History. – 1996. – Vol. 10, 1. 4. – P. 432-450. – DOI: 10.1093/fh/10.4.432
6. Сапунцов А.Л. - Инициативы по приватизации колониальной деятельности в рамках Французской Ост-Индской компании, 1664-1769 // Genesis:исторические исследования. – 2020. – № 12. – С. 150 - 160.
7. Солик тўловчининг журнали. - Тошкент, 2006. -№2. – Б. 76.
8. Сапунцов А.Л. - Инициативы по приватизации колониальной деятельности в рамках Французской Ост-Индской компании, 1664-1769 // Genesis:исторические исследования. – 2020. – № 12. – С. 150 - 160.
9. Г.Л. Рубенко. Акционерное право. Учебное пособие. – М.: Статут, 2012. – с8.
10. Лаптев В.В. Акционерное право. - М.: Контракт, 1999. -4 с.
11. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: ТДҶОИ, 2002. -48 б.
12. Акциядорлаштириш: таконил муаммолари // Хаёт ва қонун. -Тошкент, 2002. -№3-4. -Б. 48.
13. Ж.И. Юлдашев, ТДҶОИ. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.
14. Зоккиров И.Б. Становление и развитие Советского гражданского права в БНСР и ХНСР. – Ташкент: Фан, 1988. -95 с.
15. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. – Тошкент: ТДҶОИ, 2007. -55-56 б.
16. Ж.И. Юлдашев, ТДҶОИ. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.
17. Вексельман М.И. К вопросу о проникновении иностранного капитала в экономику Средней Азии до первой мировой войны // общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1961. -№7. -С. 33.
18. Вексельман М.И. К вопросу о проникновении иностранного капитала в экономику Средней Азии до первой мировой войны // общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1961. -№7. -С. 31.
19. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. – Тошкент: ТДҶОИ, 2007. -54 б.

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини классик ва замонавий криминалогия ютуқлари асосида комплекс таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Хусусан, ушбу турдаги жиноятларнинг ҳолати, даражаси, тузилиши ва динамикаси каби анъанавий криминалогик кўрсаткичлар билан бир қаторда, латент жиноятчилик, виктимлик, жиноят содир этиш ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳлар, жиноятларнинг ҳудудий, мавсумий ва ижтимоий дифференциацияси каби замонавий индикаторларни ҳам таҳлил қилиш хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: оилавий (маиший) зўравонлик, криминалогик таҳлил, латент жиноятчилик, виктимология, фемицид, жиноятчилик динамикаси, жиноятчилик тузилиши, жиноят даражаси, жабрланувчи, ижтимоий-психологик омиллар, профилактика.

Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини криминалогик мезонлар асосида таҳлил қилиш, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг такрорий содир этилишига таъсир этувчи омилларни, динамикасини, мавсумлашишини, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳ ва тоифаларни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бундай таҳлиллар, ўз навбатида, зўравонлик ҳолатларини олдиндан прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган моделлар яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш имкониятларини яратади. Шунингдек, оилавий зўравонлик жараёнларини ўрганиш фақат мавжуд ҳолатни баҳолаш билан чекланмай, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стратегик қарорлар қабул қилиш учун муҳим илмий база бўлиб хизмат қилади.

UN Women ва UNODC томонидан тайёрланган 2023 йилги қўшма ҳисоботда 2022 йилда дунё бўйича 89 минг аёл ва қизлар қасддан ўлдирилгани, уларнинг ярмидан кўпроги оила аъзолари ёки жуфти томонидан ўлдирилгани қайд этилган.¹ Бу сўнгги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади ва зўравонликнинг энг оғир шакли – фемицид – асосан уй муҳитида, яъни “хавфсиз макон” сифатида қабул қилинган жойнинг ўзида содир бўлаётганини кўрсатади (Фемицид бу – оила доирасидаги зўравонликнинг энг оғир кўриниши). Бу эса “хавф манбаи – кўча эмас, аксар ҳолларда уйнинг ўзи” деган криминалогик хулосани шакллантиради.

Лотин Америкасидаги айрим мамлакатларда фемицид алоҳида ҳуқуқий тоифа сифатида статистикада юритилиши ва бу турдаги жиноятлар даражаси жуда юқори экани қайд этилган (ECLAC маълумотлари).

Айрим давлатларда зўравонликнинг тўғридан-тўғри иқтисодий зарари мамлакат ЯИМнинг бир неча фоизига тенг экани ҳам аниқланган. Халқаро тадқиқотлар фақат расмий қайд этилган зўравонлик ҳолатлари ҳақиқий манзарани тўлиқ акс эттирмаслигини таъкидлайди. Бир қатор илмий манбаларга кўра:

“яширин”, “қайд этилмаган”, “бошқа тоифага ўтказилган” зўравонлик ҳолатлари расмий статистикадан бир неча баравар кўп бўлиши мумкин;

кўп аёллар қўрқув, шармандалик, ижтимоий босим, иқтисодий боғлиқлик туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди;

болалар эса аксар ҳолларда зўравонлик ҳақида хабар берувчи субъект сифатида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди.

Халқаро статистик таҳлиллар шундан далолат берадики, оилавий (маиший) зўравонлик – мураккаб ижтимоий, психологик ва криминоген жараён бўлиб, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичла-

рини чуқур таҳлил қилиш криминалогик концепциялар ва давлат сиёсати асосини ташкил этади. Шунинг учун Ўзбекистонда оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини ўрганиш ва таҳлил қилишда жиноятларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари (зўравонлик тури, давомийлиги, такрорийлиги), ижтимоий-психологик омиллар, жабрланувчи ҳамда жиноятчининг муносабат хусусиятлари, болаларнинг иштироки ва уларга таъсири, хавф гуруҳлари каби кўрсаткичларни комплекс ўрганиш зарур.

Классик криминалогия олимлари, хусусан, Абдурасулова Қ.,²

В.Н. Кудрявцев, А.И. Долговой, Г.М. Миньковский ва Н.Ф. Кузнецовларнинг³ илмий қарашларида жиноятчиликнинг статистик тавсифи, одатда, унинг ҳолати, даражаси, тузилиши ва динамикаси каби асосий кўрсаткичлар⁴ орқали ўз ифодасини топади. Жиноятчиликнинг ҳолати⁵ муайян ҳудудда содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар миқдорий йиғиндиси сифатида, даражаси эса ушбу жиноятлар абсолют кўрсаткичларининг аҳоли сонига нисбатан ҳисобланган миқдори орқали аниқланади. Тузилиши жиноятларнинг ҳуқуқий ва криминалогик таснифи (жиноят турлари, оғирлик даражаси, субъект таркиби ва ҳ.к.)⁶ асосланган ҳолда умумий жиноятчиликдаги нисбий улушини англатса, динамика жиноятчиликнинг ушбу кўрсаткичлари ўтмиш даврлар билан қиёсий таҳлилда вақт ўтиши билан қандай ўзгаришини ифода этади. Мазкур классик тўртликни (ҳолати, тузилиши, динамикаси, даражаси) таянч криминалогик база десак ҳам муболаға бўлмайди.

Замонавий криминалогияда эса мазкур классик кўрсаткичлар латент жиноятчиликнинг замонавий янги кўринишлари, виктимлик, аҳолининг жиноятчиликдан хавотирланиш даражаси (“fear of crime”), шунингдек, жиноятчиликнинг ҳудудий ва ижтимоий дифференциацияси каби қўшимча индикаторлар билан тўлдириб борилаётгани таъкидланади. Бу эса жиноятчиликни фақат расмий статистик рақамлар эмас, балки унинг яширин қисми ва жабрланувчилар нуқтаи назаридан ҳам комплекс ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, замонавий тадқиқотлар аҳолининг жиноятчиликдан хавотирланиш даражаси ва виктимология тушунчаларини алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш кераклигини кўрсатади. Чунки расмий қайд этилган жиноятлар жамиятдаги ҳақиқий криминоген вазиятни тўлиқ акс эттирмаслиги, жумладан, хабар берилмаган (латент) ёки турли сабабларга кўра кўриб чиқилмаган жиноятлар жуда кўп эканлиги таъкидланади. Шу сабабли, аҳолининг субъектив хавф ҳисси – жабрланиш эҳтимолини субъектив қабул қилиши – реал виктимлик даражаси

билан биргаликда ўрганилганда, жиноятчиликнинг тўлиқ картинаси шаклланади. Tseloni ва Zarafonitou томонидан ўтказилган эмпирик таҳлил ҳам айнан шу муносабатни статистик моделлар орқали исботлайди.⁷

Иккинчидан, замонавий криминология “латент жиноятчилик” феноменини алоҳида ўрганишни талаб қилади. Айниқса, оилавий зўравонлик каби ҳолатларда расмий статистика билан реал вазият орасида кескин тафовут бор. Сабаби – жабрланувчиларнинг қўрқиши, ижтимоий босим, келгусидаги такрорий зўравонликдан қўрқиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишонч пастлиги каби омиллар айрим жиноятларни статистикадан яшириб қўяди. Шу муносабат билан замонавий тадқиқотлар латентликни аниқлаш ва унинг турларини классификация қилишни жиноятчилик таҳлилининг мажбурий элементи сифатида белгилайди.⁸

Учинчидан, муҳит, макон ва вақт омилларини ҳисобга олиш – криминологиянинг ривожланиши туфайли жиноятчиликни тасвирлашда муҳим индикаторга айланди. Масалан, шаҳар инфратузилмаси, аҳоли зичлиги, ёритилиш даражаси, ижтимоий инфратузилма, камералаштирилган жойлар, транспорт оқими каби омиллар жиноят содир этилиши эҳтимолини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Zhao ва Tang ушбу тенденцияни исботлаб, жиноятчиликни фақат жиноят турлари эмас, балки “жой-вақт-ижтимоий муҳит-шахсий омиллар” ўзаро боғлиқ тизимида таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлайди.⁹

Тўртинчидан, виктимология ва криминологик психология йўналишлари жиноятчиликни “марказда жабрланувчи” ёндашуви орқали ўрганишни илгари сурмоқда. Замонавий тадқиқотлар жиноятчиларнинг эмас, балки жабрланувчиларнинг эҳтиёжлари, улар кўрадиган зарар, жиноятдан кейинги психологик ҳолат, хавотир ва кўркув даражаси, жиноят содир этилганидан кейинги ижтимоий муносабатлар, полицияга ишонч ва мурожаат қилиш эҳтимоли каби кўрсаткичларни жиноятчилик таҳлилининг ажралмас қисми деб баҳолайди. Jackson ушбу ҳолатни илмий асослаб, хавф сезувчанлик, ижтимоий ҳимоясизлик ва виктимлик хатарини тушуниш криминологик таҳлилни янада тўлиқ ва реал кўринишга келтиришини таъкидлайди.¹⁰

Шу тариқа, замонавий криминологияда жиноятчиликни ўрганиш расмий рақамлар билан чекланмай, унинг туб сабаблари, яширин кўлами, жабрланувчиларнинг ҳиссий жараёни, жиноят муҳити ва ижтимоий омилларини биргаликда қамраб олувчи комплекс ёндашувга айланиб бормоқда. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш сиёсатида ҳам тўлиқ таҳлил, ҳам профилактик механизмларни аниқ мақсадга йўналтириш имконини яратади.

Бизнингча, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини классик ва замонавий криминологияга оид махсус индикаторларни биргаликда қўллаган ҳолда, комплекс тарзда куйидаги мезонлар асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг ҳолати.

Мазкур босқичда муайян даврда қайд этилган оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларнинг сони, уларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши, шунингдек расмий статистика ва латент жиноятчилик ўртасидаги эҳтимолий тафовутлар (яъни латентлик даражаси) таҳлил қилинади.

2. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг динамикаси.

Ушбу турдаги жиноятларнинг йиллар (ой, чорак, мавсум) кесимида ортиши ёки камайиши, қисқа ва узок муддатли тенденциялар, “портлаш”, яъни нисбатан кўп қайд этилган даврлари ва нисбий барқарорлик босқичлари илмий жиҳатдан ўрганилади.

3. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг тузилиши.

Бу босқичда қонунчиликда назарда тутилган нормалар бўйича Жиноят кодексининг 126¹ моддасида назарда тутилган жиноятлар жинсий-ҳуқуқий (таркибий қисмлари, хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, такрорийлик белгилари) ва криминологик хусусиятларига (содир этилган ойлари, фасллар ва мавсумлари) кўра батафсил таҳлил қилинади.

4. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг даражаси.

Жиноятларнинг аҳоли сонига нисбатан миқдори (100 минг аҳолига нисбатан), содир этилиш интенсивлиги ва муайян ҳудуддаги умумий криминоген вазият билан боғлиқлиги таҳлил этилади.

5. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг географияси.

Ҳудудлар (вилоят, туман-шаҳар даражасида), шунингдек, шаҳар ва туман (қишлоқ) мақомидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқлар, муайян ҳудудга хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар ўрганилади.

6. Оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳолда кўзга ташланган жиноят ишларининг тергов натижаларига оид таҳлиллари.

Жиноятларнинг фош этилиш даражаси, тергов натижалари таҳлил этилади.

7. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг субъект таркиби.

Бу йўналишда:

жиноят содир этган шахсларнинг криминологик портрети (ёши, жинси, ижтимоий-маиший аҳоли, салбий одатлари, аввалги судланганлиги ва ҳ.к.);

жабрланувчиларнинг виктимологик тавсифи (ёши, жинси, оилавий ва ижтимоий мақоми, ҳимояланганлик даражаси ва бошқа виктимлик омиллари) таҳлил қилинади.

Хуршид АТАНАЗАРОВ,

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations Women. Olympian Rebecca Cheptegei murder: More must be done to protect female athletes Date: Thursday, 5 September 2024. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 1.12.2025 йил).
2. Абдурасулова Қ. Криминология. Альбом схемалар. Тошкент-2004. <https://drive.google.com/file/d/17>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 1.12.2025 йил).
3. Надбитов А.С. Региональная преступность и некоторые аспекты ее исследования. <https://moluch.ru/conf/law/archive/43/2711>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 1.12.2025 йил).
4. Плетенева О.Б. Криминология: учебное пособие. – Минск: БГУ, 2022. с.11. <https://elibrary.by/bitstream/123456789/290403/1/pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 1.12.2025 йил).
5. <https://studfile.net/preview/5602741/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 1.12.2025 йил).
6. <https://farabi.university/storage/files/2957258170672cd6ac91cf1220258334.pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 3.12.2025 йил).
7. Andromachi Tseloni., Christina Zarafonitou. Fear of Crime and Victimization A Multivariate Multilevel Analysis of Competing Measurements. <https://www.researchgate.net/publication/258136481>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 3.12.2025 йил).
8. Исмоилов О. Latent crime: concept and classification features. <https://www.researchgate.net/publication/370744240>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 3.12.2025 йил).
9. Xiangyu Zhao, Jiliang Tang. Crime in Urban Areas: A Data Mining Perspective. <https://arxiv.org/abs/1804.08159>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 3.12.2025 йил).
10. Jonathan Jackson. A psychological perspective on vulnerability in the fear of crime. <https://eprints.lse.ac.uk/21534/1>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 3.12.2025 йил).

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Суд ишларини юритишнинг очиқлиги ва ошкоралиги ҳамда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг номланишида ҳам юқоридаги икки тушунча: очиқлик ва ошкоралик ўз ифодасини топган. Ушбу Пленум қарорининг муқаддимасида суд ишларини юритишнинг очиқлиги ва ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида аҳолини ўз вақтида, малакали, ҳолисона хабардор қилиш суд тизими ва суд ишларини юритиш ҳақида аҳолининг ҳуқуқий хабардорлик даражасини оширишга хизмат қилиши, адолатли суд муҳокамасини кафолатлаши, шунингдек, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаши, очиқ суд жараёнлари жамоатчиликнинг судга ишончини кучайтириш воситаларидан бири эканлиги қайд этилган.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги очиқлик, ошкоралик, шаффофлик, транспарентлик каби тушунчаларнинг маълум бир ўхшашлик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, юридик адабиётларда улардан фойдаланишнинг соддалиги ва қулайлигини таъминлаш мақсадида уларнинг баъзиларидан воз кечиб, минимал даражага тушириш ва қуйидаги икки атамани: суд муҳокамасига нисбатан ошкоралик ва суднинг давлат органи сифатидаги фаолиятига нисбатан очиқлик атамасини қолдириш таклиф қилинади. Бинобарин, чалғимаслик, ҳар бир атамани ўз жойида ишлатиш, фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда атамаларнинг мохиятан тўғри қўллаш мақсадида ошкоралик атамасини суд муҳокамасига нисбатан, очиқлик атамасини эса суд ҳокимиятининг фаолиятига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу ўринда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари томонидан судда иш кўришнинг ошкоралиги ва судлар фаолиятининг очиқлиги каби атамалар ўртасидаги нисбатга эътибор қилмай, уларни бир хилда талқин қилиш каби ҳолатлар ҳам кузатилади. Хусусан, Судьялар олий мактаби (ҳозирда Одил судлов академияси) тингловчилари ҳамда Наманган вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяларидан иборат 63 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда судлар фаолиятининг очиқлиги деганда нимани тушунади, деган саволга 24 нафар тингловчи судда ишларнинг ошқора кўрилиши, деган жавобни берган.

Шу ўринда, фуқаролик суд ишларини юритишнинг ошкоралиги ўз мазмун-моҳиятига кўра, судлар фаолиятининг очиқлигидан қуйидаги аҳамиятли жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, ошкоралик бу судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушининг муҳим кафолати ҳисобланади;

иккинчидан, ошкоралик принципи жамоатчиликнинг одил судлов устидан назорат юритишини таъминлайди;

учинчидан, мазкур принцип муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у жараёнда иштирок этувчилар қонунни бузса қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқиши ҳақида огоҳлантиради;

тўртинчидан, ошкоралик принципи суд ҳокимиятининг қандайлигини, бу тўғрисида аҳолини маълум бир суд жараёни ҳақида маълумотга эга бўлишини таъминлайди;

бешинчидан, одил судловни амалга оширишда халқ назоратининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик принципи демократик давлатнинг муҳим омилли сифатида одил судлов, жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва халқ назоратини амалга ошириш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкораликни таъминлаш – бу фақат процессуал қоида эмас, балки демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Суд фаолиятининг очиқ ва ошқора бўлиши адолатнинг амалга ошишига, жамиятнинг суд органларига ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ошкоралик масаласи жаҳон ҳуқуқий тафаккурида ҳамisha марказий мавзу бўлиб келган. Аниқроқ айтганда, Ж. Бентам “ошқора судлов адолат-

нинг энг кучли кафолати” эканлигини таъкидлаган. Бугунги кунда ҳам Европа Инсон ҳуқуқлари суди қатор қарорларида суд жараёнларининг очиқлиги инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг узвий қисми сифатида эътироф этган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили жамиятда ҳуқуқий давлат қурилиши, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишида марказий ўрин тутади. Бу тамойилнинг ҳуқуқий табиатини англаш учун унинг конституциявий асослари, процессуал ҳуқуқдаги ифода ва амалий аҳамияти, ҳамда халқаро ҳуқуқий кафолатлар билан уйғунликда таҳлил этиш зарур.

Ўзбекистонда ҳам янги таҳрирдаги Конституциянинг 137-моддасида “Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади” деб белгиланган.

Хорижий тажрибада ҳам конституциялар суд фаолияти ошкоралигини тўғридан-тўғри мустаҳкамлайди.

Франция Конституцияси суд муҳокамаларининг ошкоралигини фуқароларнинг “адолатга ишончи” учун асосий омил сифатида қайд этади.

Австрия Конституциясида (91-моддаси) “одамлар одил судловни амалга оширишда қатнашадилар” деган норма мавжуд.

Япония Конституциясининг 82-моддасида судда иш кўриш ва иш юзасидан қабул қилинган қарорни эълон қилиш очиқ мажлисда амалга оширилиши белгиланган. Агар суд бир овоздан ошкоралик жамоат тартиби ёки ахлоқ учун хавф туғдиради деган қарорга келса, иш кўриш ёпиқ мажлисда амалга оширилади. Бироқ сиёсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар, нашр билан боғлиқ жиноятлар ёки фуқароларнинг мазкур Конституциянинг III бобида кафолатланган ҳуқуқларига дахл қилувчи ишлар ҳар доим очиқ суд мажлисида кўриб чиқишлини шартлиги белгиланган.

Россия Федерацияси Конституциясининг 123-моддасида барча судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга федерал қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши каби норма назарда тутилган.

Масалан, Германия Асосий Қонуни (Grundgesetz) 101-моддасида ҳар бир шахс қонун билан белгиланган судда ишини ошқора тарзда кўриб чиқиши ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ўрганилган хорижий давлатларнинг Асосий қонунларида суд фаолиятининг очиқлиги ҳамда судда иш кўришнинг ошкоралигини кафолатлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган ва бу фуқаро ҳамда ташкилотлар иштирокидаги ишларнинг очиқ суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ундан ташқари, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида суд ишларини ошқора кўриш умумий қоида сифатида мустаҳкамланган. Бу ҳолат миллий ҳуқуқий тизимнинг халқаро стандартларга уйғунлашуви кўрсатади.

Эркинжон САБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси доценти в.б., ю.ф.д. (PhD).

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақола муаллифлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарликларнинг криминологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини комплекс тарзда таҳлил қилади. Мақолада киберфирибгарлик тушунчаси, турлари, содир этилиш механизми, латентлик омиллари, жабрланувчи ва жиноятчи профили, шунингдек, жиноятни аниқлаш ва олдини олиш бўйича криминологик ва ҳуқуқий чоралар ёритилган. Шу билан бирга, мақолада Ўзбекистон Республикасидаги норматив-ҳуқуқий меъёрлар, хусусан, Жиноят кодексининг 168-моддаси доирасида киберфирибгарликка жавобгарлик масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: фирибгарлик, ахборот технологиялари, phishing, ижтимоий муҳандислик, трансчегаравий жиноят, криминологик профил.

Кибержиноятчилар — онлайн жиноятларни содир этувчи шахслар бўлиб, улар ёши, жинси, маълумот даражаси, мотивацияси ва шахсий хусусиятлари бўйича турлича бўлиши мумкин. Уларнинг мотивлари иқтисодий фойда олиш, шахсий қониқиш, сиёсий ёки диний эътиқодлари, шунингдек, анонимлик ҳисси орқали жиноий жазодан қочишга қаратилган бўлиши мумкин.

Хакерлар қуйидагича таснифланади:

- White-hat (ахлоқий хакерлар): тизим ва тармоқлардаги заифликларни аниқлаш ва уларни тузатишга ёрдам берувчи хакерлар, жиноят мақсадида ишламайди.

- Black-hat (malicious хакерлар): зарар етказиш, маълумот ўғирлаш ёки молиявий фойда олиш учун жиноят қилувчи хакерлар.

- Hacktivistlar: сиёсий ёки идеологик мақсадларда ҳужум қилувчи хакерлар, одатда ижтимоий ўзгариш ёки протест намоийш қилишни мақсад қилади¹.

Europolнинг Global Fraud Trends таҳлилларига кўра, phishing ва унга ўхшаш ижтимоий муҳандислик ҳужумлари — киберфирибгарликларда энг кенг тарқалган усуллар бўлиб қолмоқда, жумладан phishing, smishing ва vishing каби техникалар жиноятчилар томонидан мунтазам қўлланилади.

Phishing — энг кенг тарқалган усул бўлиб, фирибгарлар электрон почта ёки веб-сайт орқали жабрланувчини логин-пароллар ва банк маълумотларини киритишга чорлашади. Europol ва бошқа манбалар phishing, smishing (СМС орқали phishing) ва vishing (телефон орқали) каби ижтимоий муҳандислик усуллари киберфирибгарликда доминант эканини кўрсатади².

Anti-Phishing Working Group (APWG) ҳисоботиغا кўра, 2024 йилда phishing ҳужумлари сони ойлик 290 000–370 000 атрофида бўлиб, smishing ва телефон орқали тазйик ҳужумлари ҳам сезиларли даражада кўпайган³.

Сохта онлайн дўконлар — фирибгарлар онлайн бозорлар ва электрон тижорат сайтларини сохталаштириб, жабрланувчини олдиндан тўлов қилишга ундайди. Бу ҳолатлар phishing билан комбинацияланган бўлиши мумкин, масалан сохта сайтда банк карта маълумотларини киритиш талаб қилинади.

Банк ва тўлов тизимларидан фойдаланиш — фирибгарлар кўпинча банк ходими ёки тўлов тизими вакили сифатида таништирилиб, жабрланувчидан бир марталик кодлар ёки аутентификация маълумотларини сўрайди. Бу техникалар vishing ва smishing шаклида содир бўлади, улар phishing вариантларининг телефон ва СМС тармоқларида кўпайганини тасдиқлайди.

Ижтимоий тармоқлардаги фирибгарликлар — ижтимоий тармоқларда “ютук”, “инвестиция” ёки “иш таклифи” каби сох-

та эълонлар орқали одамларни алдаб, улардан пул ёки маълумот тортиб олиш. Бу турдаги ҳужумларда ижтимоий муҳандислик ва аноним профил яратиш усуллари кенг қўлланади.

Ижтимоий муҳандислик — бу жиноятчилар томонидан инсонларнинг психологик хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларидан фойдаланиш орқали махфий маълумот, масалан логин, пароллар ёки молиявий маълумотларни ноқонуний олишга қаратилган ҳужумлар мажмуаси. Бу метод техник заифликдан кўра, инсоннинг ишонч шошилинчлик, қизиқиш ёки кўриш туйғулари каби психологик реакцияларини эксплуатация қилишга асосланади⁴.

- Статистик маълумотлар phishing ҳужумларида инсоннинг шахсий хатолари асосий хавф омиллари эканини кўрсатмоқда:

- Тахминан 30 % маълумот олувчилар phishing хабарларини очади ва 12 % амбарий линкни босади, бу phishingнинг инсон омиллари туфайли муваффақиятга эришишига далолат беради⁵.

- Ижтимоий муҳандислик ҳужумлари умумий киберҳужумлардаги иштироки юқори бўлиб, 88 % маълумотлар бузилишига инсон хатолари (шу жумладан social engineering) сабаб бўлади⁶.

Бу маълумотлар phishing ва бошқа ижтимоий муҳандислик усулларида технологиядан кўра инсоннинг эҳтиётсизлиги ва ишонувчанлигининг асосий хавф омиллари эканини кўрсатади.

Киберфирибгарликнинг жабрланувчилари одатда молиявий саводсиз ёки рақамли хавфсизлик бўйича етарли билимга эга бўлмаган шахслар ҳисобланади. Психологик омиллар ҳам муҳим рол ўйнайди: одамларнинг ахборот технологияларидан хабардорлик даражаси пастлиги ёки импульсив қарорлар туфайли фирибгарлик қурбони бўлишади. Шу билан бирга, ижтимоий муҳандислик методлари (масалан, phishing, social engineering) жабрланувчи хатти-ҳаракатларини бошқариш орқали жиноятчининг мақсадига эришишига имкон беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, киберфирибгарликларда жабрланувчи фақат рақамли саводсиз шахс эмас; у кўпинча ижтимоий муҳандислик босими остида қарор қабул қилади. Масалан, 2024 йилда FBI Internet Crime Complaint Center (IC3) маълумотларига кўра, phishing, маълумот ўғирлаш ва шахсий маълумотлар бузилиши бўйича жами 859 532 тага яқин мурожаат қайд этилган бўлиб, уларнинг 147 000 дан ортиқ жабрланувчилари 60 ёшдан катта шахслар бўлган, улар жами 4,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ зарар кўрган. Бу эса жабрланувчиларнинг ёш гуруҳи, рақамли саводхонлик ва ижтимоий хавфсизликка таъсир кўрсатишини намоён этади⁷.

Кибержиноятлар кўпинча латент бўлиб қолади, чунки улар тармоқ орқали аноним тарзда содир этилади ва жиноятчи ўз изини яширади. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд тизимларида кибержиноятчилар профилини аниқлаш қийинлиги, етарли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда жабрланувчиларнинг жиноят содир бўлган заҳоти ёки қисқа муддат ичида жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслиги латентликни оширувчи муҳим омиллардир.

Илмий тадқиқотларда фирибгарлик механизмнинг марказий элементи сифатида жиноятнинг содир этиш усули алоҳида аҳамият касб этади. С. Ураловнинг таъкидлашича, фирибгарлик шундай ташкил этиладиги, жиноятчи аввало жабрланувчининг ишончини қозонади, сўнг уни муайян фактлар юзасидан чалғитади ва натижада жабрланувчи ўз мулкни ихтиёрий равишда топширади. Бунда жабрланувчи кўпинча фирибгарлик содир этилганини дарҳол англамайди, балки маълум вақт ўтгачина тушунади. Айнан шу вақт оралиги жиноятчига мулкни тўлиқ эгаллаш, шунингдек, жиноят изларини яшириш ёки йўқ қилиш имконини беради⁸.

Шу сабабли, кибержиноятчиларни профилинг қилиш муҳим аҳамият касб этади. Кибержиноятчиларни профилинг қилиш – бу жиноят содир этилган муҳит, жиноят усули ва шахсий хусусиятлар асосида жиноятчининг хулқ-атворини, мотивларини ва демографик атрибутларини аниқлашга қаратилган криминалогик-техник ёндашув бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тергов ва профилактика фаолиятида қўлланилади. Ушбу методлар кибержиноятчиларни аниқлаш, уларнинг такрорий хатти-ҳаракатларини олдиндан баҳолаш ва жиноятга қарши чоралар ишлаб чиқиш имконини беради⁹.

Кибержиноятчиларни ўрганишда бир нечта асосий усуллар қўлланилади. Дедуктив профилинг усулида жиноят содир бўлган ҳолат асосида шахснинг демографик маълумотлари, шахсий хусусиятлари ва хавфли хатти-ҳаракатлари аниқланади. Индуктив профилинг эса бир гуруҳ шахсларнинг хулқ-атвори ва мотивларини таҳлил қилиб, умумий хусусиятлар ва тенденцияларни аниқлайди. Шу билан бирга, хулқ-атвор таҳлили (behavioural analysis) кибержиноятчиларнинг ҳаракатлари ва уларнинг мотивларини чуқур ўрганишга ёрдам беради. Географик профилинг усули эса жиноят содир бўлган ҳудуд ва тармоқдан келиб чиққан маълумотларни статистик таҳлил қилиш орқали жиноятчи манзилни ёки фаол ҳудудларини аниқлашга хизмат қилади. Охириги усуллар, яъни psycho-linguistic ва crime script analysis, жиноятчининг қарорларини ва хатти-ҳаракатларини босқичма-босқич таҳлил қилиш орқали жиноят жараёнини яхшироқ тушунишга имкон беради¹⁰.

Ўзбекистонда ахборот тизимларидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этиш жиноятлари Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми “г” банди билан тартибга солинади. Ушбу модда молия, банк муассасалари, фондлар ва бошқа мулкни алдов йўли билан, компьютер техникаси, алоқа воситалари, планшет ёки шунга ўхшаш техник қурилмалар орқали манипуляция қилиш йўли билан талон-торож қилишни назарда тутди. Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг 17-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қароридан мазкур жиноятни бошқа ўғирлик турларидан ажратишда жабрланувчининг алдов ёки ишончининг суиистеъмол қилиниши оқибатида мулкни

ахборот технологиялари ёрдамида ихтиёрий равишда айбдор эгалига ўтказиш шarti мавжудлиги тушунтирилади.

Жиноят кодексига мувофиқ, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик учун айбдор шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 168-моддаси фирибгарликни “алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини эгаллаш” сифатида таърифлайди. Профессор М.Рустамбаев шарҳларига кўра, фирибгарликнинг объектив белгиси алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш орқали жабрланувчининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини эгаллашдан иборат.

Бунда асосий жиҳатлар қуйидагилар:

1. Алдаш: Жабрланувчини чалғитиш ва унинг ихтиёрий равишда мулкни топширишини таъминлаш мақсадига ҳақиқатни яшириш, фактларни бузиб кўрсатиш ёки ёлғон маълумот беришни ўз ичига олади. Бу фаол (ёлғон маълумот бериш) ва пассив (ҳақиқатни яшириш) шаклларда амалга оширилади. Кўпинча алдаш келгусидаги фактлар ёки ўз ниятларини яширган ҳолда берилган ёлғон ваъдаларни ҳам қамраб олади.

2. Ишончини суиистеъмол қилиш: бу ҳолатда жиноятчи мулк эгасининг ишончига таянган ҳолда, қонунга хилоф равишда ўз фойдасига мулкни олишга ҳаракат қилади. Ишончга асосланган муносабатлар шартномалар (ижара, олти-сотди, топширик) ёки шахсий муносабатлар (дўстлик, қариндошлик, хизмат) орқали юзага келиши мумкин. Фирибгар ниятига эришиш учун у бу муносабатлардан фаол фойдаланади.

Мулк жиноятчига ўтган ва мулкни тасарруф қилиш имконига эга бўлган пайтдан жиноят тугалланган ҳисобланади. Жиноятчининг субъектив томони эса тўғри қасд ва ғараз мақсадга асосланган бўлиб, у жабрланувчини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш билан амалга оширилади.

Бироқ, киберфирибгарликларнинг криминалогик ва технологик мураккаблиги уларни фақат умумий фирибгарлик таркиби доирасида баҳолаш етарли эмаслигини кўрсатади. Амалиётда айнан “ахборот технологияларидан фойдаланиш” белгиси билан боғлиқ квалификация масалалари, жиноятни исботлашдаги техник қийинчиликлар ҳамда суд амалиётида ягона ёндашувнинг йўқлиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Киберфирибгарликнинг асосий хусусияти шундаки, жиноятчи одатда ўз ҳаракатларини яшириш ва изларини йўқотиш имкониятига эга. 85–97% тармоқлардаги ҳужумлар аниқланмай қолади, айниқса жиноятчи аноним серверлар, ргоху ва гетейеглардан фойдаланган ҳолларда. Бундан ташқари, жиноятлар кўпинча бир нечта давлатлар ҳудудига содир бўлади, бу эса трансмиллий ҳамкорлик ва халқаро маълумот алмашинувини талаб қилади. Амалиётда жиноятчини аниқлаш ва жабрланувчини аниқлаш қийин бўлади, чунки лог-файллар ва IP манзиллар кўпинча хорижий серверларда сақланади, шунингдек, жиноятчи компьютер технологиялари ва тармоқларни яхши билади¹¹.

Бироқ суд-тергов амалиётида мазкур белгини аниқлаш ва баҳолаш доим ҳам бир хил ёндашув асосида амалга оширилмаяпти. Айрим ҳолатларда жиноят фақат умумий фирибгарлик сифатида квалификация қилиниб, ахборот технологияларининг

жиноят содир этишдаги ҳал қилувчи роли етарли даражада инobatга олинмайди. Бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ акс эттирмасликка ҳамда адолатли жазони белгилашда муаммолар юзага келишига олиб келмоқда. Электрон далилларни йиғиш ва жиноятчини аниқлаш, айниқса хорижий серверлар ва аноним воситалар ишлатилган ҳолларда, мураккаб бўлади. Шунингдек, полиция ва суд органларининг технологик тайёргарлиги етарли эмаслиги муаммо сифатида қолмоқда, чунки жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш учун компьютер тармоқлари, серверлар ва телекоммуникация тизимларини тушуниш зарур.

Шу ўринда киберфирибгарликларни квалификация қилишда энг долзарб масалалардан бири — “ахборот технологияларидан фойдаланиш” белгисининг мазмунини аниқлаш ва уни амалиётда тўғри қўллаш билан боғлиқ муаммолардир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахборот ва сунъий интеллект технологиялари жиноятларни амалга оширишда нафақат қулай восита сифатида, балки уларнинг хавф даражасини оширувчи омил сифатида ҳам ишлатилмоқда. Масалан, дипфейклар, чат-ботлар ва бошқа сунъий интеллект воситалари фирибгарлик ҳаракатларини шахсийлаштириб, аноним ва оммавий кўринишга келтиради, бу эса жиноятларнинг жамиятга зарар кўрсатиш даражасини оширади.

Шу боис, ахборот технологияларини жиноятларда қўллаш ҳолатлари фақатгина жиноят содир этилганда жинoий жавобгарликка тортиладиган механизм сифатида кўриб чиқилиши керак. Автоном тарзда технологияларни криминализация қилиш мантиқсиз бўлиб, улар – жиноят воситасидир. Шу билан бирга, АТТ ва сунъий интеллектни қўллаш жиноятнинг оғирлигини оширувчи ҳолат сифатида ҳам баҳоланади ва бу ҳолатни квалификациялашда ёки жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятлар, яъни кибержиноятларга қарши кураш сезиларли даражада кучайтирилмоқда. Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ва бошқа масъул давлат органлари томонидан кибержиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш механизмлари жорий этилган. Жумладан, банклар ва тўлов тизими операторлари ахборот хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиши, мижозлар маблағларини ҳимоя қилиши, шубҳали операцияларни тезкор блоклаши мажбурий этиб белгиланган. Кибержиноятлар содир этишда ишлатилган банк карталари, электрон ҳамёнлар ва SIM карталар учун жинoий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилган. Шунингдек, аҳолининг кибермаданиятини ошириш ва молиявий фирибгарликнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот дастурлари ва тезкор маълумот алмашиш платформалари жорий этилган¹².

Бироқ, тизимлар ва платформалар интеграцияси, тезкор маълумот алмашиш механизмлари ҳамда кибержиноятларни фош этиш жараёнларида амалий қийинчиликлар, ходимлар малакасининг етарли эмаслиги ва аҳоли кибермаданияти даражасининг пастлиги каби масалалар ҳанузгача мавжуд. Шу сабабли, фақат норматив-ҳуқуқий чоралар етарли эмас, улар билан бирга илмий ёндашувлар, малака ошириш курслари ва кенг тарғибот-ташвиқот ишлари орқали киберхавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва молиявий фирибгарликни камайтириш муҳимдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар сонияда дунё бўйлаб 5-7 нафар фуқаро тўлов карталари орқали виртуал фирибгарлик қурбонига айланади ва бу фирибгарлик натижасида юзлаб миллион сўмлик зарар етиши мумкин.

Бундай жиноятлар аноним, масофадан туриб ва технологик воситалар орқали содир этилиши сабабли латентлик даражаси юқори бўлади. Киберфирибгарликларни аниқлаш ва тергов қилиш махсус кримнологик ва технологик билимларни талаб қилади: вирусларнинг яратилиши ва тарқалиш механизмлари, фирибгарларнинг маблағни олиш ҳамда тарқатиш схемалари, шунингдек, молия институтлари ва телекоммуникация операторларидан маълумот олиш зарур.

Фойдаланувчилар фирибгарликларидан сақланиш учун қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш муҳим: антивирус дастурларидан фойдаланиш, шубҳали хабарларни очмаслик, сайт манзилни текшириш, хавфсиз бўлмаган саҳифалар орқали тўловларни амалга оширмаслик ва битта карта билан барча тўловларни қилмаслик.

Ҳуқуқий жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик учун жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш каби жиддий жавобгарликни белгилайди. Шу билан бирга, киберфирибгарликни аниқлаш ва олдини олишда халқаро ҳамкорлик, илғор технологик воситалардан фойдаланиш ҳамда фуқароларни молиявий саводхонликка ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Жасурбек САТТАРОВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура факультети катта прокурори,*

Моҳинур МИРКОМИЛОВА,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bada, M., & Nurse, J.R.C. (2020). Profiling the Cybercriminal: A Systematic Review of Research. University of Cambridge & University of Kent.
2. Europol. (2014). Internet organised crime threat assessment (IOCTA) 2014: Chapter 3.6 – Fraud and social engineering. Retrieved from <https://www.europol.europa.eu/iocta/2014/chap-3-6-view1.html>
3. Anti-Phishing Working Group. (2024). APWG Q3 Report: Phishers target victims in new intrusive and menacing ways. Retrieved from <https://apwg.org/apwg-q3-report-phishers-target-victims-in-new-intrusive-and-menacing-ways/>
4. Metaverse Post. Retrieved from <https://mpost.io/uz/glossary/phishing/>
5. 99 Global Phishing Statistics & Industry Trends (2023–2025) (2025). ControlD. Retrieved from <https://controld.com/blog/phishing-statistics-industry-trends/>
6. Social Engineering Statistics (2025). Gitnux. Retrieved from <https://gitnux.org/social-engineering-statistics/>
7. Peralta, E. (2025, April 23). FBI reports record-high internet crime losses in 2024. Axios. <https://www.axios.com/2025/04/23/fbi-internet-crime-loss-record-high-2024?>
8. Uralov, S. S. (2024). Analysis of fraud committed through information technologies. International Journal of Law and Criminology, 5(8), 52–56. <https://theusajournals.com/index.php/ijlc/article/view/6726/6260>
9. J. Lickiewicz. Cyber crime psychology-proposal of an offender psychological profile. Problems of forensic sciences, pages 239–252, 2011.
10. Bada, M., & Nurse, J.R.C. (2020). Profiling the Cybercriminal: A Systematic Review of Research. University of Cambridge & University of Kent.
11. Ivashin, D. V. (2008). Мошенничество, совершаемое с использованием сети Интернет [Fraud committed with the help of the Internet]. Научный портал МВД России. <http://www.mvd.ru/>
12. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti. (2025, April 30). Axborot texnologiyalari yordamida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risida [PQ-153-son qaror]. Lex.uz. <https://lex.uz/ru/docs/-7511145>

АЁЛНИ ЭРГА ТЕГИШГА МАЖБУРЛАШ ЁКИ ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: *Ушбу мақолада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, мажбурий никоҳга қарши курашиши ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантиришининг қанчалик муҳим эканлигига эътибор берилди. Шунингдек, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки тўсқинлик қилиш жиноятининг ҳуқуқий асослари ҳамда аёллар эркин турмуш куриши ҳуқуқининг бузилиши ёки мажбурий никоҳларга йўл қўйилиши каби жиноятларнинг содир қилиниши ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолари ўрганилди. Ушбу муҳим масала юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, мамлакатимиз жиноят қонунчилиги тизимида уни ривожлантириши юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *оила, никоҳ, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш, эрга тегишга тўсқинлик қилиш, мажбурий никоҳ, аёлларга нисбатан зўравонлик, гендер тенглик, никоҳ эркинлиги.*

Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг турмушга чиқишига тўсқинлик қилиш жинояти - бу шахснинг шахсий эркинлиги, ижтимоий ҳуқуқлари ва инсон шаънига қарши содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Мазкур жиноятнинг моҳияти шундаки, у аёлнинг ўз хоҳиш-иродасига зид равишда, турмуш куришга мажбурлаш ёки у истаган шахс билан никоҳ тузишига сунъий тўсқинлик қилиш шаклида намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенглигини қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ушбу жиноят алоҳида модда сифатида киритилиши шундан далолат беради.

Мазкур жиноят учун жавобгарлик ўрнатиш зарурати бир неча асосий омиллар билан боғлиқ. Хусусан, аёлнинг розилигисиз турмушга чиқариш - инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши бўлиб, бу нафақат шахсий фожа, балки жамиятда аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий мақомига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бундай ҳолатлар кўпинча оилавий зўравонлик, руҳий тушкунлик, ҳаттоки ўзини ўзи ўлдирishi каби оғир оқибатларга олиб келади.

Бундан ташқари, гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарурати ҳам бунда бош омиллардандир. Чунки Ўзбекистон БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси (CEDAW) га 1995 йилда қўшилган ва унга мувофиқ, давлат аёлларнинг никоҳ тузишдаги ихтиёрийлик ҳуқуқини кафолатлашга мажбурдир.

Сўнги йилларда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий ҳимояси масалаларида сезиларли ютуқларга эришилаётган бўлса-да, 2022–2023-йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган мониторингларда аёлларнинг розилигисиз турмуш куришга мажбурланиш ҳолатлари ҳануз айрим ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда учраётгани қайд этилган. Масалан, 2023 йилда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида рўй берган бир нечта ҳолатларда вояга етмаган қизлар ўз розилигисиз никоҳга мажбурланган ва бу ҳолат прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган ҳолатда кўриб чиқилган.

Яна бир муҳим ҳолат, айрим ҳолларда аёлларнинг эркин турмуш куришига диний ёки урф-одатларга асосланган босимлар билан тўсқинлик қилинмоқда. Бу ҳолат, айниқса, “номус” ва “оила шаъни” каби тушунчаларга таяниб, уларнинг шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқларини чеклаб қўяди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, аёлларни эрга мажбуран чиқариш ёки эркин танловига ғов бўлиш ҳолатларига фақат жиноий эмас, балки ижтимоий ва маданий муаммо сифатида ҳам қаралиши керак.

Жиноят кодексига ушбу ҳаракат учун белгиланган жазо нисбатан енгил (жарима ёки озодликни чеклаш) бўлгани сабабли, ҳуқуқшунослар

ва гендер экспертлари бу жиноят учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус институтлар ва механизмларни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидламоқдалар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиб бораётган бўлсада, айрим ҳудудларда ҳали ҳам мажбурий никоҳ, ёш қизларни эрта турмушга бериш ёки аёлнинг розилигисиз уни турмуш куришга мажбурлаш каби салбий ҳолатлар қузатилмоқда.

Бундай ҳолатлар бевосита ушбу жиноятнинг латент бўлиб қолаётганлигидан далолат беради. Чунки юртимиздаги аксарият аҳоли буни ижтимоий хавfli қилмиш деб ҳисоблашмайди, ҳатто қизлар ҳам буни ўзларига нисбатан жиноят деб ҳам баҳолашмайди. Бу эса унинг яширин бўлиб қолишига хизмат қилади.

Зўравонлик ҳолатларини яшириш ёки бу борада сукут сақлаш ҳолатлари ҳам муаммонинг илдиз отиб, кенг тарқалишига олиб келмоқда. Аёлларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқлансада, жамиятдаги ижтимоий босим, уялиш ҳисси ёки яқинларининг салбий муносабати сабабли улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга журъат қила олмайди. Натижада мажбурий никоҳ ва босимга асосланган турмуш ҳолатлари очиқ юзага чиқмай, яширин бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни мустаҳкамлаш, аёл ва қизларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганлиги ҳаммага маълум.

Мамлакатимизда аёлларнинг шахсий ҳуқуқлари, хусусан, уларнинг ўз ихтиёри асосида турмуш куриш ҳуқуқини таъминлаш масаласи мустақиллик йилларидан буён ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда долзарб мавзу бўлиб келмоқда. Ушбу жиноят Жиноят кодексининг 136-моддаси билан алоҳида тартибга солинган бўлиб, мазкур нормаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, уларнинг амалиётда қўлланишини таҳлил қилиш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, ҳар бир юртда оила мустаҳкам бўлса, юртнинг тинчлиги ҳам равнақи ҳам ошиб бораверади.

Бу борадаги ҳуқуқий асослар сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Оила кодекси, “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги Қонун, шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш миллий стратегияси” муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барчаси фуқароларнинг шахсий ҳаётга дахл қилмаслиқ, никоҳга эркин розилик принципини таъминлаш ва мажбурий никоҳларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Сўнги йилларда ушбу йўналишда халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлилий тадқиқотлар ҳам мавзунинг ижтимоий долзарблигини тасдиқлайди. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан эълон қилинган ҳисоботларда аёлларни

мажбурий турмуш қуришга ундаш ёки уларнинг эркин танловини чеклаш ҳолатлари ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида талқин қилинган.

БМТ томонидан Аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш декларацияси (1967 й.) ҳамда Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларини бартараф этиш ҳақидаги конвенция (1979 й.) қабул қилинган. Айнан иккинчи ҳужжатда аёлларнинг коллектив ва индивидуал ҳуқуқлари ҳимояси масаласига кучлироқ урғу берилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена халқаро конференцияси Бош Ассамблеяга аёлларга нисбатан зўравонлик ҳақида декларация қабул қилишни таклиф қилди ва мамлакатларни бундай шармандалар ҳолат билан курашишга чорлади. 1993 йилнинг 20 декабрида "Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш" ҳақида декларация қабул қилинди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар БМТ органларига инсон ҳуқуқлари борасида тақдим этилган ҳисобот маърузаларига аёлларга нисбатан зўравонлик ва унга қарши кўрилаётган чораларга оид маълумотлар, шунингдек, мазкур масаладаги тенденциялар таҳлилин ҳам киритиши лозим бўлди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик масалалари юзасидан махсус маърузачи тайинланди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқлари учун миллий ва халқаро миқёсда амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлардан қатъи назар, маиший зўравонлик, тажовузлар, иш ҳақларидаги номутаносиблик, меҳнат ҳуқуқларининг камситилиши каби муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Аёлларни ўз ихтиёрига зид равишда турмуш қуришга мажбурлаш ёки ўз танлаган инсони билан оила қуришга тўсқинлик қилиш – бу нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам жиддий ижтимоий хавфга оид бўлган ҳаракат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасида ушбу ҳаракат жиноят сифатида белгиланган.

Мазкур ижтимоий хавфли қилмишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасида қандай ҳуқуқий тартибга солиниши ва унга нисбатан белгиланган жавобгарлик чоралари таҳлилига тўхталсак.

АҚШда аёлни мажбурий никоҳга мажбурлаш ёки унинг эркин никоҳ тузишига тўсқинлик қилиш инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида қаралади. Федерал даражада бу ҳаракат алоҳида жиноят деб белгиланмаган бўлсада, у одам савдоси (Trafficking Victims Protection Act, 2000), мажбурий меҳнат ёки вояга етмаганлар билан ноқонуний никоҳ доирасида баҳоланади.

Tahirih Justice Center томонидан 2011 йилда ўтказилган миллий сўровда аниқланишича, АҚШда мажбурий никоҳ хавфи остида қолган 3.000 дан ортиқ ҳолат қайд этилган. 2021 йил ҳолатига келиб, АҚШнинг 45 та штатида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг никоҳ тузиши қонуний тарзда рухсат этилгани аниқланган бўлиб, бундай ҳолат вояга етмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига, уларнинг соғлом ривожланиши ҳамда шахсий дахлсизлигига бевосита таҳдид солувчи омил сифатида эътироф этилади. АҚШ Олий суди *Loving v. Virginia* (1967) ишида никоҳ эркинлиги конституциявий ҳуқуқ эканлигини эътироф этган. Шунингдек, АҚШ Давлат Департаменти томонидан юритиладиган *Forced Marriage Initiative* дастури орқали жабрланувчиларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Буларнинг барчаси мажбурий никоҳга қарши тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

АҚШда мажбурий никоҳ ҳолатларининг кўпайиб бариши жиноят деб тан олинсада, уларнинг олдини олишда ягона федерал қонун доирасидаги ёндашув етарли эмаслиги сақланиб қолмоқда. Шу сабабли *Forced Marriage Initiative* каби дастурлар орқали АҚШ Давлат департаменти ва ноҳукумат ташкилотлари жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигида ҳам аёлни мажбурий равишда турмушга чиқишга ундаш ёки унинг эрга чиқишига тўсқинлик

қилишга инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида қаралади. Бу ҳаракатлар Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 126-моддаси "Шахсни озодликдан маҳрум қилиш" ҳамда 133-моддаси "Мажбурий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундаш" билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Гарчи алоҳида АҚШ давлатидаги каби "мажбурий никоҳ" моддасига эга бўлмасда, мажбурий равишда никоҳ тузишга ундаш зўравонлик, психологик босим ёки одам савдоси элементлари орқали амалга оширилса, бу жиноят ҳисобланади.

Германияда мажбурий никоҳ жинояти Жиноят кодексининг 237-моддаси орқали тартибга солиниб, жисмоний таъийқ билан бир қаторда психологик босим, оилавий ва ижтимоий мажбурлаш ҳолатлари ҳам жиноят таркибига киритилган.

Буюк Британияда 2014 йилда қабул қилинган "Мажбурий никоҳга қарши қонун" асосида жиноятчиға 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланган ва суд томонидан махсус ҳимоя ордерлари чиқариш амалиёти мавжуд.

Никоҳ эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминоти замонавий демократик жамият ва ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар бир инсон, шу жумладан аёлнинг ўз ихтиёри билан никоҳ тузиш ёки кирмаслик ҳуқуқига эга экани халқаро ва миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган. Бироқ амалиётда айрим ҳудудларда мажбурий никоҳлар, аёлнинг ўз истагига зид равишда турмушга берилиши ёки никоҳ тузишига сунъий тўсиқлар қўйилиши каби ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 136-моддасида аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, мазкур нормаларнинг амалдаги татбиқи етарли самарадорлик бермаётгани аниқланган. Чунки мазкур норма жиноятнинг барча шаклларини тўлиқ қамраб олмади ва мажбурий никоҳ ҳолатларини аниқлаш механизмлари чекланган.

Шу сабабли психологлар ёрдамида мажбурий никоҳларни олдини олишга қаратилган "Никоҳ розилигини психологик баҳолаш тизими" лойиҳасини ишга тушириш лозим.

Шунингдек, ёшлар кўмагида мажбурий никоҳга қарши ташвиқот олиб бориш ҳамда халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали мажбурий никоҳнинг олдини олиш мумкин. Зеро ҳанузгача мажбурий никоҳ баъзи инсон наздида жиноят эмас деб туюлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ЖК 136-моддасига мажбурий никоҳни содир этишда психологик ва ижтимоий босим воситалари орқали зўрлаш каби нормани киритиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистонда мажбурий никоҳ ҳолатларини олдини олиш, аёлларнинг никоҳ эркинлигини таъминлаш ва жиноят жавобгарлигини халқаро стандартларга яқинлаштириш, шунингдек гендер тенглиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим қафолатларидан бири ҳисобланади.

Отабек ТОШЕВ,

*Одил судлов академияси ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
2. Севара Ишмуратова "Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари: халқаро тажриба", <http://nhrc.uz/oz/articles/aellarning-a-uulari-halalo-tazhriba>
3. М.Х.Рустамбаев Жиноят кодексига шарҳлар "Yuridik adabiyotlar publish" 2023
4. <https://www.state.gov/forced-marriage>
5. "Уголовный кодекс Российской Федерации" № 63-ФЗ от 13.06.1996. Совет по правам человека при Президенте РФ, 2013 й йил ҳисоботи.
6. Омбудсман 2022–2023 йиллар ҳисоботлари – www.omбудсман.uz

МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада маҳкумларни топшириш институтининг тарихий генезиси ва эволюцияси комплекс тадқиқ этилган. Унда милоддан аввалги қадимги Шарқ ва антик Рим даврларидан бошлаб, ўрта асрлар, Вестфал тизими, XX аср глобаллашуви ва XXI аср постмодерн давлатчилиги шароитигача бўлган узок тарихий давр қамраб олинган. Хулосалар замонавий шароитда бу институтнинг янада такомиллашуви учун назарий-ҳуқуқий асос яратади ва амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: маҳкумларни топшириш, экстрадиция, халқаро жиний ҳамкорлик, суверенитет, Вестфал тизими, Европа ҳибс ордери, глобаллашув, трансмилий жиноятчилик.

Қадимги Шарқ ва антик Рим ҳуқуқида жиноятчиларни топшириш амалиёти

Қадимги Шарқда жиноятчиларни топшириш амалиёти кўпинча сиёсий мақсадларга хизмат қилган ва ҳукмдорларнинг мутлақ ихтиёрига асосланган эди. Қадимги даврларда топшириш ҳеч қандай ҳуқуқий қоидаларга амал қилмаган, балки суверен ҳукмдорнинг чексиз ихтиёрига қолдирилган юқори сиёсий ҳаракат деб ҳисобланган (Max Planck Encyclopedias of International Law). Ҳукмдорлар паноҳ бериш ёки шахсларни топшириш масаласида ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилганлар. Бу амалиёт кўпинча сиёсий қочоқларга нисбатан қўлланилган бўлиб, оддий жиноятчиларнинг қочиши халқаро миқёсда уюшган чора-тадбирларни талаб қиладиган хавф деб қаралмаган.

Антик Рим ҳуқуқи жиноятчиларни топшириш масаласига ўзига хос ёндашуви намоён этган. Нуссбаум (1952) таъкидлашича, Рим республикаси даврида Сенат томонидан халқаро шартномани тасдиқламагани учун музокара-ларни олиб борган Рим вакили қарши томонга топширилган. Бу амалиёт Римнинг халқаро мажбуриятларга жиддий муносабатини кўрсатади ва кейинчалик юридик жавобгарлик концепциясининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Қизиги шундаки, Рим ҳуқуқи айрим ҳолатларда ўз фуқароларини ҳорижий судларга ёки қамоққа топширишни талаб қилган, бу амалиёт фуқаролар устидан давлат мажбуриятлари устунлигини ифодалаган (William Jullié, Juliette Fauvarque (n.d.)).

Қадимги Юнонистонда ҳам шунга ўхшаш амалиётлар мавжуд бўлган. Юнон шаҳар-давлатлари ўртасида жиноятчиларни топшириш масаласида турли шартномалар тузилган аммо бу шартномалар кўпинча сиёсий паноҳ ва диний паноҳ масалалари билан мураккаблашган. Юнон демократияси паноҳ ҳуқуқини муҳим инсоний қадрият деб ҳисоблаган ва кўпинча сиёсий қочоқларни топширишдан бош тортган. Бу аъёна кейинчалик сиёсий жиноят истисноси доктринасининг шаклланишига таъсир кўрсатган.

Ўрта асрлар Европаси ва ислом ҳуқуқида институтнинг ривожланиши

Ўрта асрлар даврида Европа ва ислом дунёси ўртасидаги муносабатлар жиноятчиларни топшириш институтининг ривожланишига ўзига хос таъсир кўрсатган. Ричард Потз (2011) таъкидлашича, VIII асрдан XVIII асргача давом этган зиддиятларга қарамасдан, тинчлик даврларида жадал савдо алоқалари ва ғоялар билан ҳуқуқий институтларнинг ўзаро таъсири кўзатиш мумкин. Ислам давлатлари ва христиан денгиз кучлари ўртасида тузилган шартномалар Ўрта ер денгизи савдо ҳуқуқининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган ва қадимий ҳуқуққа асосланган ҳамда ислом ҳуқуқи томонидан янада такомиллаштирилган эди.

Исламда жиноят ҳуқуқи мураккаб ва кўп қиррали тизимни ифодалаган. Рабб (2022) таъкидлашича, ўрта асрлардаги ислом жиноят ҳуқуқи шубҳа ва енгиллаштириш юриспруденциясини ўзида акс эттирган принциплар ва назорат ҳамда қаттиқлик сиёсатини намоён этувчи амалиётлар ўртасида зиддиятни ифодалаган. Ислам жиноят ҳуқуқи принциплари талқин қилиш ваколлатини илоҳий матнларни ўқиш учун тажриба орттирган олимлар-фақиҳлар гуруҳига берган. Амалда эса, ижро этувчи органлар - халифалар, султонлар ва уларнинг вакиллари сиёсат доирасида қонунни татбиқ этиш ваколлатига эга бўлганлар.

Ўрта асрлар Европасида жиноятчиларни топшириш амалиёти асосан феодал иерархия тизими доирасида амалга оширилган. Феодаллар ўртасида маж-

буриятлар тизими мавжуд бўлиб, у баъзан жиноятчиларни топшириш масалаларини ҳам қамраб олган. Норман Сицилияси истисно ҳол бўлиб, у араб-норман аралаш ҳуқуқий тизимга эга бўлган ва бу ҳуқуқий тизимнинг Норман Англиясига таъсири олимлар томонидан кўп муҳокама қилинмоқда (Ричард Потз, 2011).

Вестфал тизими ва миллий суверенитет парадигмасида трансформация

1648 йилги Вестфал тинчлик шартномалари халқаро ҳуқуқ тарихида ҳал қилувчи воқеа бўлиб, замонавий халқаро муносабатлар тизимининг пойдеворини яратган. Вестфал тинчлиги дипломатик конгресс орқали эришилган тинчликнинг прецедентини яратди ва Европада биргаликда мавжуд бўлган суверен давлатлар концепциясига асосланган сиёсий тартибнинг янги тизимини ўрнатди (Encyclopaedia Britannica, 2024). Бу шартномалар нафақат Ўттиз йиллик урушни (1618-1648) ва Саксон йиллик урушни (1568-1648) тугатди, балки халқаро ҳуқуқ тизимида янги босқич бошланишини белгилади.

Вестфал тизими асосида ривожланган суверенитет принципи халқаро ҳуқуқда ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди устида мустақил эканлиги тамойилидир. Бу принцип француз мутафаккири Жан Боденнинг давлат назарияси ҳамда табиий ҳуқуқ асосида шаклланиган. Шартномаларга кўра, барча томонлар 1555 йилги Аугсбург тинчлигини тан олишлари, асосий эмас мазҳаблардаги христианларга ўз эътиқодини амалга ошириш кафолати берилиши ва ҳар бир томоннинг ўз ерлари, одамлари ва чет элдаги вакиллари устидаги мустақил суверенлиги эътироф этилиши керак эди (Encyclopaedia Britannica, 2024).

Суверенитет концепциясининг ривожланиши жиноятчиларни топшириш институтига кучли таъсир кўрсатган. Давлатлар ўз ҳудудлари доирасида ички ишларни мустақил тартибга солиш ҳуқуқига эга бўлди ва бу принцип жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам қўлланилди. Вестфал шартномаси суверенитет, воситачилик ва дипломатия концепцияларини жорий этиши билан замонавий халқаро муносабатларнинг бошланиши деб қабул қилинади (Yarprak Akkaya, 2025).

Суверенитет парадигмасининг ривожланиши билан жиноятчиларни топшириш амалиёти янада мураккаблашди. Фуқароларни топшириш истисноси биринчи марта XVII асрда қўлланилган бўлса-да, бу принцип XIX асргача континентал Европада самарали тарзда тарқалмади. XVIII ва XIX асрларда давлатлар ўртасида кўплаб икки томонлама шартномалар тузилиб, улар топшириш шарт-шароитлари, топшириш учун зарур бўлган далиллар, кўш жиноятчилик принципи ва бошқа муҳим масалаларни аниқлади (Dildora, U. 2022).

XX-XXI асрларда глобаллашув шароитида институционал ўзгаришлар

XX аср жиноятчиларни топшириш институтида туб ўзгаришлар даврига айланди. Жиний жазо чораларини бажарадиган шахсларни бир давлатдан иккинчисига ўтказишга имкон берадиган махсус ҳуқуқий ҳужжатлар ажаблантирарли даражада яқинда пайдо бўлган (UNODC). Бунинг сабаби XIX аср халқаро муносабатларини шакллантиришда давлат суверенитети доктринасининг устунлиги ва жиноят ҳуқуқи соҳасида унинг муҳим роли бўлган.

1983 йил 21 мартда Страсбургда имзоланган ва 1985 йил 1 июлда кучга кирган Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Конвенция ушбу соҳада бирин-

чи кенг қамровли халқаро ҳужжат бўлди. Конвенция адолат мақсадларига эришишни кўзлаган бўлса-да, у асосан маҳбусларнинг ижтимоий реабилитациясини осонлаштиришга қаратилган. Конвенция бир неча муҳим принципларни ўрнатди: топшириш иккала давлатнинг розилигига боғлиқ; маҳқум шахснинг розилиги мажбурий; топшириш жазо чорасини чиқарган давлат ёки маҳқум шахс фуқароси бўлган давлат томонидан сўралиши мумкин.

1985 йилда БМТ конгресси чет элда маҳбус бўлган шахсларни топшириш тўғрисида намунавий битим қабул қилди (UNODC, Handbook. 2012). Бу ҳужжатлар икки томонлама ва кўп томонлама битимлар учун намуна бўлиб хизмат қилди. Глобаллашув жараёнлари трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига олиб келди. Жамес Форест (2020) таъкидлашча, глобаллашув трансмиллий уюшган жиноятчилик тармоқлари учун фойдали бўлган ва барча мамлакатларда халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёж ортди.

Замонавий глобал тартиб шароитида янги тенденциялар

XXI аср замонавий глобал тартиб шароитида маҳқумларни топшириш институтида туб янги тенденциялар шаклланди. Европа ҳибс ордери 2004 йил 1 январдан барча аъзо давлатларда кучга кирди ва давлатлар ўртасида мавжуд бўлган узоқ экстрадиция процедураларини алмаштирди. Европа ҳибс ордери судлов қарорларининг ўзаро тан олинishi принцигига асосланган бўлиб, бу барча ЕИ аъзо давлатларида суд органлари ўртасидаги бевосита алоқалар орқали амалга оширилади (European e-Justice Portal).

Европа ҳибс ордери тизими бир неча революцион янгиларни киритди. 32 та жиноят категориялари учун қўш жиноятчилик текшируви талаб этилмайди. Бу аънавий экстрадиция тизимида асосий талаблардан бири бўлган қўш жиноятчилик принцигидан воз кечишни ифодалайди. Тизим қатъий муддатларни ўрнатди: шахс ҳибс қилингандан кейин 60 кун ичида якуний қарор қабул қилиниши керак (European e-Justice Portal).

Бироқ, Xanthopoulos (2022) таъкидлашча, айрим аъзо давлатларга ишончсизлик шароитида Европа ҳибс ордери ижро этишда асосий ҳуқуқларнинг мавқеи мустаҳкамланди. Европа Адолат суди Aranyosi ва Căldăraru ишларида қамоқ шароитларига "кўр ишонч" рад этилиши мумкинлигини қарор қилди. Ўзаро тан олишнинг миллий суверенитетга таъсири жуда юқори бўлиши мумкин (Blocs SA, van den Brink T. 2021).

Европа Комиссияси кўрсатишча, ЕИ маҳбусларни ўз мамлакатларига қайтариш ва жазоларини у ерда ўташларини осонлаштиришга қаратилган. Европа Комиссияси 2022 йил 8 декабрда судгача қамоққа олинган гумон қилнувчиларнинг процессуал ҳуқуқлари ва моддий қамоқ шароитлари бўйича Тавсияни қабул қилди, бу маҳбусларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Европа минимал стандартларини таъминлайди.

Замонавий глобал тартиб шароитида минтақавий ва глобал жиноий адолат институтиларининг ривожланиши маҳқумларни топшириш институтига янги ўлчамларни қўшди. Халқаро жиноят трибуналлари даврида "топшириш ёки судлов" принципи кенг маънода талқин қилиниши мумкин, у давлатнинг шахсни Халқаро жиноят суди каби халқаро органнинг юрисдикциясига ўтказиш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади (Final Report of the International Law Commission. 2014).

Рақамлашув ва киберфазонинг ривожланиши аънавий ҳудудий юрисдикция принципларига янги муаммоларни келтирди. Criminal Division (2025) маълумотларига кўра, 2018 йилда АҚШда CLOUD акти қабул қилинди, бу электрон маълумотларга тезроқ кириш имконини беради. Расмий ҳамкорлик йўлларининг мураккаблиги уларни кўпинча самарасиз қилганлиги сабабли, ноформал механизмлар ҳам ривожланмоқда (Von Dandurand, Jessica Jahn. 2021).

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, маҳқумларни топшириш институтининг узун ва мураккаб эволюцияси халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши, давлат суверенитети концепцияларининг ўзгариши ва инсон ҳуқуқлари стандартларининг такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқ. Тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон беради.

Биринчидан, маҳқумларни топшириш институти қадимги Шарқ ва антик Рим даврларидан бошлаб ўзининг босқичма-босқич ривожланиш йўлини босиб ўтган. Қадимги даврда бу амалиёт асосан сиёсий характерга эга бўлиб, ҳукмдорларнинг мутлақ ихтиёрига асосланган. Рим ҳуқуқи эса биринчи бор муайян ҳуқуқий тартиб-қоидаларни жорий этган, аммо тизимли механизм ҳали шаклланмаган.

Иккинчидан, ўрта асрлар Европаси ва ислом дунёсида институт турли йўналишларда ривожланган. Ислам ҳуқуқида жиноятларнинг мураккаб турланиш тизими мавжуд бўлган, аммо давлатлараро топшириш масаласига аниқ меъёрлар ишлаб чиқилмаган. Европада феодал тизим шароитида топшириш амалиёти асосан иерархик мажбуриятларга асосланган.

Учинчидан, 1648 йилги Вестфал тизими миллий суверенитет парадигмасини шакллантириб, маҳқумларни топшириш институтига туб таъсир кўрсатди. Суверенитет принципи давлатларнинг ўз жазо тизимларини мустақил бошқариш ҳуқуқини таъкидлаб, топшириш масаласини мураккаблаштирди. Шу билан бирга, давлатлар ўртасида икки томонлама шартномалар тузилиши бошланди.

Тўртинчидан, XX асрда институт институционаллашувнинг янги босқичга кирди. 1983 йилги Европа конвенцияси ва 1985 йилги БМТ намунавий битими маҳқумларни топшириш учун халқаро стандартларни белгилади. Глобаллашув трансмиллий жиноятчиликнинг кучайишига олиб келиб, халқаро ҳамкорлик зарурлигини янада оширди.

Бешинчидан, постмодерн давлатчилик шароитида Европа ҳибс ордери каби янги механизмлар аънавий экстрадиция тизимларини тубдан ўзгартирди. Бу механизмлар суверенитет, ўзаро ишонч ва инсон ҳуқуқлари ўртасида янги мувозанат қидиришга қаратилган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, маҳқумларни топшириш институти доимий трансформация жараёнида бўлиб, унинг ривожланиши халқаро муносабатлар тизимининг эволюцияси билан бевосита боғлиқдир. Келажакда инсон ҳуқуқлари стандартларининг юксалиши, рақамлашув жараёнларининг чуқурлашуви ва янги турдаги трансмиллий жиноятларнинг пайдо бўлиши бу институтининг янада такомиллашувига олиб келади. Асосий вазифа жиноий судловни таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасида мувозанатни топишдир.

Олим САИДОВ,

Тошкент давлат юридик университети

Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти в.б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Blakesley, C. L. (1981). The practice of extradition from antiquity to modern France and the United States: A brief history. Scholarly Works, 317. <https://scholars.law.unlv.edu/facpub/317/>
2. Blocs SA, van den Brink T. The Impact on National Sovereignty of Mutual Recognition in the AFSJ. Case-Study of the European Arrest Warrant. German Law Journal. 2021; 22(1):45-64. doi:10.1017/glj.2020.99 <https://www.cambridge.org/core/journals/german-law-journal/article/impact-on-national-sovereignty-of-mutual-recognition-in-the-afsj-casestudy-of-the-european-arrest-warrant/3F66E3F3BFF13BA082CD4A449535A72E>
3. Cervasio, C. E. (1999). Extradition and the International Criminal Court: The future of the political offense doctrine. Pace International Law Review, 11, 419-456. <https://digitalcommons.pace.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1241&context=pilr>
4. Convention on the Transfer of Sentenced Persons. (Strasbourg on 21 March 1983). No. 25703. Convention on the transfer of sentenced persons. Concluded at Strasbourg on 21 March 1983 | United Nations iLibrary
5. Web-site Council of Europe. Transfer of sentenced persons - PC-OC. <https://www.coe.int/en/web/transnational-criminal-justice-pcoe/transfer-of-sentenced-persons>
6. Criminal Division. (2025, March 17). International. U.S. Department of Justice. <https://www.justice.gov/criminal/international>
7. Detention and transfer of prisoners. (n.d.). European Commission. https://commission.europa.eu/law/cross-border-cases/judicial-cooperation/types-judicial-cooperation/detention-and-transfer-prisoners_en
8. Dildora, U. (2022). International Cooperation In Criminal Matters (Based On The Analysis Of German And Uzbek Legislation). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 2(1.4 Legal sciences).
9. European Commission. https://commission.europa.eu/law/cross-border-cases/judicial-cooperation/types-judicial-cooperation/european-arrest-warrant_en
10. European e-Justice Portal. https://e-justice.europa.eu/90/EN/european_arrest_warrant

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Расмий маълумотларга кўра, 2025 йил ноябрь ҳолатига кўра ўзбек меҳнат мигрантларининг халқаро пул ўтказмалари ҳажми 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг энг йирик экспорт маҳсулоти ҳисобланган олтин савдосидан ҳам юқори бўлиб, инсон капиталининг иқтисодий қиймати қанчалик юқори эканини яққол кўрсатади.

Таққослаш учун, 2025 йилнинг биринчи ярмида мамлакат томонидан 6,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридан олтин, 1,8 млрд. АҚШ долларлик саноат маҳсулотлари, 1,26 млрд. АҚШ долларлик тўқимачилик ва пахта маҳсулотлари ҳамда 847 млн. АҚШ доллари миқдоридан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Ушбу рақамлар фониди меҳнат мигрантлари томонидан юборилаётган пул ўтказмалари Ўзбекистон иқтисодиётида стратегик аҳамият касб этаётганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда миграция жараёнлари мамлакатлар, жамиятлар ва мигрантларнинг ўзлари учун бир қатор имкониятлар яратмоқда. Аҳолининг кўчиши, бандлик, хавфсизлик, чегара назорати каби масалалар миграцияни муҳим сиёсий ва иқтисодий кун тартибига олиб чиқмоқда. Хорижга ишчи кучи экспорти эса ички меҳнат бозоридаги босимни камайтириш ва аҳолининг даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг миграция салоҳияти юқори: мамлакат аҳолиси 37 миллиондан ошиб, ҳар йили қарийб 1 миллион кишига кўпайиб бормоқда. Ушбу демографик ҳолат табиий равишда меҳнат миграцияси оқимининг кенгайишига олиб келмоқда. Фуқаролар эса юқори даромадли, хавфсиз ва барқарор меҳнат шaroитларини таклиф этувчи давлатларни афзал кўрмоқда.

Ривожланган давлатлар арзон ва малакали ишчи кучига эҳтиёж сезса-да, улар, асосан, қонуний ва тартибли меҳнат миграциясини қўллаб-қувватлашга интиломоқда. Қонуний миграция механизмларининг ривожланиши яширин иқтисодиётнинг олдини олади, одам савдоси ва мажбурий меҳнат хавфини камайтиради ҳамда мигрантларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда ташкилий меҳнат миграциясини ривожлантириш, халқаро меҳнат шартномаларини кенгайтириш ва мигрантларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, ноқонуний миграция муаммоси глобал миқёсда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат нафақат мигрантлар юборувчи давлатларни, балки қабул қилувчи ривожланган мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда. Масалан, АҚШ ҳукумати Мексика чегараси орқали ноқонуний кириш хо-



латларига нисбатан қатъий чораларни кучайтирмоқда. МДХ доирасида эса ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Дунё давлатлари ушбу муаммоларга қарши самарали механизмларни жорий этмоқда. Жумладан:

- Германияда қонуний меҳнат визалари тизими кенгайтирилган ҳолда ишчи кучига бўлган эҳтиёж қондирилмоқда;

- Жанубий Кореяда Э-9 тизими орқали хорижий ишчилар тартибли ва шаффоф асосда жалб этилмоқда;

- Россияда меҳнат патенти тизими жорий этилиб, мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми расмийлаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат миграцияси Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнамоқда. Пул ўтказмалари ҳажмининг юқорилиги инсон капиталининг стратегик аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Шу билан бирга, миграция жараёнларини тартибли ва қонуний йўлга қўйиш, ноқонуний миграция хавфларини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда миграция сиёсатини изчил такомиллаштириш Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хизмат қилмоқда.

Сардор НИШОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Миграция агентлиги бош мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОМИССИЯВИЙ ВА КОМПЛЕКС ЭКСПЕРТИЗАСИНING ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ўзбекистонда комиссиявий ва комплекс экспертизалар тушунчаси ҳамда турлари, уларнинг юридик мақоми, амалий тажрибаси ва уларга тегишли қонунчилик муҳокама қилинади. Фойдаланилган манбаларга таянган ҳолда мавжуд муаммолар тадқиқ этилиб, амалий ҳаётдан мисоллар келтириш орқали бу масалалар очиб берилди. Натижада амалиётни такомиллаштириш бўйича қонунчилик таклифлари ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: комплекс экспертизаси, суд экспертизаси, эксперт хулосаси, ЖПК, эксперт, услубий қўлланма.

Ўзбекистонда суд экспертизаси бир нечта суд-эксперти томонидан ўтказилиши мумкин. Жиноят-процессуал кодексининг 176¹-моддасига кўра, экспертиза бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) ихтисосликка эга бир неча эксперт томонидан ўтказилиши мумкин. Ҳудудимиз қонунчилигида ҳам “комиссиявий экспертиза” ва “комплекс экспертиза” тушунчалари мавжуд. Масалан, 2010 йилда қабул қилинган “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида суд экспертизаси бир хил (комиссиявий) ёки турли хил (комплекс) ихтисосликдаги бир нечта суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин экани белгиланган.

Комиссиявий экспертиза — бир хил ихтисосликдаги бир нечта эксперт (ёки суд эксперти) иштирокида ўтказиладиган экспертиза тури. Унда ҳар бир соҳа эксперти топширилган масалани алоҳида кўриб чиқиб, текширувларни тўлиқ ҳажмда ўтказди ва олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади. Яъни комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда ҳар бир эксперт текширувларни мустақил равишда бажаради, сўнгра умумий хулоса ёки унга имконият бўлмаса хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат тузади. Агар экспертлар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлса, улар ҳар бири ўзи масъул бўлган масалалар бўйича алоҳида хулосалар тайёрлайди. Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида ҳам комиссиявий экспертизасини ўтказиш тартиби белгиланган.

Комплекс экспертиза — ҳолатларни аниқлаш учун турли илмий йўналишлардан фойдаланиш керак бўлган махсус тайинланган экспертиза тури. Бу турда бир нечта экспертлар ўзларининг ваколат доирасида текширишлар олиб боради. Масалан, бир гуруҳ фармацевт ва бир гуруҳ техника мутахассислари биргаликда фойдаланилган воситанинг ҳам доривор, ҳам физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш учун комплекс текшириш ташкил этиши мумкин. Комплекс экспертизанинг хулосасида ҳар бир эксперт қайси текширувларни амалга оширган ва қандай хулосага келгани аниқ кўрсатилади. Ҳар бир эксперт ўз қисмини имзолайди ва унга жавобгар бўлади. Умумий фикр ва баҳолаш эса тўпланган барча маълумотларнинг асосида тайёрланади. ЖПКнинг 178-моддасида комплекс экспертизанинг мазмуни бундай: “Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча эксперт текширувини ўтказиш йўли билан аниқлаш мумкин бўлган ҳолатларда тайинланади”. Фуқаролик процессуал кодекси 101-моддасида ҳам куйидагича кўрсатиб ўтилган: “Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга эга ҳолатларни турли билим соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир нечта текшириш ўтказиш йўли билан аниқлаш

мумкин бўлган ҳолатларда тайинланади”. Шу тарзда, ҳар икки ҳужжатда ҳам комиссиявий ва комплекс экспертизалар бир хил ёки турли ихтисосликдаги экспертизалар сифатида фарқланади.

Мутахассис ва суд эксперти тушунчаларининг айрим терминологияларида тафовутлар мавжуд. Жиноят ишларида терговчи ва суд экспертлари, фуқаролик ишларида эса тажрибали ходимлар иштирок этади. Бироқ улар комиссиявий ёки комплекс экспертизасига жалб қилинганда амалий жиҳатдан ўхшаш усуллар қўлланилади. Ҳар ҳолда, ҳар қандай экспертиза қонунчилик ва амалиёт талабларига риоя қилган ҳолда, экспертнинг мустақиллиги ва ҳолислиги асосида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон суд-экспертиза тизимида Президент қарори (№ ПҚ-4125, 17.01.2019)га мувофиқ нодавлат эксперт ташкилотларини ташкил этишга рухсат берилиб, улар томонидан махсус рўйхат бўйича баъзи экспертиза турларини ўтказиш ҳуқуқи тақдим этилди. Бу 2017–2021 йилларга мўлжалланган жадал ривожлантириш Стратегияси ва эксперт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари концепциясини амалга ошириш учун зарур қадам бўлди.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда бир неча суд экспертизаси марказлари тузилган бўлиб, уларнинг ҳудудий бўлимлари вилоятларда ташкил этилган.

Бу фаолият вилоятлардаги суд экспертлик муассасалари тармоғини кенгайтириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини яратишга қаратилган. Шу билан бирга, суд-экспертизаси тизимида кадрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилдаги ПФ-6256 фармони билан 2021–2025 йилларга мўлжалланган суд-экспертизаси тизимини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Унда, “суд экспертларининг мустақиллиги ва ҳуқуқий билимларини ошириш”, “суд экспертизасининг сифат ва ишончилигини ошириш”, “илмий-тадқиқот ишларни ривожлантириш” каби йўналишлар устувор деб белгиланди.

Шу тариқа, комиссиявий ва комплекс экспертизалар Ўзбекистонда қонунчилик, Президент фармонлари ва ҳуқумат қарорлари ёки Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Суд экспертизаси тўғрисида”-ги Қонун ва тегишли низомлар билан тартибга солинган. Уларнинг амалиёти ҳозирда, комиссиявий ва комплекс экспертизаларни барча давлат, сертификатланган нодавлат суд-экспертиза ташкилот (муассаса)лари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида ўтказилади.

Юқорида қайд этилган ютуқларга қарамай, амалий тажриба шуни кўрсатадики, комиссиявий ва комплекс

экспертизалар ўтказиш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, комплекс ва комиссиявий экспертизалар учун саволларни тўғри белгилашда қийинчиликлар юзага келади. Амалиётда судья ва терговчилар кўпинча экспертларга бериладиган саволлар сони ва ҳажмини аниқ белгилай олмайди. Бунда йўналиш ва доира нотўғри белгиланиши натижасида ёки энг кўп учрайдиган ҳолларда саволлар нотўғри тузилиши экспертизанинг натижасига таъсир қилади. Бу эса жараённинг бошида аниқлик бўлмаса, ҳулосанинг ишончли ва тўғри бўлишини кафолатлаш қийинлигини кўрсатади. Яъни экспертизадан олдин масала ва саволларни шакллантириш жараёнида бўлган вазифалар тўлиқ бажарилмаслиги айрим ҳолларда экспертиза зарур бўлмаган саволларга жавоб беришга сабаб бўлади. Натижада экспертизалар муддати узайиши ёки қайта экспертизаларга эҳтиёж туғилиши мумкин.

Иккинчидан, муттахассислар етишмаслиги ва тажриба камлиги устувор муаммо саналади. Суд экспертизаси соҳасига оид юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ ёки чет жойларда юқори малакали суд экспертизани топиш қийин, натижада бутун мамлакат бўйлаб муҳим экспертизалар асосан марказ ва йирик шаҳарлардаги марказий суд экспертиза ташкилот (муассаса)ларига тўпланади.

Бу эса юкломани оширади ва ҳулоса чиқариш муддатини узайтиради. Мутахассисларнинг малакасини ошириш тизими ҳам етарли даражада ривожланмаган. 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияда профессор ва олимларни жалб этиб илмий-услубий раҳбарлик қилиш, мутахассисларни тайёрлаш ва малака ошириш каби вазифалар белгиланган бўлса-да, амалда бу жараён мулоқот асосида эркин амалга ошади. Масалан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза марказида ташкил этилган илмий-тадқиқот институти фақат 15 штат бирлигидан иборат бўлиб, у ҳам барча муаммоларга ечим топишга қодир бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун экспертлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими замонавий инновацияларга тўла жавоб берадиган даражага кўтарилиши лозим.

Учинчидан, суд экспертиза ўтказиш учун зарур техник ва методик база комплектацияси етарли даражада эмас. Ходимлар кам ҳамда нодавлат ташкилотларининг махсус лаборатория ускуналари эскирган ҳолда. Ускуналарнинг замонавий йўналиши, методик расмийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган ёки уларни ўтказиш учун талабчан экспертлар етарли эмас. Бу ҳолат экспертизалар сифати ва ишончилигини пасайтиради. Концепцияда ҳам бу йўналишда сифат ва ишончни ошириш вазифаси белгилаб қўйилган бўлса-да, амалий режа ва молиялаштириш асосида таъминланганлиги ҳисоботи расман эълон қилинган йўқ.

Тўртинчидан – ҳуқуқий меъёрларнинг тўлиқ ва изчил қўлланмаслиги. Шунингдек, прокуратура, суд ва адвокатларнинг ҳам суд экспертизалардаги камчиликлар ҳақида шикоятлари мавжуд. Масалан, баъзи ҳолларда суд томонидан тайинланган экспертизанинг давомийлиги, амалга оширилаётган текширув усуллари, ихтисослашув даражаси тўғрисида маслаҳатлашувлар ўтказилмаганлиги ҳақида

даъволар пайдо бўлади. Баъзан маҳкум ёки айбланувчи ўз томонидан алоҳида экспертизалар (муқобил экспертизалар)ни талаб қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошира олмайди.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари орқали муқобил экспертизага мурожаат қилиш имконияти очилган бўлса-да, ҳали ҳам бу механизмдан кенг фойдаланилмаяпти.

Бешинчидан – ўқув-услубий адабиётлар ва илмий-тадқиқотлар етишмаслиги. Суд экспертизаси соҳасидаги илмий-тадқиқотлар сони чекланган, мавжуд тадқиқотлар эса кўпроқ умумий муаммолар йўналишида олиб борилган. Масалан, охириги йилларда бир қатор мақолалар экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги муаммоларни кўтарди, аммо уларда суд амалиётидаги халқаро қиёсий таҳлил етишмайди. Амалиётда аниқ мисоллар ҳақида очиқ маълумотлар жуда кам. Шу муносабат билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза марказида ташкил этилган илмий-тадқиқот институти тизимли ривожлантириш орқали “суд экспертизаси соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар” ишлаб чиқиш белгиланган, лекин бу ҳали реал амалий натижагача етиб бормади.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда комиссиявий ва комплекс экспертизалар амалиётида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган тизим бўлса-да, унинг самардорлигини ошириш ва замонавийлаштиришда бир қатор етишмовчиликлар мавжуд. Бу камчиликларни ҳал этиш учун суд ижроия органлари, илмий жамоатчилик ва амалиётчилар билан фаол ҳамкорликда ишлар олиб боришлари зарур.

Суд экспертизаси масалалари бўйича илмий-амалий адабиётларда ҳам юқоридаги масалалар акс этган. Масалан, суд-экспертизага бағишланган илмий журналларда экспертизани тайинлаш, методология ва амалиётидаги муаммолар таҳлил қилинган. Уларнинг баъзилари худди шу юзасидан таҳлил олиб бориб, айрим ечимларни таклиф қилган. Шундай мақолалардан бирида, комиссиявий ва комплекс экспертизаси экспертлари томонидан олинadиган техник саволларни тўғри белгилаш ва натижаларни тўғри талқин қилиш қийин экани таъкидланган. Илова сифатида, халқаро тажрибага қиёсан, жавобгарликни ошириш ва экспертларнинг мустақиллигини таъминлаш зарур эканлиги таъкидланади. Қисқача айтганда, илмий адабиётларда ҳам суд экспертизаси жараёнида юз берадиган қатор муаммолар (яъни савол берилиш жараёни, экспертлар малакаси, лаборатория ресурслари ва бошқа) қайд этилган.

Амалий мисоллар кўп ҳолда маҳаллий нашрларда ёки суд ишларида очиқ муҳокама қилинмайди. Шу сабабли ҳозирча аниқ бир иш тафсилотлари билан мисол бериш қийин. Бироқ юртимиздаги суд-иқтисодий амалиётида учраб турган ҳолатлар орқали ушбу муаммоларни кўриб чиқиш мумкин. Масалан, жиноят ишларида бир ҳолатда бир қанча экспертлар тайинланган, аммо улар эксперт ҳулосасини бериш пайтида айрим саволлар бўйича келишиб олган, айримларида эса қарама-қаршиликка дуч келган. Бу ҳолда ҳар бир суд экспертизанинг алоҳида ҳулосалари ҳам қабул қилинган. Бошқа бир мисолда эса, жиноят ишларидан бирида лаборатория ускунасининг панд бериши натижасида

ДНК экспертизасини олиб бориш имконсиз бўлган ва суд ҳукми шунинг учун кейинга қолдирилган. Бундай воқеалар суд-экспертизасининг сифатини таъминлашда техник жиҳатлар ҳамда тайинлаш тартибининг аҳамиятини очиб беради.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаоллашгач баъзи фуқаролик ишларида томонлар экспертизани хусусий ташкилотларга ҳам топширган ҳолатлар учрайди. Бу ҳоллардан келиб чиқиб, нодавлат ташкилотлар орқали шаклланаётган муқобил экспертиза институтлари имкониятларни янада кенгайтирмоқда.

Таҳлиллардан кўринганидек, Ўзбекистонда комиссиявий ва комплекс экспертизаларнинг ҳуқуқий базаси ва институтлари шаклланган бўлса-да, уларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш учун бир қатор чоралар зарур. Булар куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Қонунчиликни такомиллаштириш: ЖПК, ФПК ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги комиссиявий ва комплекс экспертиза нормаларини янада аниқлаштириш. Мисол учун, экспертларнинг мустақиллиги ва ҳолислиги кафолатларини кучайтириш, яъни қонун ҳужжатларида ушбу талабларга алоҳида имкон бериш. Қонунчиликда процесс иштирокчилари томонидан муқобил экспертизани тайинлаш ҳуқуқлари тўлиқ белгиланиши керак. Шунингдек, экспертизани қайта ўтказиш тартиби ҳақида қонун даражасида тўлиқ йўриқнома киритиш зарур.

Таълим ва малака оширишни кучайтириш: Судья, прокурор, терговчи ва адвокатлар учун савол бериш ва берилган ҳулосани текшириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тавсия этилади. Бу соҳадаги кадрлар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш мақсадида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд экспертларини қайта тайёрлаш тизими мустаҳкамланиши лозим.

Шу мақсадда илмий-услубий семинарлар, кадрлар алмашиш ва хорижда стажировка дастурлари ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Илмий-тадқиқот фаолиятини кучайтириш: Суд-экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқотларни олиб бориш зарур. Масалан, институтнинг асосий йўналишлари қаторида "суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш", "қонунчилик, услуб ва регламентларни такомиллаштириш", "суд-экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқларини жорий этиш" каби вазифалар бор. Илмий-изланишлар натижасида ягона методик қўлланмалар ишлаб чиқилиб, экспертизалар даражаси бир кўринишга келтирилиши керак. Шу билан бирга, халқаро тажриба асосида янги турдаги экспертизалар жорий этилиши лозим.

Нодавлат суд-экспертлик секторини ривожлантириш: Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур. Институт кўрсаткичларини ошириш мақсадида улар ижтимоий ҳамкорлик асосида лаборатория жиҳатидан ривожлантирилиши ва техник базаси такомиллаштирилиши зарур. Судлар томонидан тўғри йўлга қўйилган тизимда, тарафларга ўз экспертларини жалб қилиш имкониятини ҳам кенгайтириш керак.

Техника ва ресурслар базасини мустаҳкамлаш: Суд-экспертиза муассасалари лабораторияларини замонавий

ускуналар билан жиҳозлаш жараёни жадаллаштирилиши лозим. Бунда ҳозирги кунда дунёда қўлланилаётган электроника, генетика, восита таҳлили каби ускуналар олиб келиниши, экспертизани автоматлаштириш ва ахборот тизимлари жорий этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, суд-экспертизаси идораларининг моддий-техника базасини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик режалари ишлаб чиқилиши мақбул.

Сифат кафолатини кучайтириш: Суд экспертизаси сифатини назорат қилиш механизминини янада кучайтириш зарур. Масалан, мустақил аудит, эксперт ишлари бўйича комиссиялар ташкил этиш ёки суд экспертизаси ходимлари меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини ошириш лозим. Суд экспертизаси ҳулосаларига нисбатан шикоятлар ва апелляция тартибини янада такомиллаштириш ҳақида қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ушбу таклифлар амалиётда илгари сурилган долзарб вазифалар билан уйғун тарзда, яқин йилларда қабул қилинган стратегик қарор ва концепцияга мос келади. Ҳулоса қилиб айтганда, комиссиявий ва комплекс экспертизалар Ўзбекистонда зарур қонуний асос ва институтларга эга, аммо унинг самарадорлигини ошириш учун илмий асосланган ислохотлар ўтказиш керак. Ушбу ислохотлар таркибига қонунчиликни яхшилаш, кадр тайёрлаш ва илмий-тадқиқотлар фаолиятини кучайтириш, замонавий техника-воситаларни жорий этиш, нодавлат секторини фаоллаштириш каби чора-тадбирларни жорий этиш лозим. Шундагина комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари нафақат қонунларга мувофиқ, балки халқимиз манфаати йўлида самарали амалга оширилиши таъминланади.

Алишер КУДАЙНАЗАРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ДХХ 52738 сонли
ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: "Адолат", 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуни. 2010 йил 01 июнь
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари. // www.supcourt.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6256-сон Фармони "Суд-экспертиза фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". – 2021 йил 6 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4125-сон Қарори "Суд-экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". – 2019 йил 17 январь
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №704-сон қарори "Суд-экспертиза муассасалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом". – 2022 йил 15 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №206-сон қарори "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Х. Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида" – 2017 йил 13 апрель
9. Валеев Д.Д. "Суд экспертиза: халқаро ва миллий ҳуқуқнинг қийсий таҳлили". – Москва: Юрайт, 2020.
10. OSCE Report on Forensic Science Reform in Central Asia. – Vienna: OSCE Press, 2020;
11. European Network of Forensic Science Institutes (ENFSI) Guidelines. – www.enfsi.eu;
12. The United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC) – "Guidelines for Forensic Evidence in Criminal Justice Systems", 2019.
13. Fair Trials International. "Expert Evidence in Criminal Justice: International Comparative Study". – London, 2020.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПҚ-33-сон қарорининг 2 ва 3-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий суд ишларини юритиш тартибига дастлабки эшитув қоидаларини жорий этиш назарда тутилган. Мазкур институтнинг жорий этилиши одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дастлабки эшитувни олиб бориш тартиби борасида хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон давлатларининг суд амалиётида дастлабки эшитув суд мажлиси тартибига ўтказилади.

Бироқ, Қозоғистон қонунчилигида келиб тушган ариза бўйича 10 кун ичида жавобгардан тегишли тарзда ёзма жавоб хати бериш талаб қилинади. Дастлабки эшитув ёзма ёки оғзаки тарзда олиб борилади. Ушбу тартиб Қозоғистон маъмурий қонунчилигининг ўзига хослигини белгилайди, бироқ жавобгардан ёзма тарздаги жавоб хатини олиш учун 10 кун муддат берилиши ишни ортиқча муддатга чўзилишига ҳам олиб келиши мумкин, ваҳоланки жавобгар жавоб хатини дастлабки эшитув тайинланган кунда ҳам олиб келиши мумкин.

Японияда эса кўп ҳолларда дастлабки эшитув тарафлар суд биносига таклиф этилади ва ушбу жараён суд залида эмас, балки юмалоқ стол атрофида (келишув хонасида) ҳамма тенг жойлашган ҳолда олиб борилади. Бундай усулда тарафларга суд залидаги босимни йўқотишга, ўзларини эркин ҳис қилган ҳолда барча маълумотларини ва далилларини келтиришлари мумкинлигига ишора қилинади.

Қирғизистон маъмурий процессуал кодексининг 125-моддасига кўра суд дастлабки суд мажлисини чақириш ажримда судья ишни суд муҳокамасига тайёрлайди ва ишда иштирок этадиган тарафларни белгилайди, агарда хабардор қилинган тарафларнинг бири дастлабки суд мажлисида иштирок этмаса бу ишни кўришда тўсқинлик қилмайди.

Шунингдек, дастлабки суд мажлиси давомида тегишли тартибда суд мажлис баённомасининг юритилиши Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларининг маъмурий қонунчилигида ўз аксини топган.

Ўқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, дастлабки эшитув тегишли тарзда ажрим чиқарилган ҳолда, белгиланган тарафларнинг иштироки таъминланган ҳамда суд мажлиси тартибига, суд мажлис баённомаси юритилган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дастлабки эшитувни олиб бориш муддати хорижий давлатларнинг суд амалиётида бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда ушбу муддатни белгиланган. Хусусан, Японияда ариза келиб тушгандан кейин 10 кун муддатда судья ишни тайёрлаб асосий суд муҳокамасига ўтказиши лозим.

Россияда эса, маъмурий судларга ариза келиб тушганидан сўнг, маъмурий ишни икки ой муддатда кўриб чиқиш лозим бўлади. Айрим тоифадаги ишлар учун эса бу муддат бир ойга қисқаради, масалан сайлов билан боғлиқ низоларда. Ушбу муддат ҳақидаги умумий қоидалардан келиб чиқиб судья дастлабки мажлисини ўтказиш вақтини белгилайди ва бунда умумий муддат ўтиб кетмаслиги керак.

Қозоғистонда мазкур ҳолатга бошқача тартиб белгиланган бўлиб, унда инвесторлар ва давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги маъмурий низоларда ариза берилган кундан бошлаб бир ой ичида дастлабки эшитув ўтказилиши керак.

Бизнинг суд амалиётимизда 2025 йил 30 январда қабул қилинган “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 33-сонли Президент қарорига кўра дастлабки эшитувни ўтказишга 20 кун муддат белгиланган. Мазкур муддат фикримизча тўғри белгиланган бўлиб, оқилона тарзда маъ-

кур муддатдан фойдаланилганда белгиланган барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги ҳамда лозим бўлса дастлабки эшитувни такроран ўтказишга ҳам шароит яратилади.

Дастлабки эшитувни жорий этишда белгиланган мақсадларга эришиш учун албатта судьяга тегишли хатти-ҳаракатларни олиб боришда ваколатлар бериш борасида ҳам хорижий мамлакатлар суд амалиётида турли ёндашувларни кўришимиз мумкин. Хусусан, Германия суд амалиётида дастлабки эшитув жараёнида судья иш ҳолатларига аниқлик киритишдан ташқари тарафларга берилган аризани қайтариб олиши мумкинлигини ҳам таклиф қилади. Агар дастлабки эшитувда судья аризани қайтариб олиш ёки ярашишни таклиф қилса, албатта тарафлар суддан танаффус беришини сўрашлари ва ушбу таклифни яхшилаб ўйлаб, ўзларининг адвокатлари билан маслаҳатлашиб жавоб беришлари ҳам мумкин, чунки суд мажлисининг давом эттирилиши тарафларнинг кўп вақт ва пул сарфлашига олиб келади. Гарчи Германия маъмурий қонунчилиги анча йиллардан буён ўз самарасини берган ҳолда суд амалиётида кенг қўлланилса ҳам, дастлабки эшитувни олиб боришда судья томонидан қилиниши керак бўлган ҳаракатлар, судьянинг ваколатлари кенг баён этилмаган, бу ўз навбатида айрим ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Қозоғистонда дастлабки эшитув жараёнида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркибини белгилаш масаласини ҳал этади, даъво муддати ўтказиб юборилган бўлса уни тиклаш масаласини кўради, агар даъво муддатини ўтказиш узрсиз деб топилса, шу босқичнинг ўзидаёқ суд даъво аризани қайтаради, шунингдек тааллуқлилиқ қоидаси бузилган ҳолатда ариза берилганлиги аниқланса ҳам ариза қайтарилмайди.

Қирғизистон маъмурий қонунчилигида эса бошқача тартиб ўрнатилган бўлиб, дастлабки суд мажлисида судья даъвогар ўз аризасидан воз кечадими, даъвони жавобгар тан оладими, тарафлар ўзаро келишадими йўқми шу каби масалаларни ҳам кўриб чиқади. Агар тарафлар ўз вазларидан воз кечиб, келишувга эришилмаса, унда суд:

1) Жавобгарнинг даъвога қарши эътирозларини ва талабларини аниқлайди ва даъвогар томонидан судга мурожаат қилиш муддати ўтказмаганлигини текширади.

2) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркибини белгилайди ҳамда даъвогар аризасини қўллаб-қувватлашини ва жавобгарга бу ҳақда хабар берилганлигини аниқлайди.

3) Низоли ҳал этишга керак бўладиган фактларни аниқлайди ва улардан қайси бирини тарафлар тан олишини, қайси бирини исботлаш лозимлигини белгилайди.

4) Тарафлар томонидан ўз эътирозномаларини тақдим этиш муддатларини белгилайди ва суд муҳокамаси учун муҳим бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Япония маъмурий қонунчилигида эса бошқа хориж давлатлардан фарқли равишда дастлабки эшитув жараёнида судья ўз фаол иштирокини таъминлаган ҳолда тарафлар ўртасидаги низоли масалани муҳокама қилишда қатнашади, аммо келтирилган далилларни олдиндан баҳолаш ҳуқуқига эга эмас ҳисобланади, тарафларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, асосий суд муҳокамасида ҳақиқатдан низоли масалаларни кўриб чиқишга эътибор қаратади, шунингдек ушбу жараёнда тақдим этилган далилларни вақтинча сақлаш учун олиб қўйиши ҳам мумкин ҳисобланади.

Бирок, Арманистон давлати қонунчилигида судья томонидан олиб борилиши керак бўлган ҳаракатлар аниқ ва кенгроқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра судья дастлабки суд мажлисида даъвонинг предмети ва асосларини аниқлайди, зарур ҳолларда тарафларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, процессуал ҳаракатларини амалга ошириш ёки қилмаслик оқибатларини тушунтиради, мунозарали ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти ва қўлланилиши керак бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар доирасини аниқлайди ҳамда суд муҳокамаси иштирокчилари ва суд муҳокамасида иштирок этувчи бошқа шахслар таркибини белгилайди.

Хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига қуйидаги янги моддаларни киритиш таклиф этилади:

140¹-модда. Дастлабки эшитувнинг ўтказиш тартиби.

Дастлабки эшитув тарафларнинг илтимосига кўра ёки суднинг ташаббусига кўра иш ҳолатлардан келиб чиқиб, суд мажлиси тартибига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Дастлабки эшитувни тайинлаш ҳақида ажрим чиқарилади, дастлабки суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи тарафларга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва уларнинг вакилларига тегишли тарзда хабардор қилинади. Агарда тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва уларнинг вакиллари тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсаю, лекин улар дастлабки суд мажлисига келмаса бу ҳаракат суд мажлисини ўтказмасликка сабаб бўлмайди.

Тегишли тарзда хабардор қилинган тарафлар суд биносига келиб ишда иштирок эта олмаган ҳолларда, улар видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланилган ҳолда ишда иштирок этишлари мумкин. Бунда албатта белгиланган тартибда дастлабки суд мажлис баённомаси юритилади.

140²-модда. Дастлабки эшитувни ўтказишда судья томонидан қуйидаги ҳаракатларни олиб бориши мумкин:

1. Аризачининг жавобгарга нисбатан қўйилган талабларини аниқлаштиради;
2. Судга мурожаат қилиш муддатини ўрганади, агарда ушбу муддат ўтказилган бўлса унинг сабабларини аниқлайди, бироқ ўтказилган муддатни узрли деб топиш ёки топмаслик асосларига суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилганда баҳо берилади;
3. Ишда иштирок этувчи ва одил судловни олиб боришда кўмаклашувчи шахслар доирасини белгилайди;
4. Жавобгарнинг ариза бўйича хабари борлигини текширади ва ушбу ариза талабини тан олиш ёки олмаслик бўйича фикрини эшитади;
5. Тарафларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ўз илтимоснома ва эътирозларини тақдим қилиш тартибини, процессуал ҳаракатларини амалга ошириш ёки қилмаслик оқибатларини тушунтиради;
6. Низони ҳал этишга керак бўладиган фактларни аниқлайди ва улардан қайси бирини тарафлар тан олишини, қайси бирини исботлаш лозимлигини белгилайди;
7. Мунозарали ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти ва қўлланилиши керак бўлган моддий ҳуқуқий ҳужжатлар доирасини аниқлайди;
8. Давлат божи масаласини муҳокама қилади;
9. Тааллуқлигига кўра ишни бошқа судга юбориш масаласини кўради;
10. Маъмурий ишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга иштирок этиш ҳуқуқини берувчи маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиш тартибини тушунтиради;
11. Ишни кўришда бошқа шахсларни жалб қилиш, нотўғри кўрсатилган жавобгарни алмаштириш, бир нечта аризаларни бирлаштириш ҳамда ажратиш масалаларни кўриб чиқади ва бошқа ҳаракатларни бажаради.

Барча процессуал тартибларнинг якунида маълум бир тарзда суд ҳужжати қабул қилинади.

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш кодексига қуйидаги янги моддани киритиш таклиф этилади:

140³-модда. Дастлабки эшитувда ишни кўрган судья ишнинг натижаси бўйича қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

- 1) Агар ишни суд мажлисида кўриш учун ҳар томонлама тайёр, деб ҳисобласа, ишни асосий суд муҳокамасига ўтказишга ажрим чиқаради;
- 2) Маъмурий ишни иш юритувидан тугатиш, бунда МСИЮТКнинг 108-моддасининг 1,2,3,4,5-бандлари назарда тутилади.
- 3) Аризани кўрмасдан қолдириш, бунда МСИЮТКнинг 105-моддасининг 1,2,4,5-бандлари назарда тутилади.
- 4) Маъмурий ишни иш юритувидан тўхтатиш;
- 5) Келтирган аризадаги талабларни ажратиш ёки бир нечта аризани бирлаштириш;
- 6) Маъмурий ишнинг тааллуқлигига кўра бошқа судга юбориши мумкин.

Зарур ҳолларда суд такроран дастлабки суд эшитувини чақириши ҳам мумкин.

Бунда ишнинг якуни бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, судлар фаолиятида ишни суд муҳокамасига ўтказишдан олдин, судга мурожаат қилган шахснинг аризасини чуқур ўрганишда, судда тарафларнинг ва тегишли иштирокчиларнинг иштирок этишини таъминлашда, аниқланган процессуал камчиликларни ўз жойида бартараф этишда, тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлашда ва ишнинг кейинги тақдирини белгилашда дастлабки эшитув институти асосий ўрин тутати. Бу эса суднинг янада самарали фаолият олиб боришида, одил судловни таъминлашда хизмат қилади. Шундай экан, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизда мос равишда тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Ситора САДРИДДИНЗОДА,

Самарқанд вилоят маъмурий суди судья катта ёрдамчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.01.2025 йилдаги ПҚ-33-сонли қарори / "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшмача чора-тадбирлар тўғрисида" <https://www.lex.uz/uz/docs/-7350794>
2. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 20.03.2025) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_176147/
3. Кодекс административного судопроизводства Республики Армения принят 28.11.2007г <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=3140&lang=rus>
4. Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 29 июня 2020 года № 350-VI ЗПК (с изм. и доп., вступ. в силу с 1 июля 2025 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35132264.
5. Административно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 20 января 2017 года № 6 (с изм. и доп., по состоянию на 28.02.2025 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38800804
6. Правила административного судопроизводства (VwGO) 21.01.1960 г. <https://www.ris.ba.gov.at/GeltendeFassung.wxe?Abfrage=Bundesnormen&Gesetzesnummer=20008255>
7. https://www-japaneselawtranslation-go-jp.translate.goog/en/laws/view/3781/en?_x_tr_sl=en&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&_x_tr_pto=sc
8. <https://admin-vshp.sot.kg/public/sites/3/2023/12/RASSM-SUDAMI-ADM-DEL-RUSSKIJ.pdf>
9. 民衆訴訟・機関訴訟(客観訴訟) <https://gyosyo.info/%E6%B0%91%E8%A1%86%E8%A8%B4%E8%A9%9F%E3%83%BB%E6%A9%9F%E9%96%A2%E8%A8%B4%E8%A9%9F%EBC%88%E5%AE%A2%E8%A6%B3%E8%A8%B4%E8%A8%9F%EBC%89/>
10. 行政事件訴訟法の基礎知識！客観訴訟とは？きたがわりこ https://www-foresight-jp.translate.goog/gyosei/column/objective-litigation/?_x_tr_sl=ja&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&_x_tr_pto=sc

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ (ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ)

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ижтимоий муҳофазалашнинг зарурати ва қонунчилик асослари, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг ривожланиш жараёнлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: пенсия, нафақа, кам таъминланган оила, ижтимоий ҳимоя реестри.

Маълумки – мустақилликнинг илк йилларидаги иқтисодий-ижтимоий вазият бозор муносабатларига ўтишнинг “Ўзбек модели”га асосланиб ижтимоий сиёсат юриштириш тақозо қилди. Аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат бозор муносабатларига ўтиш миллий моделида аҳоли қатламларини ижтимоий таъминлаш чора-тадбирларини устувор тамойил сифатида белгилаб олди.

Давлат ижтимоий сиёсатини юриштиришга масъул бўлган органлар тузилиб, бунда жамоатчилик ташкилотларининг ўрни ва ролига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

1993 йилда Ўзбекистонда фуқароларнинг барқарор давлат пенсия таъминоти тизими ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи инсоннинг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияда илк бор мустақамлаб кўйилди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқич, яъни ижтимоий ҳимоялаш воситасини чуқурлаштириш, уни ўзгартириб бораётган шароитларга мослаштириш зарурияти чинакамига етилди. Ижтимоий ҳимоялаш чоралари бутун аҳолига эмас, балки фақат шундай ҳимояга муҳтож бўлганларга нисбатан қўлланилиши ва бутун тизим сунъий тенгчилик ҳамда тайёрга айёрлик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши керак.

Шу тариқа ялпи ижтимоий ҳимоя тизимидан манзилли ижтимоий ҳимояга аста-секин ўтилди, ижтимоий муҳофазалаш давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари тизими тамомила қайтадан ислоҳ этилди, ижтимоий ҳимоянинг янги шакллари (моддий ёрдам, натура шаклида ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзлар бериш ва ҳ.к.) жорий этилиши билан биргаликда уни амалга оширувчи давлат органлари ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Ваколатларнинг муайян қисми нодавлат ташкилотларига, биринчи навбатда, ўзбек халқи жамоавий турмуш тарзини ифодаси бўлган маҳаллаларга — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилди. Бу тизим айниқса, кам таъминланган аҳоли тоифасини, кўп болали муҳтож оилаларни, меҳнатта лаёқатсиз фуқароларни, етим-есир ва ногиронларни аниқ манзилли ҳамда ишончли қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Олимларимиз қайд этганидек, ўша давр тақозоси билан “ҳамма-боп” ижтимоий ҳимоя модели бўлмагани” сабабли ислохотлар натижасида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялашга ўтилди ва “ижтимоий” деган термин тўла маънода ишлади, аҳоли орасида “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий таъминот” иборалари муомалага киритилди.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик мезонини белгиловчи ижтимоий хавф-хатар мезонларига касаллик, оналик (бола тарбияси), ногиронлик, кексалик, ишсизлик, боқувчисидан жудо бўлиш, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш, ҳомиладорлик, бола туғиш ҳодисалари киритилган.

О.М.Рогачевский қайд этганидек, “ижтимоий ҳимоя” ва “ҳуқуқий ҳимоя” ягона интеграллашган тушунча сифатида ягона ижтимоий институт – давлат сиёсатини англатади.

Дарвоқе, мамлакатда давлат ижтимоий сиёсати ўзбек моделининг ўзига хослиги шундан иборат бўлдики, кейинги йилларда ижтимоий сиёсат йўналишлари ва чора-тадбирлари кириб келган ҳар бир янги

календарь йил номланишига мувофиқ маъно-мазмун жиҳатидан мунтазам ўзгартирилди.

“Конституция куни” байрами арафасида ёхуд шу каби тадбирларни нишонлаш муносабати билан келадиган янги йил “Инсон манфаатлари йили” (1997), “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Оналар ва болалар йили” (2001), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002), “Меҳр-мурувват йили” (2004), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005), “Ижтимоий ҳимоя йили” (2007), “Ёшлар йили” (2008), “Баркамол авлод йили” (2010), “Мустақам оила йили” (2012), “Обод турмуш йили” (2013), “Соғлом бола йили” (2014), “Кексаларни эъзозлаш йили” (2015), “Соғлом она ва бола йили” (2016) каби номлар билан кутиб олинди.

Этиборлиси, бу аъёна кейинги йилларда ҳам давом этди ва ижтимоий сиёсат иқтисодий асосларини мустақамлашга аҳамият қаратила бошланди. Хусусан, 2017 — “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, 2019 — “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, 2020 — “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, 2021 — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”, 2022 — “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”, 2023 — “Инсонга этибор ва сифатли таълим йили”, 2024 — “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” дея номланди.

“Инсон – жамият – давлат” ёндашуви асосий мезонга айланиб, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган бош ғоя ижтимоий сиёсат юргизишда янги даврни очди.

Президент Ш.Мирзиёев қайд этганидек: “Инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир. Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилади. Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, қафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир” дея ижтимоий давлатга хос муҳим масалаларни санаб ўтди ва “ижтимоий давлатда ҳеч ким этибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди”.

Мазкур ғоя асосида ҳозирги босқичда Ўзбекистон кучли ижтимоий сиёсатни янада ривожлантириш йўлига ўтди. Ижтимоий ислохотлар эҳтиёжманд аҳолининг турмуш шароитини оширишга йўналтирилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва қонунчилик асослари замон талабларига биноан янгидан ислоҳ этилди.

Аввало, Конституция нормалари янгиланди ва тубдан ўзгарди. Асосий қонуннинг ижтимоий ҳуқуқларга бағишланган аввалги эски таҳрирдаги 36-42-моддалари янгиланган Конституциянинг 41-53-моддаларида ўз аксини топди. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид асосий қоидалар 7 та моддадан 13 тага кўпайди. Шундан, 7 та модда мазмунан бойитилган таҳрирда баён қилинди, қолган 6 та модда бутунлай янги киритилди.

Янги Конституция илгари назарда тутилмаган ижтимоий ҳимоянинг:

камбағалликни қисқартиришга оид муҳим қоидалари (43-модда); фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари қафолатлари (47-модда); соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг жорий қилиниши, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш (48-модда);

атроф-муҳит ва экологиянинг муҳофаза қилиниб, шаҳарсозлик фаолияти жамоатчилик назоратига олиниши, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш (49-модда);

олий таълим мақомини ошириш (51-модда) ва нихоят педагог ўқитувчилар меҳнатини конституцион даражада муҳофазалаш (52-модда) бўйича янги моддалар билан бойитилди.

Юртимизда ижтимоий ҳимоянинг конституциявий қафолатларини амалда таъминлаш мақсадида бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Улардан айримлари янги таҳрирда, бошқалари янги лойиҳалар сифатида ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, 1993 йилдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига йиллар давомида 30 дан зиёд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ёки “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси бутунлай янги таҳрирда қайта қабул қилинди.

Кучли ижтимоий сиёсат ренессанс даври 2017 йилдан бошланди. Жумладан, республикада 2030 йилларгача мўлжалланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий Стратегияси ва концепцияси қабул қилинди, аҳолини қайта рўйхатлаш ишлари олиб борилди, пенсия ва нафақа таъминоти такомиллашди, тадбиркорлик ва бизнес юришти шакллари ўзгариб, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари янада оширилди.

Ижтимоий ҳимоянинг эскирган ташкилий-бошқарув ва иқтисодий самарасиз бўлиб қолган усул-воситалари, бир сўз билан айтганда “тарқоқ тизим” тугатилиб, ягона ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилди. Тиббий-ижтимоий экспертиза, ногиронлиги бўлган шахсларга қўмаклашиш ва протезлаш, аёлларни ва одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ҳамда реабилитациялаш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ёрдам тизими, шунингдек уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати ва санаторийлар, болалар ва меҳрибонлик уйлари каби ижтимоий муассаса ва ташкилотлар Агентлик тизимида ўтказилди.

Ҳозирда ижтимоий сиёсат бўйича амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг қарийиб 14,1% улушини ташкил этувчи ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари таъминотини тўлиқ қамраб олмақда.

2021 йил 1 январдан бошлаб аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими амалиётга жорий этилди. 2025 йил 1 июнь кунидан “Камбағал оилалар реестри” ишга туширилиши режалаштирилди. Мазкур онлайн платформалар орқали ижтимоий таъминот йўлга қўйилди.

Хусусан, фуқароларнинг нафақа таъминоти тизими буткул такомиллаштирилди. Эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ, адолатли ва шаффоф қамраб олиш мақсадида 2024 йилдан реал вақт режимида ишлайдиган электрон онлайн тизимга ўтилди.

Бу борада ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган “Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низом, “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳудудларда ижтимоий хизматларни манзилли етказилишини таъминлаш ва аҳоли билан яқиндан ишлаш мақсадида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, секторлар ва “маҳалла еттилиги” ташкил этилди. Улар ёрдамида эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматлар ташкиллаштирилмоқда. Масалан, бевосита туманларда ташкил этилган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар орқали 2023 йилдан буён 50 га яқин ижтимоий хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Ижтимоий сиёсатни бевосита маҳаллада олиб боришда “Маҳалла еттилиги” кўмагидан фойдаланилмоқда. Унинг таркибиде давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари қатнашиб, ҳудуд аҳолисига 60 хил турдаги ижтимоий ёрдам чораларини кўрсатмоқда. Хусусан, аҳолига имтиёз ва ёрдам чоралари грант, субсидия, фойсиз ссуда, имтиёзли кредит, тўлов-контрактни тўлаб бериш, моддий ёрдам, ўқиш ва ижара учун компенсация, реабилитация воситалари билан таъминлаш, стационар ёки амбулатор даволаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, ҳатто гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик каби шаклларда амалга ошириб келинмоқда.

Бу эса ижтимоий ҳимоя бўйича Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тажрибаси ва модели ҳисобланади. Бу орқали маҳаллаларимизга хорижий мутахассисларнинг қизиқиши янада ортган.

Республика миқёсида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки ёлғиз қариялар бўйича маълумотлар базасини яратиш ва уларга қўшимча ижтимоий хизматларни етказиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишга туширилди. Дунёда аналогич бўлмаган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” юритилмоқда. Улар асосида аҳолига манзилли ижтимоий ёрдамлар ташкил этилмоқда.

Аҳолининг пенсия таъминоти ҳуқуқларини такомиллаштириш мақсадида пенсия қонунчилигига 60 га яқин ўзгартиришлар киритилди. Узоқ йиллар мобайнида пенсионерларни қийнаб келган айрим масалалар ечимини топди. Жумладан, 2019 йил 1 сентябрдан манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди. 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан — 12 баробаригача оширилди, 2025 йилдан ёшга доир пенсиялар проактив шаклда (яъни ариза билан мурожаат қилмасдан) амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли фаоллигининг ортиши мамлакат ижтимоий барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим омилларидандир. Бугунги Ўзбекистон дунёга очик мамлакат сифатида чиқди ва ўз ислохотларини изчиллик билан давом эттирмоқда.

Бекзод БАБАКУЛОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Usmanova M.A. O'zbekiston Respublikasida ijtimoiy himoyani tashkil etishning fuqarolik-huquqiy muammolari: yurid. fan. d-ri. ...dis. - Toshkent: TDYuL, 2006. - 72 b.
2. Bo'rieva M. O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti. - T.: TDYuL nashriyoti, 2011 yil. - 123 b.
3. Xojimatov M. Ijtimoiy himoya yili: mazmun va mohiyati. - T.: O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. 2007. - 20 b.
4. Саидов А.Х. Права человека. (Сборник международных договоров и Законов Республики Узбекистан). Том 1. - Т.: Шарк, 1995. - С. 10.
5. Рогачевский О.М. Социально-правовая защита военнослужащих пограничных органов и пограничных войск Федеральной службы безопасности и членов их семей: автореф...дисс.канд.юрим.наук. Москва. 2005 г. - С.11.

ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Экологик-ҳуқуқий низолар оддий хусусий-ҳуқуқий низолардан тубдан фарқ қилади. Улар нафақат аниқ шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, балки жамият, давлат ва келажак авлодларнинг манфаатларига ҳам дахлдордир. Шу сабабли экологик низоларни кўриб чиқиш анъанавий процессуал институтлар доирасида эмас, балки махсус ёндашувни талаб этади. Суд жараёнида илмий билимлар, эҳтимоллик, хавф ва олдини олиш тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Экологик низоларда суд ҳимоясининг предмети фақат аниқ бир шахснинг бузилган субъектив ҳуқуқини тиклаш билан чекланмайди. Бундай низоларда суд жамоат манфаатлари, жамиятнинг экологик хавфсизлиги, шунингдек келажак авлодларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим бўлади.

Шу жиҳатдан экологик низоларда суд ҳимояси кўпроқ оммавий-ҳуқуқий характер касб этади.

Анъанавий процессуал моделда суд қарорининг асосий мақсади етказилган зарарни қоплаш ёки бузилган ҳуқуқни тиклашдан иборат бўлса, экологик низоларда суд қарори кўпинча профилактик ва олдини олувчи характерга эга бўлади. Суд зарар етказилганлигини аниқлаш билангина чекланмай, экологик хавфни бартараф этиш, хавфли фаолиятни чеклаш ёки тўхтатиш, экологик мувозанатни тиклашга қаратилган чораларни белгилайди. Шу маънода экологик низоларда суд ҳимояси “пост фастум” компенсациядан кўра зарар келиб чиқишининг олдини олишга йўналтирилган моделга яқинлашади.

Экологик низоларда суднинг фаол роли объектив зарурат сифатида намоён бўлади. Суд далилларни талаб қилиш, қўшимча экспертиза тайинлаш, мутахассисларни жалб этиш, ҳатто тарафлар кўрсатмаган ҳолатларни ҳам аниқлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу ҳолат экологик ҳуқуқнинг эҳтиёткорлик ва олдини олиш тамойилларидан келиб чиқади.

Мазкур тамойилларга кўра, экологик хавф эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда ҳам давлат ва суд органлари фаол ҳаракат қилиши шарт.

Шу тариқа экологик низоларда суд пассив арбитр эмас, балки экологик адолатни таъминловчи фаол институт сифатида намоён бўлади.

Бундай низоларни кўриб чиқишда исботлаш масаласи энг мураккаб процессуал муаммолардан биридир. Анъанавий ёндашувга кўра, даъвогар ҳуқуқбузарлик фактини, етказилган зарар мавжудлигини, зарар миқдорини ва сабаб-оқибат боғлиқлигини тўлиқ исботлаши лозим. Бироқ, экологик низоларда бундай талаб кўпинча амалда бажариб бўлмайдиган вазифага айланади.

Экологик зарар кўпинча:

узоқ вақт ўтгач намоён бўлади;

кўп манбали бўлади;

илмий ноаниқлик билан тавсифланади;

эҳтимоллик характерига эга бўлади.

Шу сабабли экологик низоларда сабаб-оқибат боғлиқлигини қатъий ва мутлақ исботлаш талаби экологик ҳуқуқнинг ҳимоя функциясини издан чиқариши мумкин. Хорижий суд амалиётида бундай ҳолатларда исботлаш юқини енгиллаштириш ёки уни жавобгар зиммасига ўтказиш механизмлари кенг қўлланилади. Масалан, экологик хавф манбаи бўлган фаолиятни амалга ошираётган шахс ўз фаолиятининг экологик жиҳатдан хавфсиз эканлигини исботлаши лозим бўлади. Шунингдек, экологик низоларда эҳтимоллик асосида хулоса чиқариш ва илмий таҳминларга таяниш суд қарорларини асослашнинг қонуний воситаси сифатида эътироф этилади.

Мазкур турдаги низоларни кўриб чиқишда экологик экспертиза оддий ёрдамчи далил эмас, балки марказий процессуал институт сифатида намоён бўлади. Экологик экспертиза судга экологик зарар мавжудлиги, унинг кўлами, хавф даражаси ва келажакдаги эҳтимолий оқибатларини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, суд эксперт хулосасига мутлақ боғланиб қолмасдан, уни бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаши зарур. Экологик низоларда

фан ва ҳуқуқ ўртасидаги узвий боғлиқлик суд фаолиятининг ажралмас қисмига айланади.

Экологик низоларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — жамоат манфаатларининг устуворлигидир. Бу ҳолат процессуал субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади. Экологик низоларда нафақат бевосита зарар кўрган шахслар, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари, экологик жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат вакиллари ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бундай ёндашув экологик ҳуқуқнинг демократик ва иштирокчилик характерини кучайтиради. Процессуал жиҳатдан бу судга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенг талқин қилишни, даъволарни қабул қилишда ортиқча формализмга йўл қўймасликни тақозо этади. Жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш экологик низоларда суднинг алоҳида вазифасига айланади.

Экологик низолар бўйича суд қарорлари кўпинча мураккаб ва комплекс характерга эга бўлади. Суд қарори нафақат зарар қоплашни, балки:

- экологик хавфли фаолиятни тўхтатиш;

- муайян мажбуриятларни юклаш;

- экологик ҳолатни тиклаш;

- мониторинг ва назорат чораларини белгилаш

каби талабларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай қарорларнинг самарадорлиги уларнинг реал ижросига бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли экологик низоларда суд қарорларининг ижроси устидан доимий суд назорати муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида экологик ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг процессуал асослари экологик ҳуқуқ нормалари, процессуал қонунчилик ҳамда суд амалиётининг ўзаро уйғунлиги орқали шаклланади. Экологик низолар мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, уларнинг суд орқали ҳал этилиши нафақат алоҳида шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, балки жамоат манфаатларини, экологик хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу сабабли экологик низоларни кўриб чиқишда амалдаги процессуал механизмларнинг етарлиги ва самарадорлигини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мажбурияти белгиланган бўлиб, бу нормалар экологик низоларни суд орқали кўриб чиқишнинг асосий ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Шунингдек, ҳар бир шахснинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи фундаментал ҳуқуқ сифатида эътироф этилади. Мазкур конституциявий нормалар экологик низоларни кўриб чиқишда судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши мумкин бўлган нормалар ҳисобланади. Бироқ, суд амалиётида экологик ҳуқуқлар кўпинча декларатив характерга эга норма сифатида талқин қилиниб, улар мустақил суд ҳимояси объекти сифатида етарли даражада қўлланилмаяпти. Аксарият ҳолларда судлар экологик низоларни фақат соҳавий қонунчилик доирасида баҳолаб, конституциявий экологик ҳуқуқларга мурожаат қилишдан чекланади. Бу ҳолат экологик ҳуқуқларнинг конституциявий даражада реал ҳимоя механизмларининг етарлича шаклланимаганлигидан далolat беради.

Экологик низоларни кўриб чиқишнинг моддий-ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги

Қонуни ташкил этади. Ушбу қонунда экологик ҳуқуқбузарлик, зарар, талаблар, жавобгарлик ва экологик назорат тушунчалари белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Сув кодекси, "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ер қаъри тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунлари экологик низоларнинг предмети ва мазмунини аниқлаб беради.

Шу билан бирга, амалдаги экологик қонунчиликда экологик зарар тушунчасининг етарлича аниқлаштирилмаганлиги муҳим муаммо ҳисобланади.

Экологик зарар турлари, унинг тўлиқ таркиби, жамоат манфаатларига ва экологик муҳитга етказилган зарар ўртасидаги фарқлар қонунчиликда аниқ ажратиб кўрсатилмаган.

Натижада судлар экологик зарар миқдорини аниқлашда ва уни қоплаш масаласида турлича ёндашувларни қўлламоқда. Бу эса суд амалиётининг барқарорлиги ва бир хиллигига салбий таъсир кўрсатади.

Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, экологик зарар етказилиши билан боғлиқ низолар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Фуқаролик процессида экологик низолар асосан деликт мажбуриятлар доирасида баҳоланади. Яъни, экологик зарар етказган шахснинг айби, зарар мавжудлиги, зарар миқдори ва сабаб-оқибат боғлиқлиги аниқланиши лозим.

Бироқ, экологик низоларнинг ўзига хос хусусиятлари сабабли исботлаш юқининг тўлиқ даъвогар зиммасига юклатилиши экологик ҳуқуқларнинг самарали суд ҳимоясини таъминлашга тўсқинлик қилади. Экологик зарар кўпинча кечиктирилган, комплекс ва эҳтимоллик характериға эга бўлиб, уни аъъанавий исботлаш қоидалари асосида исботлаш амалда қийин. Фуқаролик процессуал қонунчиликда экологик низолар учун махсус исботлаш механизмларининг мавжуд эмаслиги экологик ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини пасайтиради.

Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекс экологик соҳадаги оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг асосий процессуал манбаи ҳисобланади. Давлат экологик назорати органларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятлар маъмурий судларда кўриб чиқилади. Маъмурий судлар экологик низоларда давлат органларининг дискрецион ваколатлари ва шахсларнинг экологик ҳуқуқлари ўртасида мувозанатни таъминлаши лозим. Бироқ амалиётда судларнинг давлат органлари хулосаларига ҳаддан ташқари таяниши, экологик хавфни мустақил баҳолашдан чекланиши кузатилади. Бу ҳолат маъмурий судларнинг экологик ҳуқуқларни реал ҳимоя қилувчи институт сифатида шаклланишига тўсқинлик қилади.

Экологик жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда зарар даражасини аниқлаш, сабаб-оқибат боғлиқлигини белгилаш ва айб шаклини исботлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, экологик жиноятларнинг квалификацияси, зарар миқдорини аниқлаш ва экспертиза институтининг етарли даражада ривожланмаганлиги жиноят процессида ҳам муҳим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасида экологик низоларни кўриб чиқиш учун умумий ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, амалдаги процессуал механизмларнинг экологик низоларнинг ўзига хос хусусиятларига мослашмаганлиги суд ҳимоясининг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирмоқда. Мазкур камчиликлар нафақат амалиётда кузатилаётган муаммолар, балки бевосита амалдаги норматив-ҳуқуқий базадаги бўшлиқлар билан изоҳланади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят процессуал кодекси экологик низоларни кўриб чиқиш учун умумий процессуал қоидаларни белгилайди. Бироқ, ушбу кодексларда экологик низоларнинг мураккаб предмети, жамоат манфаатлари устуворлиги ва илмий ноаниқлик билан боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус процессуал нормалар мавжуд эмас. Бу ҳолат экологик низо-

ларга аъъанавий хусусий-ҳуқуқий низолар билан бир хил ёндашув қўлланилишига олиб келади. Натижада экологик ҳуқуқнинг эҳтиёткорлик ва олдини олиш тамойиллари процессуал даражада тўлиқ акс эттирилмайди. Юридик жиҳатдан олганда, бу ҳолат экологик ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимояси учун етарли процессуал кафолатлар яратилмаганлигини аниқлатади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг умумий қоидаларига кўра, даъвогар ўз даъвосининг асосларини исботлаши лозим. Ушбу норма экологик низоларга ҳам қўлланилмоқда. Бироқ, экологик низоларда зарар кўпинча кечиктирилган, кўп омилли ва эҳтимоллик характериға эга бўлгани сабабли, даъвогар томонидан сабаб-оқибат боғлиқлигини тўлиқ исботлаш амалда жуда мураккаб ёки имконсиз бўлиб қолмоқда. Амалдаги қонунчиликда экологик низолар учун исботлаш юқини ўзгартириш ёки энгилаштириш механизмларининг назарда тутилмаганлиги экологик ҳуқуқнинг реал ҳимоясини чеклайди. Бу ҳолат ҳуқуқий адолат тамойилига зид бўлиб, экологик хавф манбаи бўлган фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун асоссиз устунлик яратади.

Экологик низоларни кўриб чиқишда экологик экспертиза ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса-да, амалдаги қонунчиликда экологик экспертизанинг суд процессидаги ўрни, баҳолаш мезонлари ва мустақиллик кафолатлари етарли даражада аниқлаштирилмаган. Судлар эксперт хулосасини баҳолашда кўпинча унинг илмий асосланганлиги ва комплекслигига чуқур баҳо бермасдан, формал ёндашувни қўллайди. Бундан ташқари, эксперт ташкилотларининг мустақиллиги масаласи қонунчиликда аниқ мустақамланмаганлиги эксперт хулосаларининг ҳолислигига шубҳа уйғотиши мумкин. Бу ҳолат суд қарорларининг илмий ва ҳуқуқий асосланганлигига салбий таъсир кўрсатади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва экологик бирлашмаларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи аниқ ва кенг қамровли тарзда тартибга солилмаганлиги натижасида судлар экологик низоларда даъво субъекти масаласида тор талқин қўллаб, жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бу ҳолат экологик ҳуқуқнинг ижтимоий йўналтирилган табиатиға мос келмайди.

Маъмурий суд иш юритувида экологик низоларни кўриб чиқишда судларнинг давлат экологик назорати органлари хулосаларига ҳаддан ташқари таяниши амалиётда кенг кузатилади. Судлар кўпинча давлат органларининг экологик баҳолашини мустақил ҳуқуқий ва илмий таҳлил қилмасдан, уларни асосий далил сифатида қабул қилади. Бу ҳолат суднинг мустақиллиги ва фаол роли тамойилларига зид бўлиб, экологик ҳуқуқларнинг самарали суд ҳимоясини чеклайди. Суд экологик низоларда фақат назорат қилувчи эмас, балки экологик хавфни мустақил баҳоловчи орган сифатида фаол иштирок этиши лозим.

Экологик низолар фанлараро билимларни талаб қилувчи мураккаб ишлар бўлишиға қарамай, судьялар ва ҳуқуқни қўлловчи органлар учун экологик ҳуқуқ бўйича мажбурий махсус тайёргарлик тизими мавжуд эмас. Бу ҳолат экологик низоларни кўриб чиқишда юзаки ёндашув ва формал қарорлар қабул қилинишиға олиб келиши мумкин. Юридик жиҳатдан бу ҳолат суд ҳимоясининг сифати ва самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда экологик ҳуқуқларнинг реал амалга оширилишиға тўсқинлик қилади.

Экологик ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш амалиётда аниқланган муаммолар тасодифий ёки фақат амалий хатолар натижаси эмас, балки амалдаги норматив-ҳуқуқий тизимнинг экологик ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларига етарли даражада мослаштирилмаганлиги билан изоҳланади. Шу сабабли экологик низоларни самарали ҳал этиш фақат суд амалиётини яхшилаш билан чекланмай, балки процессуал қонунчиликни тизимли равишда такомиллаштиришни талаб этади.

Собир НАБИЕВ,

Жиззах вилоят суди судьяси.

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, Ўзбекистон ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бу масалага нисбатан қарашлар, халқаро тажрибалар таҳлил қилинган. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жазо, жазодан озод қилиш, маҳкум, муқобил жазо, енгиллаштирувчи ҳолат, ижтимоийлашув, шартли ҳукм.

Жазо тайинлаш жиноий жавобгарликни амалга ошириш ва одил судлов вазибаларини ижро этишининг энг муҳим босқичидир. Ҳар бир жиноят, шу жумладан эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят учун адолатли жазо тайинланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасига мувофиқ, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Бунда суд эҳтиётсизлик жиноятини содир этган шахснинг деформацияси қасддан жиноят содир этган шахсникига кўра камроқ эканлигини ёдда тутиши шарт.

Жазони индивидуаллаштиришда муҳим ўринга эга омиллар ичида ЖКнинг 55-моддасида кўзда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатларни кўриб чиқиш керак. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридан кўрсатилгандек, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Шу орқали қонунийлик, одиллик, жиноий жазо тежамкорлиги каби асосий тамойиллар ижро этилиши, шунингдек жазонинг барча мақсадларига эришиш максимал даражада таъминланади.

Проф. М. Рустамбоев қайд этганидек, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги қилмиш ижтимоий хавфлилик даражаси кам эканлигидан далolat беради ва судга енгилроқ жазо тайинлашга асос бўлади, яъни ЖК Махсус қисмининг санкциялари доирасида енгилроқ жазо турини танлаш (альтернатив санкция) ёки унинг миқдорини камайтириш (энг камигача)га асос бўлади. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ЖК 57-моддаси ёки шартли ҳукм қилиш (72-моддаси) тартибда енгилроқ жазо тайинлашга асос бўлади.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг роли ҳақида ягона фикр йўқ. Айрим муаллифлар енгиллаштирувчи ҳолатлар айб даражасига таъсир қилади деса, бошқа бирлари суд томонидан тайинланадиган жазони енгиллаштиради деб ҳисоблайдилар. Яна бошқалари эса енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилайди, деб ҳисоблайдилар.

Амалиётда эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган жиноятлар ичида катта қисми ташкил этадиган, ЖКнинг 266-моддасида, яъни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш кўзда тутилган жиноятлар бўйича жиноят ишларда жазо тайинлаш амалиётини урганиб, биз суд ҳукмларида енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга бир хил стандарт ҳаволалар мавжудлигини аниқладик. Бу эса ЖКнинг 54-моддаси қоидаларини тўлақонли амалга оширишга имкон бермайди. Хусусан, судлар ҳукм чиқаришда асосан қуйидаги енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади:

- оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиши;
- вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
- чин кўнгиладан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш.

Сўнгги ҳолатни тавсифлар экан, Б.А. Куринов ўз вақтида, бу ҳолат жиноят содир этилганидан кейин пайдо бўлиши ва ҳайдовчининг ижтимоий хавfli қилмишга бўлган муносабати эканлигини таъкидлайди. Кўпинча айбдорлар судгача воқеанинг кейинги ривожининг олдини олиш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплашга интилади (транспорт воситасини таъмирлаш харажатларини тўлайди, жабрланувчи даволаниш харажатларини қоплайди ва ҳоказо), бу суд томонидан содир этилган қилмиш ва шахсни баҳолашга жиддий таъсир кўрсатиб, мос равишда, жазо тури ва миқдоридан ўз ифодасини топади.

Фикрларимизни мисоллар билан далиллайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ҳукмига кўра, Ҳ.Н. 2010 йил август ойида, А.С. билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан ўзаро тил бириктириб, тергов жараёнида шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган шахсдан 4.000.000 сўм эвазига кўп миқдордаги 100 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда; 2012 йил декабрь ойида жиноий шериклари А.С. ва Ю.А. билан олдиндан тил бириктириб, А.С.нинг топширигига асосан, Ю.А. билан биргаликда Навоий шаҳри ҳудудидаги “Навоий” шохбекатида олдидаги йўл бўйида номаълум шахсдан 2 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда; 2013 йил сентябрь ойида жиноий шериги Ҳ.Қ. билан олдиндан тил бириктириб, Қорақўл тумани, Дўстлик МФЙ, Темир йўл кўчаси ҳудудида аниқлаш имкони бўлмаган “Фулом” исмли шахсдан 300.000 сўм эвазига кўп миқдордаги 5 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда; 2013 йил 6 ноябрь куни Ҳ.Қ.дан Бухоро шаҳри, Мохи-Хосса кўрғони ва Фиждувон кўчаларини туташтирувчи айланма йўл бўйида озгинадан кўпроқ миқдордаги 1 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказганликда айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, ЖК 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд Ҳ.Н.га жазо тайинлашда юқоридан қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига етарлича риоя қилмасдан унинг оилавий шароитини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этса-да, унинг қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги каби ҳолатларни эътиборга олмасдан, меъёр жиҳатидан бир мунча оғир жазо тайинлаган.

Бошқа энгиллаштирувчи ҳолатлар: а) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми "г" банди); б) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми "д" банди); в) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми "е" банди); г) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми "з" банди) судлар томонидан ҳисобга олиниши деярли учрамайди.

Маълумки, қонун судга ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилмаган ҳолатларни энгиллаштирувчи деб тан олишга рухсат беради. Бизнинг маълумотларга кўра, судлар ҳукм чиқаришда кўпинча қуйидагиларни инобатга олади: 1) судланувчи яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланиш;

2) судланувчининг оилавий аҳволи (оилали, ногирон ёки вояга етмаган оила аъзолари мавжудлиги ва ҳок.); 3) меҳнат жамоасининг айбдорни кафилликка олиш тўғрисидаги илтимосномаси; 4) жабрланувчининг судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш илтимоси; 5) судланувчининг соғлиғи аҳволи.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган энгиллаштирувчи ҳолатларнинг барчаси учун қуйидагилар ҳосидир.

1. *Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган энгиллаштирувчи ҳолатлар ЖКнинг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жиноят таркибидан ташқарида бўлиб, қилмишни малакалаш учун таъсир этмайди ва уни ўзгартирмайди.*

2. *Бу моддада кўрсатилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар ЖКнинг Махсус қисми моддасининг квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, жазо тайинлаш вақтида яна 55-моддага мувожаат қилинмай ўша модданинг санкцияси доирасида жазо тайинланади.*

С.Г. Закутский ва М.Х. Рустамбоев ишда энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, жазо тайинлашда қуйидагиларга асос бўлади деб ёзадилар:

а) *альтернатив санкцияда белгиланган жазо турларидан энгилпрогнни тайинлаш;*

б) *санкцияда кўрсатилган энг оз қисмига яқинроқ муддатни ёки қисмини тайинлаш;*

в) *қўшимча жазони қўлланмаслиги;*

г) *шартли ҳукми қўллаши мумкин.*

Бизнинг назаримизда, бунга қўшимча равишда яна айтиш мумкинки, энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги яна қонунда кўрсатилганидан ҳам энгилроқ жазо тайинлаш, ЖКнинг 66²-моддаси тартибида жавобгарликдан озод қилиш учун маълум даражада асос бўлиши ҳам мумкин.

Айни дамда, ушбу энгиллаштирувчи ҳолатларни қўллаш учун бизнингча айбдор шахсини тавсифловчи маълумотларга биринчи навбатда унинг ижтимоий, ахлоқий бузуқлик даражаси, ҳуқуқий онгги аҳволи, аксил ижтимоий қарашлари мавжудлиги ва бошқаларни ҳисобга олиш даркор. Бинобарин, ушбу масалани Олий суднинг тегишли қарорига махсус тушунтириш киритиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Муҳими шундаки, ЖКда энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда жазо тайинлашнинг махсус қоидалари йўқ, бу эса судьялар томонидан жазо тайинлашда уларни ҳисобга олишни анча мураккаблаштиради. Шу сабабли, суд томонидан хатолар қилиш эҳтимоли ортади.

Суд ҳукмларини ўрганиш энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан суд томонидан озодликдан маҳрум қилишнинг муайян муддатини танлаш ўртасида боғлиқлик мавжуд эмас, деган хулосага келишимизга имкон берди. Хусусан, энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, ёки битта энгиллаштирувчи ҳолат бўла туриб, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаганда ҳам, ҳаттоки учта энгиллаштирувчи ҳолат бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаганда, жазо (озодликдан маҳрум қилиш) ЖК Махсус қисми нормалари санкциялари доирасида энг кам (ёки энг кам даражага яқин) тайинланган. Айни дамда бу санкция доирасида ўртача жазо энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолат бўлмаганда ҳам, битта энгиллаштирувчи ва битта оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида ҳам, ҳатто учта энгиллаштирувчи ҳолат бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолат бўлмаганида ҳам тайинланган.

Кўриниб турибдики, ишда энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан жазо миқдори (хусусан, озодликдан маҳрум қилиш) ўртасидаги боғлиқлик аниқроқ бўлиши керак.

Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар (масалан, битта энгиллаштирувчи ва битта оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлганда, жазо фалон миқдорда, энгиллаштирувчи иккита ҳолат мавжудлигида эса – шундай миқдорда бўлиши керак) ҳисобга олишга арифметик, миқдорий ёндашувни қўллаб-қувватламаймиз, шу билан бирга, биз Кодексда энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда жазо тайинлашнинг махсус қоидалари белгиланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча Жиноят кодексини "Энгиллаштирувчи ҳолатларда жазони тайинлаш" номли 56¹-модда билан тўлдириш ва қуйидаги тахрирда баён этиш лозим:

56¹-модда. Энгиллаштирувчи ҳолатларда жазони тайинлаш

Энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, санкциядаги муқобил жазолар ичидан энг энгил тури тайинланиши керак, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг энг юқори муддати, мазкур жиноят учун назарда тутилган ушбу жазонинг энг кам муддатининг учдан бирдан ошмаслиги керак.

Агар бирорта энгиллаштирувчи ҳолат аниқланмаган бўлса, жазо тайинлашда жазонинг бошқа умумий қоидаларига амал қилиш керак.

Маъруфжон РУЗИЕВ,

жиноят ишлари бўйича Булунгур туман судининг тергов судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А. Хакбердиев, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Жиноий инсценировка тушунчаси, элементлари, уларни аниқлаш ва тергов қилиш усуллари // Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences - 2020/01 – Б.170.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори // <https://lex.uz/docs/1455976>
3. М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик, қайта ишланган ва тўлдирилган. Т. - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти, 2018. – Б.98.
4. Советское уголовное право. Общая часть—М.: Госюриздат 1952, с. 370.
5. Кузнецова Н.Ф., Куринов Б.А. Применение наказания по советскому уголовному праву. М. Издательство МГУ, 1958 г.
6. Карпец И.И. Отягчающие и смягчающие обстоятельство в уголовном праве. —М.: Госюриздат. 1959, с. 27.
7. Курс советского уголовного права в 6 томах. Т-3, 1970 г. —Наука, с. 139—137.
8. Скрябин М.А. Общие начала назначения наказания и их применение к несовершеннолетним. Изд -во Казанского Университета, 1988. с. 76.
9. Куринов Б.А. Автотранспортные преступления. Квалификация и ответственность М., 1976. Б. 191.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
11. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм, Тошкент, —Адолат, 1988, Б.213-214.

РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРДА МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Замонавий ахборот технологиялари ва интернет тармогининг глобал миқёсда жадал ривожланиши инсоният ҳаётининг барча соҳаларига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Рақамли трансформация жараёнида ижодий контентни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш усуллари тубдан ўзгариб, бунга доир янги ҳуқуқий муносабатлар шаклланиб келмоқда. Бугунги кунда YouTube, Spotify, Netflix, TikTok ва бошқа рақамли платформалар миллиардлаб фойдаланувчиларга мусиқа, видео, китоб ва бошқа ижодий асарларга киришни таъминламоқда. Бироқ, бу имкониятлар билан бир қаторда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳолатлари ҳам кескин кўпайган.

MUSO тадқиқот компаниясининг маълумотларига кўра, 2024 йилда бутун дунё бўйича “қароқчи” сайтларга жами 216,3 миллиард ташриф қайд этилган бўлиб, бу 2023 йилга нисбатан 5,7 фоизга камайган бўлса-да, ҳуқуқ эгалари учун жиддий моддий йўқотишларга сабаб бўлмоқда¹. Бу эса муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг мавжуд тизимларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруриятини кўрсатади. Бу қуйидаги бир неча муҳим омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, рақамли контентнинг глобал миқёсда тарқатиш имкониятлари ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини янгилашни талаб қилади.

Иккинчидан, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши муаллифлик ҳуқуқига оид янги ҳуқуқий саволларни келтириб чиқарди, хусусан, дастур томонидан яратилган асарларнинг ҳуқуқий мақоми масаласи ҳал этилмаган.

Учинчидан, платформалар жавобгарлиги ва ҳуқуқбузарлик учун “оралиқ хизмат кўрсатувчилар” (провайдер)нинг масъулияти бўйича ягона стандартлар мавжуд эмас.

Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш масаласини назарий жиҳатдан тушуниш учун бир нечта концептуал ёндашувларни кўриб чиқиш лозим. Биринчи ёндашув, БИМТнинг “интернет шартномалари” доирасида шакллантирилган бўлиб, анъанавий муаллифлик ҳуқуқи тамойилларини рақамли муҳитга мослаштириш ғоясига асосланади². Ушбу ёндашувга кўра, Берн конвенциясида белгиланган асосий ҳуқуқлар ва истиснолар рақамли муҳитда ҳам тўлиқ қўлланилади³.

Иккинчи ёндашув, “sui generis” ҳуқуқий режим яратиш заруриятини таъкидлайди. Бу ёндашув тарафдорлари рақамли контентнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан асарларни чексиз кўпайтириш имконияти, глобал тарқатишнинг осонлиги ва трансгегаравий характерини эътиборга олиб, махсус ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш лозимлигини асослайди⁴.

Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш бўйича халқаро ҳуқуқий базанинг асосини БИМТнинг “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги шартнома ва “Ижролар ва фонограммалар тўғрисида”ги шартнома ташкил этади. БИМТнинг “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги шартномасининг муҳим жиҳатларига қуйидагилар киради: биринчидан, компьютер дастурлари ҳар қандай шакл ёки ифода усулидан қатъи назар адабий асарлар сифатида ҳимоя қилинади; иккинчидан, маълумотлар базалари уларнинг таркибини

танлаш ёки жойлаштириш интеллектуал ижод бўлган тақдирда ҳимоя қилинади; учинчидан, ушбу шартнома билан оммага етказиш ҳуқуқи жорий этилди, бу муаллиф асарини симсиз ёки симли воситалар орқали оммага тақдим этишни ўз ичига олади; тўртинчидан, техник ҳимоя воситаларини четлаб ўтишга қарши нормалар белгиланди.

Мусиқа соҳасидаги қароқчиликнинг асосий шакли сифатида “strim-ripping”, яъни стриминг платформаларидан аудио файлларни юклаб олиш усули кенг тарқалган. Тадқиқотларга кўра, 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган интернет фойдаланувчиларининг 50 фоиздан ортиғи мусиқага ҳуқуқларни бузиш орқали кирган⁵. “PRS for Music” ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, энг йирик 50 та мусиқа “қароқчи” сайтларининг 80 фоиздан ортиғи стрим-риппинг хизматларига ихтисослашган⁶.

Муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги “қароқчилик”нинг иқтисодий оқибатлари жиддий бўлиб, АҚШ иқтисодиётига йилга камида 29,2 миллиард АҚШ долларидан 71 миллиард АҚШ долларигача зарар етказилмоқда⁷. Бундан ташқари, “қароқчи” сайтларига ташриф буюрган фойдаланувчиларнинг ҳар олтитасидан бири зарарли дастурларни юклаб олиш хавфига дуч келади, бу шахсий маълумотлар ўғирланиши ва кибержиноятчилик учун замин яратади⁸.

Бундай “қароқчилик”ка қарши курашда турли ёндашувлар қўлланилмоқда. Биринчидан, ҳуқуқий чоралар, жумладан фуқаролик ва жиноий жавобгарлик механизмлари қўлланилади. Иккинчидан, техник ҳимоя воситалари, масалан, рақамли ҳуқуқларни бошқариш тизимлари (ДРМ), шифрлаш технологиялари жорий этилган⁹. Учинчидан, иқтисодий усуллар, хусусан, расмий контентни қулай нархларда таклиф қилиш ва стриминг хизматларини ривожлантириш орқали “қароқчилик”нинг жозибдорлигини камайтириш стратегиялари қўлланилмоқда. Тўртинчидан, платформалар билан ҳамкорлик орқали “қароқчи” контентини аниқлаш ва олиб ташлаш механизмлари фаоллаштирилган. Масалан, Google компанияси муаллифлик ҳуқуқини бузиш бўйича сўровлар асосида 5 миллиарддан ортиқ URL манзилини қидирув натижаларидан олиб ташлаган¹⁰.

Блокчейн технологияси муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва рақамли ҳуқуқларни бошқаришда инновацион ечимлар таклиф этади¹¹. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш, ҳуқуқларни тасдиқлаш, лицензиялаш ва роялти тўловларини автоматлаштириш учун муҳим афзалликларни таъминлайди¹². Блокчейннинг муаллифлик

хуқуқи муҳофазасидаги асосий қўлланилиш йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш; иккинчидан, “ақлли” шартномалар (smart contracts) орқали автоматлаштирилган роялти тўловлари, бу орқали ҳар бир фойдаланиш учун муаллифга тўлов бевосита амалга оширилади; учинчидан, ҳуқуқлар мета-маълумотларини шаффоф сақлаш, бу ҳар бир асарнинг ҳуқуқ эгаларини аниқ белгилаш имконини беради.

Шу ўринда ҳуқуқий ҳимоя механизмларига тўхталсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суд томонидан 2023 йил 23 июнда интеллектуал мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида “Интеллектуал мулк билан боғлиқ ишларни кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 19-сон Пленум қарори қабул қилинди¹³. Рақамли платформаларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишни такомиллаштириш бўйича бир қатор стратегик йўналишларни белгилаш мумкин.

Биринчи йўналиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу йўналишда платформалар жавобгарлиги бўйича аниқ нормаларни белгилаш ва сунъий интеллект томонидан яратилган контентнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш зарур. Бу борада бизга Европа Иттифоқининг “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги (DSA) ва “Рақамли бозорлар тўғрисида”ги Қонуни (DMA) намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи йўналиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Рақамли “қароқчилик” трансмиллий характерга эга бўлганлиги сабабли, унга қарши кураш фақат халқаро ҳамкорлик орқали самарали бўлиши мумкин.

Учинчи йўналиш, инновацион технологик ечимларни жорий этиш билан боғлиқ. Блокчейн технологияси асосида муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш ва тасдиқлаш тизимини яратиш, “ақлли шартнома”лар орқали роялти тўловларини автоматлаштириш ва сунъий интеллект асосида “қароқчи” контентини аниқлаш тизимларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, “Content ID” туридаги контентни таниб олиш технологияларини рақамли платформаларда мажбурий жорий этиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Тўртинчи йўналиш, ҳуқуқий онгни шакллантириш билан боғлиқ. Зеро, интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисида оммавий ахборот кампанияларини ўтказиш, таълим муассасаларида интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича махсус курсларни жорий этиш ва ижодкорлар ҳамда ҳуқуқ эгаларини ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари билан таништириш зарур.

Бешинчи йўналиш, муқобил бизнес моделларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. “Қароқчилик”ка қарши курашнинг энг самарали усулларида бири – расмий контентни қулай ва арзон нархларда тақлиф қилишдир. Стриминг хизматларининг ривожланиши “қароқчилик” даражасини сезиларли даражада камайтирганини кўрсатди. Масалан, Европада Spotify кенг тарқалганидан кейин мусиқа “қароқчилик”нинг 45 фоизга камайиши кузатилган¹⁴. Шунингдек, ижодкорлар учун тўғридан-тўғри монетизация имкониятларини яратувчи платформаларни қўллаб-қувватлаш, микролицензиялаш ва контентга кириш учун мослашувчан нарх сиёсатини жорий этиш ҳам муҳим.

Олтинчи йўналиш, самарали ҳуқуқий ҳимоя механизминини яратиш билан боғлиқ. Бу йўналишда низоларни

ҳал қилиш механизмлари, масалан, медиация ва арбитраж имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим.

Рақамли платформаларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш мураккаб ва кўп қиррали муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши комплекс ёндашувни талаб қилади. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, сунъий интеллектнинг тарқалиши ва глобал интернет тармоғининг кенгайиши шароитида анъанавий муаллифлик ҳуқуқи механизмлари ўз самарадорлигини йўқотмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди: биринчидан, Ўзбекистон қонунчилигига платформалар жавобгарлигини тартибга солиш нормаларни киритиш, шу жумладан ноқонуний контентни хабардор қилиш ва олиб ташлаш (notice and takedown) механизмини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш; иккинчидан, сунъий интеллект томонидан яратилган контент ва AI моделларини ўқитиш масалаларини тартибга солиш махсус қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш; учинчидан, блокчейн технологияси асосида муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш ва тасдиқлашнинг муқобил тизимини яратиш имкониятларини ўрганиш; тўртинчидан, интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисида оммавий хабардорликни ошириш дастурларини амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли платформаларда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишни такомиллаштириш ижодий иқтисодий ривожлантириш, инновацияларни рағбатлантириш ва маданий хилма-хилликни сақлаб қолишнинг муҳим шартидир.

Абдумунин Юлдашов,

ТДЮУ Интеллектуал мулк ҳуқуқи шўбаси профессори в.б., ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

- MUSO. “2024 Piracy Trends and Insights Report.” June 2025. Available at: <https://www.muso.com/2024-piracy-trends-and-insights>
- The official website: World Intellectual Property Organization, “WIPO Internet Treaties.” Available at: https://www.wipo.int/copyright/en/activities/internet_treaties
- Johnson, Jane. “The Transformation of Intellectual Property in the Digital Age.” *Yale Law Journal* 2023, 132(1): 145-189.
- The official website: Statista, “Internet/Media Piracy: Statistics & Facts.” March 2024. Available at: <https://www.statista.com/topics/3493/media-piracy>.
- PRS for Music. “Music Consumer Insight Report.” 2018.
- National Research Council. *Copyright in the Digital Era: Building Evidence for Policy*. Washington, DC: The National Academies Press, 2013.
- Digital Citizens Alliance. “The Unholy Triangle Report: How Piracy, Malvertising, and Identity Theft Intersect.” 2024.
- Zhang, Laura. “Blockchain and the Future of IP Licensing” *California Law Review* 2023, 111(2): 289-330.
- The official website: Google, “Copyright Removal Requests” Available at: <https://transparencyreport.google.com/copyright>
- Savelyev, Alexander. “Copyright in the blockchain era: promises and challenges.” National Research University Higher School of Economics, Basic Research Program Working Paper, 2017.
- Qureshi, A., and D. Megias Jimenez. “Blockchain-based multimedia content protection: Review and open challenges.” *Applied Sciences* 2020, 11(1): 1-35. doi:10.3390/app11010001.
- O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining “Intellectual mulk bilan bog'liq ishlarni ko'rishning ayrim masalalari to'g'risida”gi qarori, 2023-yil 23-iyun, 19-son. <https://lex.uz/docs/-6522606>
- International Federation of the Phonographic Industry. “Global Music Report 2024”. 2024.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда суд экспертлик фаолиятини модернизация қилишга қаратилган ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари, институционал ўзгаришлар, нодавлат экспертиза тизимининг ривожланиши, рақамлаштириш жараёнлари ва амалиётдаги асосий муаммоларнинг илмий таҳлили келтирилган. Муаллиф суд-экспертлик тизимининг глобал тенденциялар билан уйғун ривожланиши, экспертиза хулосаларининг ишончилигини таъминлаш ва соҳада халқаро стандартларни жорий этиш билан боғлиқ таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: суд экспертизаси, нодавлат экспертиза, рақамлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, эксперт хулосаси, одил судлов, институционал ислохотлар.

Суд-экспертиза фаолияти суд-ҳуқуқ соҳасининг энг долзарб ва масъулиятли йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки у жиноят ва маъмурий ишларнинг адолатли ҳал этилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга. Мамлакатимизда суд экспертшунослиги ривожланишининг сўнгги ўн йиллиги рақамли трансформация даврига фаол кириш билан тавсифланади, бунинг натижасида “суд-экспертиза фаолиятини рақамлаштиришнинг хусусий назарияси ишлаб чиқилди.

Жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиши жараёнида ғараз ниятли кимсалар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кибермақонда жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам тез-тез кузатилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда туб ислохотлар амалга оширилиб, экспертиза жараёнлари рақамлаштирилмоқда. Малака ошириш тизими такомиллаштирилиб, халқаро стандартлар татбиқ қилинмоқда. Натижада суд-экспертлик муассасаларининг моддий-техник базаси кучайтирилди ва эксперт хулосаларининг аниқлиги ҳамда ишончилиги янада ошди.

Суд-экспертлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунида аниқ келтирилган бўлиб, унга кўра суд-экспертлик фаолияти суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини соддароқ қилиб ёритадиган бўлсак, суд-экспертлик фаолияти бу — махсус давлат суд-экспертиза ва давлат муассасаларининг бўлимлари, тегишли ваколатларга эга бошқа корхона, ташкилот, муассаса (нодавлат суд-экспертиза ташкилоти), шунингдек бошқа жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият ҳисобланади. Соҳада кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти айнан суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш, рақамли технологияларни кенг қўллаш, сунъий интеллект имкониятларидан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида амалга оширилмоқда. Бу борада хориж тажрибасини ўрганган ҳолда соҳа босқичма-босқич рақамлаштириляпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятининг икки турини ажратиш мумкин:

- 1) давлат суд-экспертлик фаолияти;
- 2) нодавлат суд-экспертлик фаолияти.

Ўзбекистон Республикасида давлат суд-экспертлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ва ҳ.к.нинг экспертиза муассаса ва бўлимлари шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорига асосан, нодавлат суд-экспертлик фаолияти билан эса нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари шуғулланади.

Мазкур қарор билан республикаимизда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг ташкил этилиши, уларга айрим турдаги (44та) суд экспертизаларини ўтказиш ҳуқуқи берилиши, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга ошириши, улар каби ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар бўлиши белгилаб қўйилди.

Президентимиз томонидан имзоланган “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-270-сонли қарори суд-экспертлик фаолиятини янада ривожлантириш, соҳада рақамлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу қарор билан қуйидаги мақсадлар суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгиланди:

суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали тадқиқотларнинг тезкорлиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

суд-экспертиза ташкилотлари ва экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали соҳада электрон ҳужжатлар алмашинуви ҳажмини 100 фоизга етказиш;

суд-тергов органларининг мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат суд-экспертиза муассасаларида ўтказиладиган экспертиза турлари сонини 90 тага етказиш ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларидаги экспертизалар сонини 2 баробарга кўпайтириш;

нодавлат суд-экспертиза институти ролини янада ошириш ва улар фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиш орқали экспертиза тадқиқотларини ўтказишдаги улушини 5 баробарга ошириш;

давлат суд-экспертиза муассасаларининг аккредитациядан ўтказилган лаборатория ва бўлимлари сонини 4 баробарга ошириш.

Айнан сўнги йилларда суд-экспертиза соҳасидаги долзарб бўлиб турган масалаларга ечим сифатида ҳамда соҳа олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу мақсадлар йўналишида тегишли ишлар олиб борилиши зарур эди. Шунингдек, суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш ҳамда давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жараёнидаги асосий муаммоларни тизимли ва аниқ тарзда баён этиш зарурати пайдо бўлган эди. Жумладан, маълумотларнинг етарли интеграция қилинмаганлиги ва турли идораларда қўлланиладиган ахборот тизимлари бир-бирига мос келмаслиги натижасида жараёнлар секин кечаётган эди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва суд-экспертиза муассасалари ўртасида ягона электрон маълумот алмашиш платформаси ҳамда эксперт хулосалари, лаборатория натижалари, фотосуратлар ва далилий материалларнинг рақамли архивлари тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ҳам соҳадаги бартараф этилиши шарт бўлган мавжуд муаммолардан бири эди. Шунингдек, баъзи ҳудудларда маълумотларни рақамли шаклда сақлаш инфратузилмаси етишмаслиги, кадрларнинг рақамли кўникмалари етарли даражада эмаслиги билан бирга замонавий технологиялар билан ишлаш бўйича экспертларнинг тайёргарлик даражасининг ҳамма жойда бир хил эмаслиги экспертиза соҳасидаги бартараф этилиши лозим бўлган масалалардандир. Айнан Суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида Президентимиз қатор давлат органлари олдида вазифалар белгилаб берди.

Хусусан, судлар, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (кейинги ўринларда — экспертиза тайинловчи органлар) билан электрон ҳужжатлар алмашинуви таъминлашга мўлжалланган “Э-экспертиза” электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда — “Э-экспертиза” платформаси)ни суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига тўлиқ жорий этиш;

“Э-экспертиза” платформасини экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш орқали экспертиза тайинловчи органлар ва суд-экспертиза ташкилотлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйиш;

суд-экспертлик фаолиятига сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич жорий қилиш вазифалари белгиланди.

Суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг ихтиёрий аъзолигига асосланган Ўзбекистон суд экспертлари палатасини ташкил этиш ҳамда нодавлат суд экспертларининг касбий ва амалий тайёргарлик даражасини аниқлаш, шунингдек, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларнинг адолатли ва ҳолис кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Эксперт-малака комиссияси фаолиятини йўлга қўйиш ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизаси турлари 44 тадан 55 тага кўпайтирилди.

Шунингдек, 2025 — 2027 йиллар давомида янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш, шу жумладан, крипто-активларнинг миқдори ва турларини, рақамли фотосурат ва видеоёзувда монтаж белгиларини, шунингдек, сунъий интеллектдан

фойдаланган ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва суд экспертизаси хулосаларининг ишончилигини янада ошириш ҳамда соҳани илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида суд-экспертиза тадқиқотларининг халқаро тан олинган усул ва услубиётларини валидациядан ўтказиш (соҳада қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш) тартибини жорий қилиш ҳамда давлат суд-экспертиза муассасаларига ўз балансидаги ускуналарни ҳақ эвазига шартнома асосида бошқа давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун фойдаланишга топшириш ҳуқуқини бериш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, аввало, экспертиза жараёнларини рақамлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, лабораторияларни юқори аниқликдаги ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишни талаб этади.

Маълумот алмашинуви учун ягона электрон платформа яратиш, экспертиза хулосаларининг шаффофлиги ва ишончилигини кучайтириш, халқаро стандартларга мос ахборот хавфсизлигини таъминлаш суд қарорларининг адолатли ва тезкор бўлишига хизмат қилади. Замонавий моддий-техник база, етарли ресурслар ва малакали мутахассислар иштирокида амалга оширилаётган ислохотлар суд-экспертлик тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, натижада фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизими бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга имкон яратади.

Жамшидхон НУРИТДИНОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил ишланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Россинская Е.Р. Современная судебная экспертология – наука о судебной экспертизе и судебно-экспертной деятельности / Е.Р. Россинская // Теория и практика судебной экспертизы. 2015. №4 (40). – С.10-18;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни / ҳтtps://lex.uz/досс/1633102
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-786-сон қонуни / ҳтtps://lex.uz/уз/досс/6140678
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон фармони / ҳтtps://lex.uz/досс/5491507
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарори / ҳтtps://lex.uz/досс/4172023
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарори / ҳтtps://lex.uz/досс/4774077
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза марказининг суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 704-сон қарори / ҳтtps://lex.uz/уз/досс/5737131
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартдаги “Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 706-сон қарори / ҳтtps://lex.uz/уз/досс/5737122
9. Дьяконова О.Г. Понятие и структура предмета науки “Судебная экспертология” /О.Г. Дьяконова // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина. 2015. №12. – С.86-99.
10. Попов В.Л. Проблемы и перспективы использования нейросетевых технологий при производстве судебных экспертиз в транспортной сфере // Транспортное право и безопасность. 2020. №3 (35). – С.65-75.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ: АМАЛИЙ ИМКОНияТЛАР ВА ХАВФЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу илмий мақолада АҚШ ва БАА давлатлари халқаро тажрибалари асосида сунъий интеллектни ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қўллашнинг амалий аҳамияти ва зарурияти, замонавий инновацион имкониятлари, уларни ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари ҳамда эҳтимолий хавф-хатарлари таҳлил этилади. Шу билан бирга, ўрганилган илмий-назарий ва амалий таҳлиллардан келиб чиқиб, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланишда инсон устуворлиги, ҳуқуқий мувозанат ва масъулиятли инновация тамойилларига асосланган бошқарув моделини шакллантириш юзасидан миллий қонунчиликка асосланган ҳулосалар ва амалий таклифлар берилди.

Кириш сўзлар: сунъий интеллект, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, рақамли криминалистика, синтетик контент (deepfake), ахборот хавфсизлигини таъминлаш, масъулиятли инновация.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ ва прокуратура органлари, шунингдек, юридик хизмат фаолиятида сунъий интеллект томонидан ишлаб чиқилган ҳулосаларнинг аниқлиги, асосланганлиги ва инсон ҳуқуқларига зид бўлмаслиги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Бундай технологияларни амалиётга татбиқ этиш – инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ шахсий ва хизмат маълумотларини ҳимоя қилиш, сунъий интеллект қарорларининг адолатли ва асосли бўлишини кафолатлаш ҳамда ҳуқуқий жавобгарликни аниқ белгилашга доир масалаларни аниқ механизмлар билан тартибга солишни талаб этади. Бу жараёнлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида нафақат иш самарадорлигини оширади, балки қонунийлик ва одиллик тамойилларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Хорижий давлатларнинг амалий тажрибасини қийёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, 2023 йилнинг якунлари АҚШ рақамли криминалистика (digital forensics) бозори ҳажми 10,12 миллиард АҚШ долларига етганини кўрсатди. Мутахассисларнинг иқтисодий баҳолашига кўра, ушбу бозор 2024–2030 йиллар давомида йилига ўртача 15,1 фоиз ўсиш суръати билан ривожланиш эҳтимолини намён этади. Ушбу ўсиш прогнози рақамли жиноятларга қарши курашиш воситалари ва услубларининг такомиллашётганини, шунингдек, янги технологияларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганини кўрсатади.¹ Шу боисдан, рақамли криминалистика билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида сунъий интеллект технологияларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жорий этилиши кенг қўламли маълумотлар ёки ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини автоматик шакллантириш асосида ҳуқуқий жараёнларнинг рақамлаштиришга эришилиб, асосланган ҳуқуқий ҳулосалар ва қарорларни тузишда юридик ёрдамчи восита сифатида намён бўлади.

Шу билан бирга, АҚШда² “ROSS Intelligence” робот-ҳуқуқшунос ривожланган электрон тизими юридик фирмалар томонидан ишлаб чиқилиб, ушбу тизим юридик масалаларда онлайн маслаҳатлар беради. “Casetext” сунъий интеллект платформаси эса катта ҳажмдаги суд қарорлари, қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базаларни таҳлил қилишни ва уларни топишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, “KIRA”, “Ebrevia” ва “Lawgeex” сунъий интеллект тизимлари ҳуқуқшунослар учун фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, реал вақт режимида таҳрирлаш воситалари орқали юридик шартномаларга ҳаммасблари томонидан киритилган ўзгартиришларни кузатишда ёрдам беради.³ Шунингдек, табиий тилни қайта ишлаш (NLP) асосида яратилган интеллектуал чатботлар электрон далилларни таҳлил қилиш жараёнида (“e-discovery”) самарали восита сифатида қўлланилиб, катта ҳажмдаги рақамли маълумотларни тўплаш ва саралашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак бермоқда.⁴

Шунингдек, 2024 йил 17 октябрь куни БАА Федерал Жамоат прокуратураси процессуал фаолиятни оптималлаштириш ва тезлаштириш мақсадида сунъий интеллектга асосланган янги рақамли тизимни жорий этганини маълум қилди. Мазкур тизим мамлакатнинг рақамли трансформация

стратегияси доирасида жиноят адлияси соҳасида илғор технологиялардан фойдаланишни кучайтиришга, хусусан, фактлар, тасвирлар, аудио ва видео материаллар кўринишидаги далилларни автоматик қайта ишлаш ва чуқур таҳлил қилиш, уларни транскрипция қилиш (аудио ёки видео ичидаги нутқни матн форматига ўтказиш), ҳуқуқий маълумотларни ажратиб олиш, шунингдек, мазкур маълумотлардан ҳуқуқий аҳамиятга молик элементларни аниқлаш ва уларни тегишли суд прецедентлари билан боғлаш имкониятини яратади.⁵ Бундан ташқари, ҳуқуқий ҳулоса ва эксперт фикрларини шакллантириш орқали тергов ва процессуал жараёнларни сезиларли даражада соддалаштиради. Ушбу инновацион платформа нафақат БАА жиноий-ҳуқуқий тизими учун, балки бошқа мамлакатлар амалиётида ҳам қўлланилиши мумкин бўлган универсал ечим сифатида баҳоланади.

Маълумки, ҳозирги тезкор ва мураккаб ахборот муҳитида сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш – ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳам маълум бир ахлоқий ва ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирмоқда. Хусусан, сунъий интеллектнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши ҳуқуқий ва ахлоқий хавф-хатарларни, яъни ҳуқуқий тенгсизлик, алгоритмик дискриминация, бир ёқламалик, маълумотлар маҳфийлиги, сунъий интеллект қарорларининг адолатлигини таъминлаш ва ҳуқуқий жавобгарликни аниқлаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини назарда тутди. Айниқса, сунъий интеллектдан фойдаланиш қондаларининг бузилиши, алгоритмлар фаолияти устидан етарлича давлат назоратининг мавжуд эмаслиги ҳамда хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш тизимининг ривожланмаганлиги ҳам ахборот маконининг барқарорлигига жиддий таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

Шу жиҳатдан, сунъий интеллектдан фойдаланишда юзага келадиган энг жиддий хавфлардан яна бири — deepfake ёки синтетик контент яратиш таҳдиди ҳисобланади. Сунъий интеллект орқали яратилган синтетик тасвирларнинг кенгайиб бориши ҳуқуқ-тартибот органлари амалиётида янги хавфларни юзага келтирмоқда. Негаки, синтетик контент (deepfake) фақат чуқур сохта видео ёки аудио ёзувлар билан чекланмай, балки сунъий равишда генерация қилинган, реал воқеликка мос келмайдиган ёки манипуляция қилинган тасвирлар, овозлар ва маълумотлар мажмуини ҳам қамраб олади. Бугунги кунда сунъий интеллект технологияларининг оммалашуви натижасида бундай контентни яратиш жараёни соддалашиб, махсус техник билимларсиз ҳам кенг жамоатчилик томонидан осонлик билан амалга оширилмоқда. Бу эса синтетик контентнинг қўлами ва таъсир доирасини сезиларли даражада кенгайтираётти.⁶ Айниқса, сунъий интеллект асосида яратилган синтетик (deepfake) контент орқали ҳақиқатга ўта яқин бўлган тасвир, аудио ёки видео материалларни тайёрлаш ва тарқатиш имконияти далиллар ишончлилиги, ахборот хавфсизлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, ҳақиқий ва сунъий тарзда ўзгартирилган тасвирлар ўрта-сидаги чегаранинг аниқ эмаслиги, маълумотларни тез ва осон манипуляция

қилиш имкониятлари ҳамда бу жараёнларнинг етарлича тартибга солинмани далилларнинг ишончилиги ва шаффофлигини таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада, Германиялик тадқиқотчилар К.Мединг ва К.Сорге таъкидлаганидек, deepfake технологияларини аниқлаш, улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини ҳуқуқий баҳолаш ва жавобгарликни белгилаш бўйича меъёрий механизмлар етарлича шаклланмаган.⁷ Бу ҳолат, айниқса, прокуратура органлари учун рақамли тасвирларни далил сифатида қабул қилишда қўшимча мураккабликлар туғдиради. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлиги ва рақамли далиллар ишончилигини таъминлаш мақсадида, миллий қонунчиликка сунъий интеллектдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали ахборот хавфсизлигига зарар етказганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий нормалар, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан фойдаланилаётган рақамли далилларнинг ҳақиқийлиги ва шаффофлигини таъминлашга, шунингдек, жиноят ишлари юритувида инсон ҳуқуқлари устуворлигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Шунингдек, айни шу муаммони бартараф этиш мақсадида Қозғоғистон Республикасида сунъий интеллектни тартибга солишга қаратилган қонун сунъий интеллект технологияларининг хавfli жиҳатлари давлат миқёсида тан олинаётганини яққол намоён этади. Хусусан, сунъий контент (deepfake) яратиш учун жавобгарлик жорий этилиши, манипулятив алгоритмлар ва ноқонуний маълумот йиғувчи тизимларни тақиқлаш орқали давлат сунъий интеллектнинг ахборот, ҳуқуқий ва ахлоқий хавфларининг олдини олишга қаратилган механизмларни шакллантирмоқда.⁸

Шу муносабат билан, қуйидаги илмий-амалий тақлифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, сунъий интеллект технологияларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига жорий этиш ҳужжатлар лойиҳаларини шакллантириш, катта ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базаларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни тезкор излаб топиш имкониятларини таъминлайди. Шунингдек, реал вақт режимида табиий тилни қайта ишлаш (NLP) технологиялари асосида ишлаб чиқилган чатботлар ёрдамида электрон далилларни таҳлил қилиш, уларни йиғиш ва саралашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалий қўмакчи восита сифатида хизмат қилади.

Иккинчидан, прокуратура органлари фаолиятида сунъий интеллект воситаларининг қўлланилиши тергов жараёнини юқори даражада аниқлик, тезкорлик ва самарадорлик билан ташкил этишга хизмат қилади. Айниқса, ахборот манбаларини автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш орқали маълумотларни тегишли категорияларга (тармоқлар) ажратиш, саралаш, шунингдек кейинги қидирув ва таҳлил жараёнларини тизимли ва самарали ташкил этиш имконини яратади. Бу эса тергов жараёнларида далилларни тезкор саралаш ва улардан мақсадли фойдаланишга хизмат қилади.

Учинчидан, сунъий интеллект асосида ҳуқуқий хулосалар ва эксперт фикрларини шакллантиришда тергов ҳамда процессуал қарор қабул қилиш жараёнларини сезиларли даражада соддалаштирилишини таъминлайди.

Тўртинчидан, БАА халқаро давлат тажрибасидан прокуратура органлари фаолиятида процессуал жараёнларни оптималлаштириш ва тезлаштириш мақсадида сунъий интеллектга асосланган янги рақамли тизимнинг келгуси йилларда Ўзбекистон прокуратура ва суд-ҳуқуқ органларида жорий этилиши ҳуқуқий фактлар, тасвирлар, аудио ва видео материаллар кўринишидаги далилларни автоматик қайта ишлаш ва чуқур таҳлил қилиш, уларни транскрипция қилиш (аудио ёки видео ичидаги нутқни матн форматига ўтказиш), ҳуқуқий маълумотларни ажратиб олиш, шунингдек, мазкур маълумотлардан ҳуқуқий аҳамиятга молик элементларни аниқлаш ва уларни тегишли суд амалиёти билан боғлаш орқали юқори иш самарадорлигига эришилади.

Бешинчидан, ахборот хавфсизлиги ва рақамли далиллар ишончилигини таъминлаш мақсадида, миллий қонунчиликка сунъий интеллектдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали ахборот хавфсизлигига зарар етказганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, жумладан, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “сунъий интеллектдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали ахборот хавфсизлигига зарар етказиш” ёки “сунъий интеллект асосида яратилган ахборот ва синтетик (deepfake) контентдан ноқонуний фойдаланиш” деб номланган алоҳида жавобгарликни назарда тутувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Негаки, тақлиф этилаётган ҳуқуқий норма орқали сунъий интеллект воситалари орқали яратилган ёки ўзгартирилган синтетик контентни қасддан яратиш, тарқатиш ёки уни далил сифатида тақдим этиш орқали шахснинг шаъни, қадр-қиммати, қонуний манфаатлари ёхуд жамоат хавфсизлигига зарар етказиш ҳолатлари алоҳида жиноий қилмиш сифатида белгилиниши лозим. Бу ҳолат, айниқса, прокуратура ва тергов органлари амалиётида учраётган рақамли далилларни сохталаштириш, манипуляция қилиш ёки воқеликни бузиб кўрсатишга қаратилган ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан чеклаш имконини беради.

Шунингдек, тақлиф этилаётган ҳуқуқий норманинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, сунъий интеллект асосида яратилган синтетик контентдан фойдаланиш ахлоқий талаблар ва инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкам қафолатлашга хизмат қилади. Хусусан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва хизмат маълумотларини химоя қилиш, адолатли судлов тамойилларига риоя этиш масалалари ушбу норманинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиши лозим. Бу орқали сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш жараёнида “инсон устуворлиги” принципи таъминланиб, “инсон устуворлиги – масъулиятли инновация – ҳуқуқий мувозанат” тамойиллари сунъий интеллект воситаларини бошқаришнинг концептуал асосини ташкил этишда муҳим ўрин тутаяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ушбу мақола доирасида амалга оширилган илмий-назарий ва амалий таҳлиллар ҳозирги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасида кенг имкониятлар яратаётганини кўрсатади. Хусусан, юзни таниб олиш, потенциал жиноий хатарларни баҳолаш, башоратли полициячилик, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотлар ва рақамли далилларни тизимли қайта ишлаш ҳамда уларни чуқур таҳлил қилиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Юлдуз ЖАББАРОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.grandviewresearch.com>.
2. <https://www.un.org/ai-justice>.
3. DARSAN, vol. Demystifying the role of artificial intelligence in legal practice (July 2019). Nirma University Law Journal, vol. 8, n. 2, 2019. Available from: <https://ssrn.com/abstract=3443000>.
4. <https://www.justice.gov/olp/media/1381796/dl>. Электрон манба: мурожаат вақти 10.12.2025
5. [https://www.wam.ae/en/article/b5q8wqe-public-prosecution-develops-ai-supported-work#:~:text="](https://www.wam.ae/en/article/b5q8wqe-public-prosecution-develops-ai-supported-work#:~:text=)
6. <https://www.fbi.gov/investigate/counterintelligence/emerging-and-advanced-technology/artificial-intelligence>.
7. What constitutes a Deep Fake? (13 December, 2024) The blurry line between legitimate processing and manipulation under the EU AI Act, Kristof Meding Computational Law Lab, University of Tübingen, Germany Kristof Meding, Christoph Sorge Chair of Legal Informatics, Saarland University \\<https://arxiv.org/pdf/2412.09961>
8. https://t.me/orda_kz/114143.

ҚҶРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИ БҶЙИЧА ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *ушбу мақолада қўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг турларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *қўриқлаш шартномаси, кўчмас мулк объектларини, квартира ёки хонадонни, транспортда ташиладиган махсус юкларни қўриқлаш шартномаси, оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш тўғрисидаги шартнома.*

Фуқаролик ҳуқуқи (цивилистика) соҳасида шартнома институтини ўрганишга аънанавий равишда уч асосий жиҳатдан ёндашилади. Бу – шартномани юридик факт, ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий шакл (ҳужжат) сифатида таҳлил қилишдир. Мазкур ёндашув илмий жиҳатдан илк бор совет ҳуқуқшуноси О.С. Иоффе томонидан асослаб берилган бўлиб, у шундай ёзади: “Шартнома моҳиятини ҳар томонлама аниқ етиш учун у юридик факт сифатида, ҳуқуқий муносабат сифатида ва унинг тузилишида қўлланиладиган шакл сифатида ўрганилиши лозим”.

Шартнома томонларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аввало, тузилаётган шартноманинг турига ва энг муҳими, унинг предметига — яъни қўриқлаш шартномаси асосида бажарилиши керак бўлган аниқ қўриқлаш хизмати мазмунига боғлиқ бўлади. Бу жиҳатдан ижрочи (қўриқловчи ташкилот) томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва буюртмачи томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган хизматлар ўртасида мутаносиб ҳуқуқий муносабат шаклланади. Қўриқлаш шартномаси бўйича ижрочининг асосий мажбуриятини умумий тарзда қўриқлашга қабул қилинган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш, яъни уни учинчи шахсларнинг ноқонуний тажовузларидан ҳимоя қилиш мажбурияти сифатида таърифлаш мумкин. Объектнинг хусусиятларига ҳамда қўриқлашнинг амалга ошириш усули ва чораларига қараб, ижрочининг мажбуриятлари турлича бўлади. Масалан, стационар объектлар учун доимий кузатув ва сигнализация тизимини қўллаш зарур бўлса, ҳаракатдаги объектлар ёки махсус жойларда жисмоний қўриқлаш чоралари устувор бўлиши мумкин.

Кўчмас мулк объектларини қўриқлаш шартномасига мувофиқ, ижрочининг асосий мажбуриятлари қуйидагиларни қамраб олади: шартномада келишилган миқдорда қўриқлаш ходимларини жойлаштириш, буюртмачининг мол-мулки ва пул маблағларини ноқонуний тажовузлардан муҳофаза қилиш, объектда ўтказиш ва назорат режими ташкил этиш, иш куни якунида вақтинча кирган шахслар ҳақида ахборот бериш, муҳр ва пломбаларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда зарурат туғилганда келишув асосида қўшимча қўриқлаш постларини ташкил этиш.

Агар шартнома квартира ёки хонадонни қўриқлашга оид бўлса, ижрочининг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат бўлади: объектни белгиланган тартибда қўриқлашга қабул қилиш, сигнализация ишга тушганда тезкор равишда чора кўриш ва зарурат бўлса ноқонуний кирган шахсларни ушлаш, калит нусхаларининг хавфсиз сақланишини таъминлаш, шартнома тугаганда калитларни буюртмачига қайтариш ҳамда талаб қилинмаган калитларни белгиланган тартибда йўқ қилиш.

Оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлашга оид шартнома бўйича ижрочининг мажбуриятлари ўзига хос бўлиб, асосан қуйидагиларни қамраб олади: тадбир ҳудудига кириш-чиқишни назорат қилиш, тақиқланган буюм ва моддаларни олиб кирилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этиш ҳамда тадбир иштирокчилари ва томошабинларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишини таъминлаш.

Жисмоний шахсларнинг ҳаётини ва соғлигини тажовузлардан ҳимоя қилиш шартномаси бўйича ижрочининг мажбуриятларини белгилаш масаласи анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, амалиётда бундай турдаги шартномалар жуда кам тузилади ва уларни амалга ошириш ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан

катта масъулиятни талаб қилади. Жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар профилактик ва бевосита ҳимоя йўналишларида амалга оширилади. Шу асосда, тегишли шартнома бўйича ижрочининг асосий мажбуриятларига жисмоний шахснинг яшаш ва ҳаракатланиш жойларида хавфсизликни таъминлаш, эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаб бартараф этиш, ноқонуний тажовузларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш киради.

Бундан ташқари, қўриқланадиган объектнинг хусусиятидан қатъи назар, қўриқлаш хизматини кўрсатувчи ижрочининг узлуksиз ёки абонемент асосидаги шартнома бўйича муҳим мажбуриятларидан бири – хизмат тарифларида ўзгариш юз берганда буюртмачини ёзма равишда хабардор қилиш ҳисобланади. Бу ҳақдаги огоҳлантириш шартномада белгиланган муддатда, одатда, бир ой олдин юборилиши лозим. Шунингдек, ҳуқуқий адабиётларда ижрочининг жавобгарлигини шартнома бўйича суғурталашни ўз зиммасига олиш зарурлигига эътибор қаратилади, бу жуда ўринли ва эътиборга лойиқдир. Муаллифлар бу гоёни ҳуқуқий жиҳатдан мақбул ва амалий жиҳатдан ўринли деб баҳолайдилар, чунки суғурта механизми ижрочининг эҳтимолий хато ёки камчиликлари оқибатида буюртмачига етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳар бир қўриқлаш шартномаси бўйича ижрочининг мажбуриятлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг мазмуни қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, бу хусусиятлар қўриқланадиган объектнинг табиати ва ҳолати билан боғлиқ. Масалан, ҳаракатдаги юк, кўчмас мулк ёки шахсий муҳофаза объектларини қўриқлашда ижрочининг вазифалари турлича бўлади.

Иккинчидан, мажбуриятлар мазмунига қўлланилаётган усул ва воситаларнинг тури ҳам таъсир кўрсатади. Техник воситалардан фойдаланиш, физик муҳофаза чоралари ёки видеоназорат каби турли воситалар қўриқлашнинг ҳуқуқий ва амалий йўналишини белгилаб беради.

Учинчидан, ҳар бир шартномада белгиланган хизматнинг хусусий йўналиши ва мақсади — яъни қўриқлаш хизматининг айнан қайси турига оидлиги (мол-мулкни муҳофаза қилиш, шахсий хавфсизликни таъминлаш ёки оммавий тадбирларда тартибни сақлаш) ҳам ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатади.

Буюртмачининг мажбуриятлари ҳам шартнома асосида кўрсатиладиган қўриқлаш хизмати турининг хусусияти билан белгиланади.

Техник воситалар билан қўриқлаш тўғрисидаги шартнома бўйича буюртмачининг мажбуриятлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик, аввало, қўриқлашнинг амалга оширилиш усули — яъни техник воситалар орқали (сигнализация тизими ва ҳ.к. ёрдамида) қўриқлаш билан изоҳланади. Бундай ҳолларда буюртмачининг мажбуриятлари фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланмай, балки сигнализация тизимининг узлуksиз ва ишончли фаолиятини таъминлаш, унинг тўғри фойдаланилиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда тизимдаги ҳар қандай носозлик ёки ишдан чиқиш ҳолатлари ҳақида ижрочини ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, қўриқлаш сигнализацияси ўрнатилган объектларда буюртмачи фақатгина мулк эгаси сифатида эмас, балки техник муҳофаза

тизимининг самарали ишлашни таъминловчи иштирокчи сифатида ҳам масъулиятли ҳисобланади. Бу ҳолат кўриқлаш шартномаларининг техник ва ҳуқуқий аҳамиятини янада мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, квартира ёки хонадонни кўриқлаш шартномаси бўйича буюртмачи нафақат объектни кўриқлашга топшириш, балки унинг техник ҳолати, сигнализация тизими ва хавфсизлик тартибларини мустаҳкам назорат қилиш орқали ижрочининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун жавобгардир.

Юқорида баён этилган мажбуриятлардан ташқари, кўчмас мулкни кўриқлаш тўғрисидаги шартнома тузишда буюртмачи зиммасига яна бир муҳим мажбурият юкланади — бу объектнинг тегишли даражада техник жиҳатдан мустаҳкамланиши ва уни кўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозланишини таъминлашдир. Аксарият ҳолларда, бундай шартномаларда алоҳида кўрсатилишича, дўконлар, ательелар ва павильонлардаги витриналар буюртмачи томонидан ички томондан ёпилиб, муҳрланиши (ёки пломбаланиши) лозим. Шу билан бирга, витринада жойлаштирилган товарлар ва бошқа моддий бойликлар бўйича инвентаризация рўйхати (опись) тузилади, унда ҳар бир буюмнинг артикули ва баҳоси кўрсатилади. Мазкур рўйхат моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади ва буюртмачи муҳри билан тасдиқланади. Рўйхатнинг бир нусхаси витрина ичида сақланади, иккинчиси эса буюртмачининг моддий жавобгар шахсида бўлади.

Мол-мулкни транспорт орқали ташиш билан боғлиқ кўриқлаш шартномаси бўйича буюртмачининг мажбуриятлари ҳам бир қатор ўзига хос жиҳатлар билан тавсифланади. Хусусан, буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт: ташиш учун қабул қилинган мол-мулкнинг номи, баҳоланган қиймати, ташиш усули ва транспорт тури ҳақида ижрочига олдиндан маълумот берилиши; ижрочи билан транспорт йўналиши, ташиш санаси ва вақтини олдиндан келишиши; буюртмачи ташиш учун белгиланган мол-мулкни белгиланган вақтда ижрочига топшириши, транспортировка тугагач эса уни қабул қилиб олиши.

Шунингдек, оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда жамоат тартибини кўриқлаш тўғрисидаги шартнома бўйича буюртмачининг ҳам алоҳида мажбуриятлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат: тадбир ўтказиш вақти, жойи (ҳудуди) ва унинг мазмуни ҳақида ижрочига олдиндан маълумот бериши; оммавий тадбирда иштирок этувчи шахслар сонини аниқ белгилаб, ижрочига хабар қилиши; тадбирни хавфсиз ўтказиш мақсадида ижрочи билан кўриқлашнинг тури, шакли ва қўлланиладиган усуллар бўйича келишиши.

Таъкидлаш жоизки, кўриқлаш шартномаси турига қараб буюртмачининг мажбуриятлари турлича бўлади. Транспортировка билан боғлиқ кўриқлаш муносабатларида буюртмачи логистика ва хавфсизликни таъминлашда фаол иштирокчи, оммавий тадбирларда эса ташкилий ва ахборот таъминотини таъминловчи масъул субъект сифатида намоён бўлади.

Жисмоний шахсни кўриқлаш шартномаси бўйича буюртмачининг мажбуриятлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар хизматнинг индивидуал табиати билан белгиланади. Хусусан, буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим:

Биринчидан, ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотни ижрочига ўз вақтида тақдим этиш. Агар буюртмачига нисбатан жиноий тажовуз ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлар тайёрланаётгани ҳақида маълумот мавжуд бўлса, у бу ҳақда ижрочини дарҳол хабардор қилиши керак. Бу маълумотлар кўриқлаш тадбирларини самарали режалаштириш ва эҳтимолий хавфларни бартараф этиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ижрочининг хавфсизлик бўйича тавсияларига риоя қилиш. Буюртмачи ижрочи томонидан берилган хавфсизлик тавсияларига қатъий амал қилиши лозим. Бу тавсияларга шахсий ҳаракатланиш йўналишини режалаштириш, транспорт маршрутини ўзгартириш, хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ва бошқа профилактик чоралар қиради.

Кўриқлаш шартномасининг ҳақ эвазига тузилиши, унинг доирасида буюртмачининг асосий мажбурияти сифатида кўриқлаш хизмати кўрсатилганлиги учун белгиланган ҳақни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини юзага келтиради. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан кўриб чиқилаётган кўриқлаш шартномасига оид низоларнинг салмоқли қисми айнан буюртмачининг кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга оширмалиги ёки лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ.

Айрим ҳолатларда бундай низолар тарафлар ўртасида тузилган келишув битими билан яқунланади. Кўриқлаш хизматларининг аксарияти абонемент хусусиятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда, одатда буюртмачига ижрочининг хизматлари учун преискурантга мувофиқ ҳар ойлик тўловни амалга ошириш мажбурияти юклатилади. Шу билан бирга, мол-мулкни ташиш жараёнида уни кўриқлаш бўйича мажбуриятлар кўриқчилар фаолияти учун соатбай ҳақ тўлашни ҳам назарда тутиши мумкин. Ҳудди шу тартиб шахсий кўриқлаш тўғрисидаги шартномаларга нисбатан ҳам белгиланиши ва қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, амалиётда тўловларни ўз вақтида амалга оширмалик ҳолатлари учун жарима санкцияси (пеня) белгилаш кенг тарқалган. Одатда, бундай неустойканинг миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг ҳар бир муддати ўтган куни учун 1 фоиздан ошмайди.

Кўриқлаш мажбуриятлари доирасида буюртмачи ва ижрочининг ҳуқуқлари, одатда, уларнинг мажбуриятларига мутаносиб равишда шаклланади. Шу сабабли, уларнинг аксар қисми алоҳида тавсифлашни талаб этмайди. Бироқ, айрим ҳуқуқларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, квартирани кўриқлаш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг хоҳишига кўра, ўзида мавжуд қалит нусхалари орқали кўриқланаётган хонани очиш, уни кўздан кечириш ҳамда бу жараённи гувоҳлар иштирокида ёки уларсиз амалга ошириб, белгиланган шаклда далолатнома расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, мазкур шартнома доирасида буюртмачи квартирага исталган вақтда ва шартнома амал қилиш муддати доирасида исталган даврга кўриқлаш хизматига топшириш, шунингдек, кўриқлашга топширилаётган мол-мулк қийматини бир томонлама белгилаш ва ўзгартириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур шартномада ижрочининг асосий мажбурияти кўриқлаш хизматини кўрсатишдан иборат бўлиб, бу мажбуриятга мувофиқ равишда буюртмачининг унинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд. Шу билан бирга, буюртмачининг асосий мажбурияти кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлашдан иборат бўлиб, ушбу мажбурият ижрочининг тўловни талаб қилиш ҳуқуқи билан уйғунлашади. Айни пайтда, шартнома тарафларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўриқлаш шартномасининг турига, аниқроғи, унинг предметиға – яъни, ижрочи томонидан кўрсатилиши лозим бўлган ҳамда буюртмачи талаб қилишга ҳақли бўлган муайян кўриқлаш хизмати мазмунига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Олим УМБЕТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иоффе О. С. Общее учение об обязательствах. – М.: «Юридическая литература», 1975. – С. 75.; Иоффе О.С. Обязательственное право. – М.: Госюриздат, 1975. – С. 23-24.
2. Лишанков Е.Н. Организационно-правовые основы охраны объектов подразделениями вневедомственной охраны при органах внутренних дел Российской Федерации: Дисс. ... к. ю. н. М., 2000. С. 87.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29.08.1998 йилдаги 670-1-сон Қонуни.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА ПРОЦЕССУАЛ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролик суд ишларини юретишда биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларнинг мазмун моҳияти, уларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд амалиёти орқали муҳокама қилинган. Ушбу суд ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ процессуал бузилишлар ва уларнинг ҳал қилув қарорига таъсир этиши даражаси ва доираси таҳлил қилинган. Мазкур процессуал хатоликларни олдини олишда замонавий технологиялардан фойдаланиш истиқболлари тадқиқ қилинган. Таҳлиллар натижасида муаллиф томонидан илмий ва назарий фикр-мулоҳазалар юритилиб, умумий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, судья, биринчи инстанция, апелляция, кассация, тафтиш, сунъий интеллект.

Фуқаролик суд ишларини юретишда суд ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш муҳим процессуал босқичлардан бири ҳисобланади. Суд ҳужжатлари суд ишларини юретишда маълум вазифаларни бажариши, қайси суд инстанциясида қабул қилиниши, мазмуни ва расмийлаштирилишига кўра бир неча турларга ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда - ФПК) 6-моддасига кўра суд ҳужжатлари ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ шаклида қабул қилинади¹.

Ҳал қилув қарорлари биринчи инстанция томонидан мазмунан тугалланган ишлар доирасида қабул қилинади. Ушбу суд ҳужжати энг муҳим процессуал ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Аммо, буйруқ тартибида юритиладиган ишлар доирасида эса суд буйруғи қабул қилинади. Ажрим қабул қилинадиган суд инстанцияси ва мазмунига кўра икки турга ажратилади. Биринчи тури сифатида, юқори инстанциялар, яъни апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари ишни кўриш натижалари юзасидан ажрим сифатида якуний суд ҳужжатини олиш мумкин. Иккинчи тури эса, ишни мазмунан ҳал қилмайдиган ишлар юзасидан қабул қилинадиган суд ажрими ҳисобланади. Фуқаролик судлари томонидан қабул қилинадиган қарор шаклидаги суд ҳужжати ҳам иккита турга ажратилган. Яъни, биринчи тури Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари юзасидан қарор шаклидаги суд ҳужжати қабул қилинса, иккинчиси фуқаролик судлари ваколатига юклатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриш натижалари бўйича суд қарор шаклидаги суд ҳужжати қабул қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча турдаги суд ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ процессуал қоидаларнинг бузилиши ҳал қилув қарори бекор қилинишига олиб келмайди. Чунки, ҳал қилув қарорлари биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинади. Якуний суд ҳужжати сифатида эса ажрим ва қарорлар юқори инстанциялар томонидан қабул қилинади. Шу боис, биринчи инстанция томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Бу ҳужжатлар эса қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳал қилув қарори;
- биринчи инстанция суди томонидан ишни мазмунан ҳал қилмайдиган масалаларни кўриб чиқиш доирасида қабул қилинадиган суд ажримлари;
- биринчи инстанция суди томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қабул қилинадиган суд қарорлари.

Биринчи навбатда, ҳал қилув қарорларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Суд ҳал қилув қарори ҳуқуқни қўллаш акти сифатида суд муҳокамаси жараёнларига якун ясаб, тарафлар ўртасидаги моддий-ҳуқуқий низои ҳал қилади, шунингдек судга мурожаат қилувчи шахсларнинг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқлари ва манфаатларини тиклайди². Ўзбекистон Республикаси ФПК 249-моддасига кўра, ҳал қилув қарори суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинади. Бу шуни англатадики, ҳал қилув қарори бошқа суд ҳужжатларидан мана шу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилиниши ҳал қилув қарорининг умуммажбурий характерга эга эканлигини белгилаб беради. ФПК 253-моддасига мувофиқ, ҳал қилув қарори қуйидаги тўрт қисмдан иборат бўлади:

- кириш;
- баён;
- асослантирувчи;
- хулоса³.

Ҳал қилув қарорларини қабул қилишда ва расмийлаштиришда юқорида келтирилган кетма-кетликка қатъий амал қилиш талаб этилади. Уларни қабул қилишда процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги 12-сонли “Суд ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу суд Пленум қарорининг учинчи бандида ҳал қилув қарорлари қатъий белгиланган процессуал ҳуқуқ нормаларига амал қилган ҳолда қабул қилиниши кўзда тутилган. Мазкур процессуал ҳуқуқ нормаларидан бири ҳал қилув қарорини имзолаш ҳисобланади. ФПК ва юқоридаги Пленум қарорига кўра ҳал қилув қарори қайси судья томонидан қабул қилинган бўлса, ўша судья томонидан имзоланиши талаб этилади. Ушбу процессуал норманинг бузилиши ФПК 372⁴-моддаси иккинчи қисми олтинчи бандига кўра ишни кўрган ва ҳал қилган судьядан (судьялар) бошқа судья (судьялар) томонидан имзоланиши ҳал қилув қарорини бекор қилинишига олиб келиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган суд ажримлари юқорида таҳлил қилинганидек, ишни мазмунан ҳал қилмасдан қабул қилинади. ФПК 271-моддасида биринчи инстанция суди ажримлари ҳам мазмун жиҳатидан ҳамда қабул қилиниши шаклига мувофиқ иккита турга ажратилган. Биринчиси алоҳида хонада судья томонидан қабул қилинадиган суд ажрими бўлса, иккинчиси унча мураккаб бўлмаган ишлар юзасидан суд ўз жойида қабул қиладиган суд ажрими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми-



нинг 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида”-ги қарори қабул қилинган бўлиб, учинчи бандида алоҳида суд ажрими сифатида қабул қилиниши лозим бўлган ҳолатлар аниқ санаб ўтилган⁴. Демак, шу ўринда савол туғилади. Яъни, биринчи инстанция суди ажримлари ушбу ажримни қабул қилган судьядан бошқа судьялар томонидан имзоланиши ҳолати мазкур суд ҳужжати бекор қилиши билан бир қаторда ҳал қилув қарорига ҳам таъсири қилиш мумкинми? Чунки, ФПК 372⁴-моддаси иккинчи қисми олтинчи бандида суд ажрими келтирилиб ўтилган. Аммо, бу ажрим айнан юқори инстанция суди томонидан қабул қилинган якуний ҳужжат сифатидаги ажримми ёки биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган ажримми?, деган саволни туғдиради. Ушбу нормани мазмунан таҳлил қиладиган бўлсак, ФПК 372⁴-моддаси иккинчи қисм олтинчи бандида ажрим умумий қилиб белгиланган. Шу боис, айтиш жоизки, юқоридаги ажримлар турларидан келиб чиққан ҳолда барча турдаги ажримларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демак, бундан келиб чиқадики, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ажримларни имзолаш билан боғлиқ процессуал ҳатолик ушбу иш доирасида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг кейинчалик бекор қилинишига таъсир қилиши мумкин.

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарор шаклидаги суд ҳужжати, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қабул қилинади. ФПК 150-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ қарорни расмийлаштириш тўғрисида процессуал ҳуқуқ нормалари келтирилган. Ушбу моддага кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор раислик қилувчи томонидан иш бўйича суд мажлиси тугагандан кейин алоҳида хонада (маслаҳатхонада) тузилиб, судья (суд таркиби) томонидан имзоланади⁵. Ушбу вазиятда ҳам суд ажримидаги каби савол туғилади. ФПК 372⁴-моддаси иккинчи қисм олтинчи бандида қарор умумий қилиб кўрсатилган. Яъни, ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан тафтиш тарзидаги ишларни кўриш якуни бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатими ёки биринчи инстанция томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қабул қилинадиган суд ҳужжатими?, деган савол вужудга келади. Суд қарори суд ажримидан фарқли равишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қабул қилинганлиги боис, ҳал қилув қарорига мазмун жиҳатидан таъсир этиш кучига эга эмас деб ҳисоблаш мумкин. Яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция суди қарорини имзолаш билан боғлиқ процессуал бузилиш ҳал қилув қарори бекор қилинишига олиб келмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши асосларидан бири ҳисобланган суд ҳужжатларини имзолашда юзага келадиган ҳатоликларнинг олдини олиш ва уларни тузатиш одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, амалий жиҳатдан қаралганда, суд ҳужжатларини имзолаш билан боғлиқ ҳолатлар жуда кам учрайди. Чунки, замонавий технологияларнинг суд тизимида жорий этилиши ушбу процессуал ҳатоликларнинг содир этилиши даражасини камайтиради. Бундан ташқари, имзолаш билан боғлиқ ҳуқуқ нормасининг бузилиши ишга мазмунан катта таъсир ўтказмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, бир иш доирасида судья томонидан ҳар тарафлама тўлиқ, адолатли, асосли ва қонуний

ҳал қилув қарори қабул қилинди. Аммо, якуний босқичда ишни кўрган судья томонидан эмас, балки бошқа судья томонидан имзоланганлиги аниқланди. Бу ҳолатда 372²-моддаси иккинчи қимсига кўра суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани қўллаш лозим. Бу норманинг қўлланилиши ҳал қилув қарорларининг барқарорлигини таъминлаб, ортиқча оворагарчиликларни бартараф этади. Аммо, бу нормани қўллашда юқори инстанция суди томонидан суд ҳужжати ҳар тарафлама тўлиқ текшириб чиқиши талаб этилади.

Таъкидлаб ўтилган процессуал бузилишларни олдини олишда сўнги замонавий технологиялардан фойдаланиш мумкин. Сўнги интеллект технологияларини суд тизимида жорий этиш бўйича жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумаладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида 2025 йил 21 августда “Судлар фаолиятига сўнги интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, ушбу фармонда “Рақамли суд” концепцияси ишлаб чиқиш белгиланди. Ушбу концепциянинг устувор вазифаларидан бири сифатида суд ишлари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилиши ва суд ҳужжатларининг лойиҳалари автоматик тарзда шакллантирилиши ҳисобланади⁶. Мазкур ўзгаришлар суд ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ хато ва камчиликларни камайтиришга ёрдам беради.

Умумий қилиб айтганда, суд ҳужжатлари, жумладан ҳал қилув қарори, биринчи инстанция суди ажрими ва қарорларини қабул қилишда процессуал ҳуқуқ нормаларига амал қилиш ва ушбу қоидалардан келиб чиққан ҳолда расмийлаштириш суд ҳужжатларининг барқарорлигини белгилаб берувчи муҳим омил саналади. Айниқса, ушбу ҳужжатларни имзолаш билан боғлиқ ҳуқуқ нормасининг бузилиши, кейинчалик юқори инстанциялар томонидан ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин бўлади.

Самандар АБДИҲАКИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksi <https://lex.uz/docs/-3517337#-6716143>
2. Mamasiddiqov M.M., Xabibullayev D.Y., Fuqarolik protsessual huquqi. Draslik. - Toshkent. "Lesson Press" nashriyoti. 2020. 607 bet. 390-bet
3. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksi <https://lex.uz/docs/-3517337#-6716143>
4. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2019-yil 25-oktabrdagi 19-sonli "Fuqarolik ishlari bo'yicha birinchi instansiya sudining ajrimlari to'g'risida"gi qarori <https://www.lex.uz/ru/docs/-4597589>
5. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksi <https://lex.uz/docs/-3517337#-6716143>
6. O'zbekiston Respublikasining Prezidentining 2025-yil 21-avgustdagi "Sudlar faoliyatiga sun'iy intellekt texnologiyalarini joriy etish orqali odil sudlovga erishish darajasini oshirish hamda sud tizimining moddiy-texnik ta'minotini yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni <https://lex.uz/en/docs/-7696567>

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ этилиши масалалари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқот жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеяси резолюциялари, шунингдек, UNICEF ва UNESCO ҳужжатларида белгиланган асосий нормалар ўрганилди. Мақолада халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг миллий қонунчиликда акс этиш даражаси баҳоланиб, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишдаги амалий муаммолар аниқланади ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, ҳуқуқий таълим, халқаро-ҳуқуқий стандартлар, таълим ҳуқуқи, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, миллий қонунчилик, имплементация.

Бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг асосий халқаро-ҳуқуқий манбаси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур Конвенция болани мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиб, таълим орқали унинг шахсияти, қобилиятлари ва ҳуқуқий онгини ривожлантиришни давлатларнинг мажбурияти сифатида белгилайди.

Хусусан, Конвенциянинг 29-моддасида таълимнинг асосий мақсадлари аниқ кўрсатиб берилган бўлиб, унга кўра таълим боланинг шахсияти, истеъдоди ва ақлий ҳамда жисмоний қобилиятларини тўлиқ ривожлантиришга, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилиши лозим. 42-моддаси эса давлатларга Конвенция қоидаларини, жумладан, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги нормаларни болалар ва катталар ўртасида кенг тарғиб қилиш мажбуриятини юклайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюцияларида ҳам инсон ҳуқуқлари, жумладан, бола ҳуқуқлари бўйича таълим масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2011 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тайёрлаш тўғрисидаги Декларацияда давлатларнинг барча таълим даражаларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни жорий этиш мажбурияти белгиланган бўлиб, мазкур ҳужжат бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг норматив асосларини янада мустаҳкамлаган.

Бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг халқаро-ҳуқуқий стандартларини шакллантиришда UNICEF ва UNESCO каби халқаро ташкилотларнинг дастурий ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, UNICEF томонидан ишлаб чиқилган бола ҳуқуқлари бўйича таълим концепцияси болаларнинг ўз ҳуқуқларини билиши уларнинг ҳуқуқларини реал ҳаётда амалга оширишнинг зарурий шarti эканлигини таъкидлайди. UNESCO эса инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни тинчлик, бағрикенглик ва қонун устуворлигини таъминлаш воситаси сифатида баҳолаб, уни барқарор ривожланишнинг муҳим омили деб ҳисоблайди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрдан кучга кирган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция болаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи универсал халқаро шартнома сифатида эътироф этилган. Ушбу ҳужжат болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни белгилаб,

давлатлар учун ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат ҳам айнан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бўлиб, у 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат 54 та моддадан иборат бўлиб, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг яшаш, ривожланиш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимояланиш каби фундаментал ҳуқуқларини мустаҳкамлайди ва боланинг ҳуқуқий мақомини мустақил субъект сифатида белгилаб, унинг ҳуқуқларини ота-оналар ёки қонуний вакиллар ҳуқуқларига қўшимча элемент сифатида эмас, балки ажралмас инсон ҳуқуқлари сифатида эътироф этади.

Конвенциянинг концептуал асосини боланинг манфаатларини таъминлаш тамойили ташкил этади. Ушбу тамойил боланинг яшаб қолиши, ривожланиши, ҳимояланиши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишини кафолатловчи тўрт асосий йўналиш орқали ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига қўшилган ҳолда, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга ошириш соҳасида халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олган бўлиб, ушбу мажбуриятлар миллий қонунчилик ва давлат сиёсатида изчил акс эттирилмоқда.

Бош Қомусимизда таълим олиш ҳуқуқи ва болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид асосий принциплар мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциянинг 37- ва 41- моддалари таълимнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳида олиб борилишини назарда тутаяди ҳамда давлатнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини белгилайди. Мазкур конституциявий қоидалар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 29 ва 42-моддаларида назарда тутилган халқаро стандартлар билан мазмунан уйғун ҳисобланади. Халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликда татбиқ этилишида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қонунда таълимнинг асосий мақсадлари сифатида шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳуқуқ ва эркинликларга ҳурмат руҳини шакллантириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш белгиланган бўлиб, бу ҳол бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг халқаро-ҳуқуқий мазмунини акс эттиради. Шу билан бирга, қонунда таълим тизимининг узлуксизлиги ва барча таълим босқичларида тарбиявий компонентнинг мавжудлиги белгиланиши бола ҳуқуқлари

бўйича таълимни тизимли амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратади.

Шунингдек, халқаро стандартларнинг имплементациясида “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун муҳим норматив-ҳуқуқий манба ҳисобланади. Мазкур қонунда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, бу ҳол Конвенциянинг 42-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларни тарғиб қилиш мажбуриятининг миллий даражадаги ифодаси сифатида баҳоланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қонунчилигида бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари умумий принциплар ва норматив қоидалар даражасида ўз аксини топган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизмларини янада аниқлаштириш, таълим тизимида мазкур йўналишни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда халқаро тажрибани миллий шароитга мослаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари Ўзбекистон қонунчилигида умумий нормалар даражасида мустаҳкамланган бўлсада, уларни амалиётда тўлиқ ва самарали амалга оширишда муайян муаммолар бор.

Мазкур муаммолар, аввало, таълим тизимининг ташкилий-услубий жиҳатлари, ўқув дастурларининг мазмуни ҳамда педагог кадрларнинг тайёрларлик даражаси билан бевосита боғлиқ.

Биринчидан, бола ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий таълимнинг тизимли эмаслиги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Амалдаги таълим тизимида бола ҳуқуқларига оид билимлар алоҳида мустақил фан ёки мажбурий модул сифатида эмас, балки умумий ҳуқуқий ёки ижтимоий фанлар доирасида парчаланган ҳолда берилмоқда. Натижада, бола ҳуқуқлари бўйича таълим узлуксиз ва изчил тизимга эга бўлмай, халқаро-ҳуқуқий стандартларда назарда тутилган комплекс ёндашув тўлиқ таъминланмаяпти.

Иккинчидан, ўқув дастурларида бола ҳуқуқларига етарли эътибор берилмаслиги амалий муаммоларнинг яна бир муҳим жиҳатини ташкил этади. Аксарият умумтаълим ва ўрта махсус таълим муассасаларида бола ҳуқуқлари масалалари умумий инсон ҳуқуқлари контекстида чекланган ҳажмда ёритилиб, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унга асосланган халқаро стандартларнинг мазмуни чуқур очиқ берилмайди. Бу ҳол болаларда ўз ҳуқуқлари тўғрисида етарли даражада аниқ ва тизимли тасаввур шаклланмаслигига олиб келмоқда.

Учинчидан, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишда ўқитувчилар ва педагог кадрлар тайёрларлиги масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Амалиёт шуни кўрсатадики, мазкур йўналишда махсус билим ва методик кўникмаларга эга бўлган мутахассислар етарли эмас. Бу эса халқаро-ҳуқуқий стандартларни таълим жараёнига тўлиқ ва сифатли интеграция қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида, аввало, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишнинг институционал ва норматив механизмларини такомиллаштириш зарур. Хусусан, умумтаълим ва профессионал таълим тизимида бола ҳуқуқларига бағишланган махсус ўқув модулларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай модуллар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, миллий қонун-

чилик ҳамда халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилиши ва барча таълим босқичларида узлуксиз тарзда ўқитилиши лозим.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қонунчилигида бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари умумий принциплар даражасида акс эттирилган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизмларини янада аниқлаштириш ва тизимлаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Хусусан, таълим тизимида бола ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксизлиги, ўқув дастурларининг мазмуни ва педагог кадрлар тайёрларлиги масалалари халқаро стандартларга тўлиқ мос келмайди.

Шу боис, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишда халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни самарали бажариш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ бўлган механизмларни жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишдаги амалий муаммоларни бартараф этиш тизимли, комплекс ва институционал ёндашувни талаб этади. Мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш ҳамда малакали педагог кадрлар тайёрлаш халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг миллий даражада тўлиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Мафтуна ХУДАЙБЕРДИЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ҳуқуқ институтини таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Convention on the Rights of the Child. Adopted by UN General Assembly, 20 November 1989.
2. Convention on the Rights of the Child, Articles 29, 42.
3. O'zbekiston Respublikasining "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi Qonuni. 19.09.1998 yil.
4. UNESCO. Human Rights Education in the School System. Paris, 2009.
5. United Nations. World Programme for Human Rights Education. New York-Geneva, 2012.
6. Convention on the Rights of the Child, Article 29.
7. Birlashgan Millatlar Tashkiloti. Inson huquqlari bo'yicha ta'lim uchun Jahon dasturi. Nyu-York-Jeneva, 2012.
8. Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya. 29-modda. 1989- y.
9. Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya. 42-modda. 1989- y.
10. BMT Bosh Assambleyasi. Inson huquqlari bo'yicha ta'lim va malaka oshirish deklaratsiyasi, 2011.
11. UNICEF. Bola huquqlari bo'yicha ta'lim bo'yicha o'q'lanma. Nyu-York, 2014.
12. Birlashgan Millatlar Tashkiloti. Inson huquqlari bo'yicha ta'lim uchun Jahon dasturi bo'yicha Harakatlar rejası, 1-bosqich.
13. Convention on the Rights of the Child. New York, 20 November 1989 // United Nations Treaty Series, Vol. 1577. – pp. 3–18
14. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining qarori "Bola huquqlari to'g'risidagi Konvensiyani ratifikatsiya qilish haqida". 1992 yil 9 dekabr // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi Axborotnomasi. – 1992. – №12. – 210–212-b.
15. UNICEF. Implementation Handbook for the Convention on the Rights of the Child. – Geneva: UNICEF, 2007. – pp. 377–415
16. Freeman M. The Rights and Wrongs of Children. – London: Frances Pinter, 2007. – pp. 98–120
17. UNICEF. The State of the World's Children 2022: Children in a Changing World. – New York: UNICEF, 2022. – pp. 24–41
18. <https://lex.uz/docs/2595913>
19. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 37, 41- m.– T.: 2023.
20. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni 29.12.1997 yil.
21. O'zbekiston Respublikasining "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi Qonuni 19.09.1998 yil.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК: КУРОРТ – ТАБИЙ ҲУДУДЛАРИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиши ва унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўрни таҳлил қилинади. Мақолада халқаро ҳужжатлар, жумладан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, шунингдек миллий қонунчилик нормалари асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик очиб берилган. Тадқиқот натижалари барқарор ривожланиш тамойилларини амалга оширишда курорт ҳудудларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштириш зарурлигини асослайди.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, курорт – табиий ҳудудлар, экологик хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, иқлим ўзгариши, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик ҳуқуқлар.

Барқарор ривожланиш атамаси кенг миқёсда қўлланилишига 1987 йилда Gro Harlem Brundtland раҳбарлигидаги Жаҳон Атроф-муҳит ва Тараққиёт Комиссияси (WCED) томонидан киритилган. Комиссиянинг вазифаси барқарор ривожланишнинг асосий тамойиллари, кўрсаткичлари ҳамда келгуси ўн йил учун мўлжалланган глобал экологик ва иқтисодий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш эди. Натижада “Бизнинг умумий келажакимиз” номли ҳисобот тақдим этилди. Айнан шу ҳисоботда “барқарор ривожланиш” атамасининг замонавий мазмундаги аниқ таърифи биринчи марта шакллантирилди ва чексиз иқтисодий ўсишга асосланган ривожланишга муқобил сифатида янги барқарор ривожланиш концепцияси илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи эътироф этилган. 49-моддага кўра, ҳар бир шахс ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз атроф-муҳитга эга бўлиш, шунингдек, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида ҳар бир фуқаронинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи белгиланган. Бу ҳуқуқ хавфсиз ва соғлом яшаш муҳитини, меҳнат қилиш, ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитларини назарда тутаяди, бу эса инсоннинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи билан фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи (Конституциянинг 45-моддаси) ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 15-моддасига кўра, давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилишни инсон ҳаёти ва соғлиги учун муҳим омил сифатида таъминлайди. Бунга тирик ва жонсиз табиатни асраш, инсонларни салбий экологик таъсирлардан ҳимоя қилиш, инсон, ҳаёт ва табиат ўртасида уйғун алоқани таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш кабилар киряди.

Фуқароларнинг экологик хавфсизлик тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар натижасида юзага келган ҳаёт ва соғлиқ учун хавфсиз муҳит ҳуқуқининг бузилиши даъволари бўйича 2021 йилнинг 9 ойи давомида 34 275 та ҳолат аниқланган. Шу даврда 1365 та ҳолат бўйича 15 миллиард сўмлик жарима ва табиатга етказилган зарарларни ундириш юзасидан материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилганлиги ушбу ҳуқуқнинг мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради. Бу ҳолат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида расман тан олинган шахсий ва оилавий ҳаётга ҳурмат кўрсатиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Соғлиқни сақлаш фуқароларнинг ажралмас табиий ҳуқуқи сифатида деярли барча миллий ҳуқуқ соҳалари томонидан тартибга солинади, бу соҳалар ичида экологияга оид қонунчилик муҳим рол ўйнайди. Атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилигимизда асосий қоида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, инсон саломатлиги ва ҳаёти экологик омилларнинг салбий таъсиридан давлат муҳофазасида бўлади (Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 3-моддаси).

Қонунчилигимизга кўра, фуқаролар соғлиқни сақлаш ва дам олиш мақсадларида табиий ресурслардан (ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси, ўрмонлар, сув ҳавзалари ва бошқалар) умумий ёки махсус фойдаланиш ҳуқуқи асосида ишлатишлари мумкин. Бундай ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 16-моддаси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси, “Ер қаъри тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси, шунингдек “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси ташкил этади.

Иқтисодий ва бошқа фаолиятларни, айниқса табиий ресурслар ва комплекслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятларни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиниши ва бошқаларнинг экологик ҳуқуқлари бузилмаслиги керак. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг табиий ресурс базасини муҳофаза қилиш ҳамда оқилона фойдаланиш зарурати шундан келиб чиқадики, инсон фаолияти тобора кўпроқ экотизимларнинг яхлитлигига таъсир кўрсатмоқда, экотизим эса инсон фаровонлиги ва иқтисодий фаолият учун муҳим бўлган ресурслар ва хизматлар билан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан табиий экотизимлар ва жамоат саломатлигига юқори хавф даражасини инобатга олиб, уларни нейтраллаштириш бўйича устувор чораларни белгилаш мақсадида “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Курорт – табиий ҳудудлари, соғлиқни сақлаш ва дам олиш мақсадларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни ўз ичига олади. Ушбу ҳудудларда табиий объектларнинг ҳолати, уларнинг жойлашган экологик шароитларига бевосита боғлиқ. Иқлим ўзгариши, айниқса, курорт ҳудудларидаги табиий ресурсларнинг сифатига ва барқарорлигига катта таъсир кўрсатади. Масалан, иқлим ўзгариши натижасида сув ресурсларининг камайиши ёки сифатсизлашиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг йўқолиши курорт ҳудудларининг экологик ҳолатига бевосита таъсир қилади. Бу эса соғлиқни сақлаш ва дам олиш учун мўлжалланган табиий ресурсларнинг тақдим этилишига ҳам таъсир қилади. Курорт ҳудудларида юқори сифатли сув, тоза ҳавонинг мавжудлиги ва табиий манзаралар муҳим омиллар ҳисобланади. Иқлим ўзгариши, айниқса, юқори тоғли ёки чўл ҳудудларидаги табиий масканлар учун жиддий хавф туғдириши мумкин, чунки бу ҳудудлар табиий мувозанатга ва иқлимга сезгирроқ бўлади. Бундай ҳолатлар, жумладан Ўзбекистонни ҳам ўзининг сиёсатини иқлим ўзгаришларига мослашув доирасида курорт табиий ҳудудини ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этишга йўналтиришга мажбур қилмоқда, чунки бу йўналиш фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини табиий ресурслардан фойдаланиш орқали таъминлайди.

Юқоридаги фикрлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади, чунки инсон саломатлигининг ҳолати билан атроф-муҳит, саноат ва бошқа объектларнинг экологик хавфсизлиги ҳолати ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туғдирувчи техноген ҳодисалар таҳдиди даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Шу боис, “экологик хавфсизлик”, “атроф-муҳит ҳолати” каби тушунчаларнинг ҳусусиятларини аниқлаш олимлар эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Дурдона АЛЛОБЕРДИЕВА,

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations General Assembly. Our Common Future. Report of the World Commission on Environment and Development [Internet]. Nairobi; 1987 June 16 [cited 2021 July 23]. Available from: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/5987our-common-future.pdf>
2. World Health Organization. Johannesburg Declaration on Health and Sustainable Development. Meeting of Senior Officials and Ministers of Health [Internet]. Johannesburg, South Africa; 2002 Jan. 19–22 [cited 2021 July 23]. Available from: https://www.who.int/mediacentre/events/HSD_Plaq_02.8_def1.pdf
3. United Nations General Assembly. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development [Internet], Resolution 70/1 (Sept. 25, 2015) [cited 2021 July 23]. Available from: https://www.un.org/en/development/desa/population/migration/generalassembly/docs/globalcompact/A_RES_70_1_E.pdf
4. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son.
5. “Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar to'g'risida”gi qonun, <https://lex.uz/docs/-415135>

НЕСПРАВЕДЛИВЫЕ УСЛОВИЯ И КАБАЛЬНАЯ СДЕЛКА В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ДОГОВОРАХ: СТРУКТУРНО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД

АННОТАЦИЯ: статья посвящена обоснованию самостоятельной правовой природы несправедливых условий в предпринимательских договорах и их разграничению с институтом кабальной сделки. В условиях отсутствия в гражданском законодательстве Республики Узбекистан специальных норм, регулирующих правовые последствия несправедливых договорных положений, анализируются доктринальные подходы и правоприменительная практика. В работе аргументируется целесообразность применения структурно-функционального анализа договорных отношений, ориентированного на выявление дисбаланса переговорных возможностей и договорных предоставлений, а также доказывается необходимость доктринального разграничения несправедливых условий и кабальных сделок в сфере предпринимательского оборота.

Ключевые слова: несправедливые условия договора, предпринимательские договоры, кабальная сделка, договорная несправедливость, свобода договора, справедливость, добросовестность, структурный дисбаланс, слабая сторона, гражданское право.

В условиях развития рыночной экономики и усложнения договорных связей в сфере предпринимательства особую актуальность приобретает проблема правовых последствий включения несправедливых условий в предпринимательские договоры. Современный гражданский оборот характеризуется широким использованием типовых и стандартных договорных конструкций, в рамках которых экономически более сильная сторона зачастую формирует содержание договора единолично, что объективно ограничивает возможности контрагента влиять на условия обязательства. В результате возникает структурный дисбаланс прав и обязанностей сторон, который формально не всегда сопровождается пороками волеизъявления, но при этом приводит к существенному нарушению принципов справедливости и добросовестности.

Несмотря на распространённость подобных ситуаций, гражданское законодательство Республики Узбекистан не содержит специальных норм, прямо регулирующих последствия включения несправедливых условий в предпринимательские договоры. В правоприменительной практике подобный пробел по аналогии направляет нас к положениям о кабальных сделках, закреплённым в статье 123 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.¹ Однако обоснованно полагаем, что такой подход представляется методологически спорным, поскольку институт кабальной сделки ориентирован на иные юридические предпосылки и не охватывает весь спектр случаев договорной несправедливости, возникающей в предпринимательских договорных отношениях. В этой связи особую научно-практическую значимость приобретает исследование соотношения несправедливых условий и кабальных сделок, а также анализ зарубежного и международного опыта регулирования последствий договорной несправедливости.

Вместе с тем целью настоящей статьи является обоснование самостоятельной правовой природы несправедливых условий и формулирование предложений по созданию комплексного механизма их правового регулирования с учётом современных доктринальных подходов и сравнительно-правового анализа.

Представляется, что подобный пробел порождает дискуссии относительно соотношения таких условий с институтом кабальных сделок и общими положениями о недействительности сделок и во многом усугубляется отсутствием доктринального единства в разграничении сделок с несправедливыми условиями и сделок с кабальными условиями.

